**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**КАРШИ МУХАНДИСЛИК ИКТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

«Фалсафа ва маърифатшунослик» кафедраси

## Ахлокшунослик фанидан

# Маъруза матни

**КАРШИ –2004 й.**

Ушбу маъруза матнлари туплами барча бакалавр йуналишларида Ахлокшунослик курси буйича утиладиган мавзу матнларини уз ичига олган. Маъруза матнларини энг янги адабиётлар асосида ёритишга харакат килинган. Маъруза матнлари туплами янги намунавий дастур хамда Узбекистон Республикаси милий истиклол гояси талаби асосида тайёрланди. Туплам Ахлокшунослик фанидан дарс берувчи укитувчилар ва урганувчи талабалар учун мулжалланган.

Настоящий сборник текстов лекций рассчитан для всех направлений бакалавриата и преподавателям кто ведет занятия по курсу этике и включает все темы по данному предмету. Сборник текстов лекций написано на основе новой типовой программы по курсу этике и отвечает всем требованиям идеям национальной независимости Республики Узбекистана.

This collection of text lectures is written for all directions of bachelors and professors teachers who teach subject and incudes Ethics all themes on given subject. Collection of text lectures is written on base of the new standart program on base of sciense of Ethics and answers all requirements to ideas of national independence of the Republic Uzbekistan.

# К И Р И Ш

Мамлакатимиз мустакилликка эришгандан сунг ижтимоий фанларнинг укитилишига катта эътибор берилди. Чунки, инсоннинг дунёкараши, маънавияти, маданиятини шаклланишида ижтимоий фанларнинг урни мухимдир. Мана шу янгиланиш жараёнида ахлокшуносликнинг уз урни булиб, унинг олдида янги демократик ва хукукий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фукароларининг айникса, ёшларнинг ахлокий даражасига масъуллик ва баркамол шахсни тарбиялашдек улкан вазифалар турибди. Шу уринда Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ахлок маънавиятнинг узаги», - деган фикрини дастуриламал деб билишимиз зарур.

Ахлокшунослик фанини ургатишдан максад ахлок ва ахлокий тафаккурнинг тараккиёт боскичларини илмий нуктаи назардан тушунтириш, ахлокнинг миллий ва умумбашарийлик хусусиятларини тахлил этиш, талабаларда Ватанга, миллатга, инсониятга мухаббат хиссини шакллантиришдан, халол, пок, ростгуй мутахассислар булиб етишишда ахлок ва одобнинг ахамиятини теран англатишдан иборатдир. Ушбу маъруза матнлари туплами намунавий дастур асосида ёзилган булиб, бунда асл манбалардан ва энг янги адабиётлардан фойдаланилди.

| № | Мавзу | Соат |
|---|---|---|
| 1 | Ахлокшуносликнинг тадкикот доираси, максад ва вазифалари. | 2 |
| 2 | Кадимги дунё ахлокшунослиги. Урта аср мутафаккирларининг ахлокий карашлари. | 2 |
| 3 | Янги давр ахлокшунослигидаги асосий таълимотлар ва йуналишлар. | 2 |
| 4 | Туркистон маърифатчи жадидларининг ахлокий карашлари. | 2 |
| 5 | 5-мавзу: Ахлок ва унинг келиб чикишида ихтиёр эркинлигининг ахамияти. Ахлок тузилмаси. Ахлокнинг маънавият тизимидаги урни...52 | 2 |
| 6 | Ахлокшуносликнинг асосий мезон тушунчалари | 4 |
| 7 | Ахлокий тамойилар ва меъёрлар хакида тушунчалар. | 2 |
| 8 | Оила, фукаролик жамияти ва давлатнинг ахлокий асослари хамда ахлокий тарбияси. | 2 |
| | Жами | 18 соат |

**Фалсафа (ахлокшунослик) фанидан маъруза матни.**

**Тузувчи: асс. Ш.Жумаева.**

## 1-мавзу: Ахлокшуносликнинг тадкикот доираси, максад ва вазифалари. (2 соат)

**Режа:**

1. Ахлокшунослик фани хакида тушунча, унинг мазмуни ва мохияти.
2. Ахлокшуносликнинг тадкикот доираси (бахс мавзуи), унинг асосий вазифалари.
3. Ахлокшунослик – ижтимоий онгнинг узига хос шакли сифатида урни ва ахамияти.
4. Ахлокшунослик фанининг бошка фанлар билан алокаси.
5. Миллий мустакилликни мустахкамлаш жараёнида ахлокшуносликнинг жамият ижтимоий-маънавий хаётидаги урни ва ахамияти.

**Адабиётлар:**
**2, 5, 11, 8, 9, 10, 12**

**Таянч иборалар:**
**Ахлокшунослик, этика, одоб, хулк, ахлок, неосфера, этосфера, биологик ахлокшунослик**

1.1. Ахлокшунослик бир неча минг йиллик тарихга эга булган кадимий фан. У бизда «Илми равиш», «Илми ахлок», «Ахлок илми», «Одобнома» сингари номлар билан аталиб келинган. Овропада «Этика» деб номланган. Уни биринчи булиб юнон файласуфи Арасту муомалага киритган. У фанларни тавсиф килиб, уларни назарий, амалий ва ижодий каби уч гурухга булган.

Биринчи гурухга - фалсафа, математика ва физика, иккинчи гурухга – этика ва сиёсат, учинчи гурухга санъат, хунармандчилик ва амалий фанларни киритган.

Этика юнонча **«ethos»** сузидан олинган булиб, одат, одоб, расм-русум, феъл (характер) маъноларини ифодалайди. Кадимги юнонлар ахлок хакида таълимотни фан даражасига кутарганлар ва этика деб атаганлар.

Бирок бизда миллий миллий-маънавий ахлокий кадриятларимизнинг, дастлабки ахлоикий гояларнинг вужудга келиши кадимги юнонлар яшаган даврдан унлаб асрлар аввал руй берган. Ажодоларимизнинг энг кухна эътикодий китоби «Авесто» бунинг ёркин далилидир.

Ахлокшунослик ахлокнинг келиб чикиши ва мохиятини, кишининг жамиятдаги ахлокий муносабатларини урганади. Ахлок жамиятда содир буладиган ходисаларнинг муайян сохаларини камраб олади. Ахлок одоб хулк

сузининг купчилик шаклида ва лотинча «логос» сузидан олинган булиб, одоб, феъл-атвор, маъноларини англатади. Ахлок сузи икки хил маънога эга: умумий тушунча сифатида фаннинг тадкикот обьектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл атвори ва хатти-харакатининг энг камровли кисмини билдиради.

Демак, ахлокнинг мазмунида хар бир кишининг оилада, жамиятда, жамоатчилик жойларида, умуман жамиятда юриш-туриш, яшаш коидалари, феъл-атворлари, хатти-харакатларининг жамиси ифодаланади.

Хозирги адабиётларда этика тушунчаси уч маънода ишлатилади.

Биринчидан, кундалик хаётда этика ахлок ва одоб, хулк-атвор маъноларини англатади.

Иккинчидан, маълум ижтимоий гурухлар, касб-хунар ёки ихтисосликларни билдиради: укитувчилар этикаси, савдогарлар этикаси, шифокорлар этикаси, рахбарлар этикаси ва бошкалар.

Учинчидан, купчилик холларда кишиларнинг ахлок одобини, хулкини, феъл-атворини урганувчи фан этика яъни ахлокшунослик деб аталади.

Купчилик холларда ахок ва этика тушунчалари билан бир каторда одоб тушунчаси хам ишлатилади.

Одоб (арабча «одат» сузининг купчилиги) – хулк-атвор, юриш-туриш маданиятининг ташки ва ички жихатларини ифодалайдиган тушунча булиб, у кишиларнинг хатти-харакатида узаро муносабатида (оила, мехнат жамоаси, турли маросимларда) номоён булади. Одоб инсонни маънавий камолотга етаклайди, киши фаолиятини белгиловчи жараёндир.

Демак, одоб ахлокка нисбатан тор тушунча булиб, барча ахлокий фазилатларни юзага чикаради.

Хулк оила, жамоа, махалла куй микёсидаги ахамиятли булган, аммо жамият ва инсоният хаётига сезиларли таъсир курсатмайдиган ёкимли инсоний хатти-харакатларини мажмуидир.

Инсоннинг бадхулклигидан оиласи, теварак атрофидаги баъзи шахслар жабр куради. Махалладагиларнинг тинчи бузилади, леин хатти-харакатлари жамият хаётига ёки инсоният тарихига бирор бир кузга ташланадиган таъсир утказмайди. Бирок, бу фирклар одоб ва хулкнинг жамиятдаги роли у кадар ахамиятли эмас экан, деган хулоса чикмаслиги керак. Фукаролар орасид одоблилик ва хушхулклиликнинг кенг ёйилиши жамият ахлокий хаётигагина эмас, бутун инсоният хаётига ижтимоий таъсир куртсади. Бу таъсир туфайли гарчанд жамият бирданига юксалиб кетмасада, аста-секинлик билан мунтазам равишда яхшиланиб боради.

XV асрда яшаган чех педагоги Каменский фикрича: «Ахлокийлик деганда биз факат ташки муомалани кузда тутмаймиз,балки ниятнинг бутун ички мохиятини тушунамиз».

Ахлокий тарбия натижасида одоблилик -хушхулклиликка, хушхулклилик – юксак ахлокийликка айланган каби, ахлокий тарбия йулга куйилмаган жойда муаяйн шахс вакти келиб одобсизликдан бадхулклиликка, бадхулклиликдан ахлоксизликка утиши мумкин.

Ахлок - Президент И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда, - маънавиятнинг узагидир.

**Хулоса**. Ахлок деб, кишиларнинг юриш-туришлари, узаро бир-бирига, мехнатга, оилага, Ватанга булган тарихий муайян муносабатлари, коидалари ва тамойилларининг жамига айтилади.

**1.2.** Ахлокшунослик тафаккур тараккиётини тадкик этади ва амалиётда инсонни эзгулик оркали хакикатга олиб боришга хизмат килади. Хозирда ахлокшунослик фалсафий фан сифатида, уч йуналишди иш олиб бориб боради. У ахлокни: 1) баён килади 2) тушунтиради 3) ургатади. Ахлокшунослик тарбиявий-баёний, фалсафий - назарий ва меъёрий табиатга эга. Ахлокшуносликда назария билан амалиёт узаро алокадорликда омухталигидадир.

Ахлокшунослик фанининг тадкикот доираси, унинг бахс этадиган тамойил бевосита инсон номи билан богланган. Инсонсиз ахлок булиши мумкин эмас. Инсон табиат куйнида тугилади, яшайди ва вояга етади. Унда ижтимоий мухитнинг роли бекиёсдир. Ижтимоий мухит инсонни тарбиялайди., ундаги ёмон фазилатларни бартараф килиш йулини излайди, яхшилик фазилатларини ривожлантириб, инсоний хулк-одоб, феъл-атворни мустахкамлаб боради.

Француз маърифатпарвар файласуфи П.А.Гольбах (1723): «Ахлок одоамлар аро мавжуд булган муносабатлар ва шу муносабатлардан келиб чикадиган масъулиятлар хакидаги фан» деган эди.

Буюк шоир, драматург маърифатпарвар ва давлат арбоби А.Авлоний узининг «Туркий Гулистон ёхуд ахлок» асарида «инсонларни яхшиликка чакиргувчи, ёмонликдан кайтарувчи бир илмдир. Яхши хулкларнинг яхшилигини, ёмон хулкларнинг ёмонлигини далил ва мисол ила баён киладирган китобни ахлок дейилади», - деган эди.

Ахлок, хулк-одоб, феъл атвор ахлокшуносликнинг бахс мавзуини ташкил этади. Масалан, хулк-атвори бузук кишилардан, хамма узини олиб кочади, ундан бегоналашади. «Саодатнома» да «Агар одамлар сендан узок юришга интилсалар, уз хулк-авторингга разм сол. Хатто асалари хам хушбуй кукатга интилади, бадбуйдан кочади» деб таъкидланади. (Каранг. Рахимжон Усмонов. «Саодатнома», Тошкент, «Укитувчи», 1995, 22-бет).

Демак, ахлок коидаларига риоя килиш хар бир инсоннинг бурчидир. Ахлок коидаларига рияо килишни таъминлаш жамоатчилик фикри билан амалга оширилади ва одатда ишонтириш кучига таянади.

Халк оммаси томонидан бир неча минг йиллар давомида яратилган моддий ва маънавий маданият-маколлар ва маталлар, ривоятлар ва фалсафий асарларда халоллик ва поклик мадх этилган, бировларнинг хакига хиёнат килиш, мехнат килмасдан кун куриш, угрилик, порахурлик, таъмагирлик каттик кораланган, узидан катталарни хурмат килиш, беморларга ёрдам бериш, бошка миллатлар ва халкларга мансуб булган кишиларнинг тили, тарихи, маданияти, илгор удум ва анъаналарига хурмат билан караш, табиат ва унинг бойликларини эъзозлаш уктирилган. Дустлик, ахиллик, узаро хамкорликда хаёт кечириш, тинчлик учун курашиш, халкарор терроризм,

экстремизмга карши курашиш, урушларга ва бехисоб кон тукишлар ва хунрезликларга йул куймаслик даъват этилган. Шунинг учун хам умуминсоний маданият, хулк-одоб ва ахлокий кадриятлар уз ахамиятини хеч качон йукотмайди, улар инсониятнинг энг катта маънавий хазинасидир. Ахлокшунослик (этика) фанининг тадкикот доираси (бахс мавзуи) бир канча тушунчалар (категориялар), тамойиллар (принциплар), ахлокий коидалар (нормалар) оркали уз мазмуни ва мохиятини акс эттиради.

Ахлокшунослик (этика) фанининг бахс мавзуи куйидаги тушунча (категория) лар оркали уз мазмунини ифодалайди: яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, бурч, виждон, ор-номус, шаън, кадр, бахт, инсон хаётининг мазмуни ва мохияти кабилардир. Шунингдек, инсонпарварлик, ватанпарварлик, мехнатсеварлик, жамоавийлик каби тамойиллар (принциплар), халоллик, ростгуйлик, поклик, вафодорликка ухшаш ахлокий нормалар (коидалар) оркали уз мазмунини кас эттиради.

Абу Али ибн Сино: «Ахлок хар бир киши учун уз-узини идора килиш илмидир» деб ахлок ва одобни инсон камолотидаги ахамиятини юксак бахолаган эди. «Инсонда доимо турадиган хусн ва латофат, хаё ила иффатдир. Хаёсиз юз жонсиз жасад кабидир».

Демак, бу одобнома фиклардан шундай хулоса чикадики, ахлокшунослик фанининг тадкикот доираси, (бахс мавзуи) кенг камровли булиб уз мазмунида одам, инсон, шахс тушунчаларини камраб олади ва шулар хакида фалсафий фикрларни талкин этади.

Ахлокшунослик (этика) фанининг тадкикот доираси, бахс мавзуи умумий ва хусусий йуналишлар оркали урганилади. Умумий йуналишдаги этика назарияси методологик муаммоларни хал этиш билан шугулланиб, ахлокнинг табиати, мохияти, хусусиятлари, улар уртасидаги богланиш ва узаро алокадорликни, ижтимоий – тарихий тараккиётдаги тенденцияларни урганади ва шу атрофда мунозара юритади. Тарихий ахлокшунослик (этика) ахлокнинг тарихий шаклларини (унинг тарихий тараккиёт конунлари ва хусусиятлари, ахлокий назарияларнинг тарихий тараккиёти ва уларнинг тарихдаги урнини тадкик этади).

Норматив аксологик ахлокшунослик (этика) конкрет ахлок нормалари, ахлокий зарурлик (мажбурийлик) малабларини ахлокий онгнинг асосий тушуналари сифатида караб, уларни ижобий ахамияти, киммати жихатидан, урганиш ва асослаш билан кизикади.

Профессионал (касбий) ахлокшунослик, фалсафий методологик фикр юритиш асосида касбий ахлокка изох беради, у ёки бу касбий фаолият доирасида кишиларнинг узаро муносабатларини тартибга соладиган маълум бир ахлок нормлари системасини яратиш ва асослаш вазифалари билан шугулланади.

Ахлокий тарбиянинг этикавий назарияси тарбия жараёнида ахлокий омиллардан самарали фойдаланиш воситаларини белгилайди. Дунёкараш таълими масалалари билан шугулланади.

Ахлокшунослик фанининг тадкикот доираси (бахс мавзуи) канчалик ва кенг камровли тушунчалар, тамойиллар, ахлокий конун-коидаларни

англатмасин, асосий максад килиб – юксак фазилатларга эга булган, ахлокий жихатдан камолотга эришган кишилар – инсонларни тарбиялашдан иборат.

Ахлокшунослик фани олдида энг мураккаб вазифалар туради. Инсонларни ахлокий пок, хар томонлама камолотга етган, хулки, одоби, юриш-туриши, муомила муносабати билан эл-юртга, танланган тарбиялашдан иборатдир.

И.А.Каримов: «Катталарни хурмат килиш, оила ва фарзандлар тугрисида гамхурлик килиш, очиккунгиллик, миллатидан катъий назар одамларга хайрихохлик билан муносабатда булиш ва узаро ёрдам туйгуси кишилар уртасидаги муносабатларнинг меъёри хисобланади», - деб таъкидланган эди. (Каримов. И. А. Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули. Тошкент, «Узбекистон», 1992, 11-бет).

Энг мухим вазифалардан яна бири ахлоксизлик иллатларига карши шафкатсиз курашиши, салбий иллатларни хаётдан сиикб чкариш зарур. Бундай салбий иллатларни йуллари ва воситаларини ишлаб чикиш хисобланади.

Мамлакатиимзда адолатли, инсонпарвар хукукий давлат ва фукаролик жамиятини бунёд килиш максад килиб куйилган. Бу шарафли ва улуг максад хар томонлама камол топган, улугвор инсоний фазилатларни узида мужассамалаштирган, хаётни, борликни янада гузалрок килиш учун уз хиссасини кушадиган комил инсонни етказишни таказо этади. Комил инсон деганда тушунчанинг мазмунида энг аввало, онгги юксак, мустакил фикрлайдиган, хулк атвори билан узгаларга ибрат буладиган билимли, маърифатли кишилар тушунилади. Демак, ахлокшунослик (этика) фани олдида турган вазифалар кенг камровли, шунинг билан бирга мохият ва мазмуни нихоятда куп киррали булиб, юксак маънавий ва ахлокий кадриятларни хаётга тадбик килиш оркали амалга оширилади. И.А.Каримов:

«Биз барпо этаётган янги жамият юкак маънавий ва ахлокий кадриятларга таянади ва уларни ривожланишига катта эътибор каратади . Бу жараён миллий истиклол гояси ва мафкурасига, усиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик рухда тарбиялашга асосланади», - деб таъкидлаган эди. (Каранг: Ислом Каримов. Миллий истиклол мафкураси халк эътикоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар, Тошкент, «Узбекистон», 2000, 8-19-бетлар).

Хулоса. Ахлокшунсоликнинг мухим вазифаси кишиларнинг хулки, одоби, юриш-туриши мумаласининг мохиятини, хусусиятларини ва тараккиёт конунларини очиб беришдан иборат.

Шунингдек хаётимиздан ахлоксизлик иллатларининг барча куринишларини бартараф этиш йуллари ва воситаларини изохлаб беришдан иборат. Демак, ахлок, одоб коидаларини билиш ва уларга тула амал килиш кишиларнинг узаро хурмат эхтиром билан тинч-тотув яшашини таъминлайди.

1.3. Ахлокшунослик ахлокни ижтимоий, тарихий ва замонавий ходиса хамда ижтимоий онгнинг узига хос шаклларидан бири деб хисоблайди.

Ахлокнинг ижтимоийлиги шундаки, кишиларнинг ахлок-одоби, феъл-атвори, муомаласи, юксак маънавий фазилатлари ижтимоий хаётдан ташкарида, инсонлар уртасидаги муносабатлардан четда шаклланиши ва ривожланиши мумкин эмас.

Ахлокшунослик ахлокнинг бу жихатини, умуман ахлокни яна бир канча тушунчалар – ахлокий онг, ахлокий карашлар, ахлокий хиссиёт, ахлокий муносабатлар

Ахлокий онг кишиларнинг жамиятдаги ахлокий хатти харкатлари, юриш туришлари, яшаш коидалари, гоялар ва хиссиётлар йигиндиси, ва уларни инсон онгида акс этиши булса, ахлокий маданият ана шу акс этилган нарсалар инсон характерига, табиатига сингиб, амалий фаолиятда номоён булишидир.

Ахлокий карашлар - ахлокий онг, ахлок одобнинг мазмуни, мохияти, кишиларнинг жамиятдаги хаёти, фаолияти, тараккиётдаги урни, ахамият тугрсидаги карашлар, гояларнинг тизимидир. Ахлокий ва ахлокий карашлар билан узвий богланган.

Ахлокий фаолият деб узига хос ахлокий мотив, сабаб, интилиш билан яъни яхшилик килиш, бурчга содик холда харакат килиш муайян ахлокий идеалларни амалга ошириш максадида килинган хатти харакатларга айтилади.

Ахлокий муносабатлар деб, кишиларнинг ахлокий фаолияти жараёнида улар уртасида шаклланадиган, мавжуд буладиган алокалар, богланишлар, муносабатларнинг тизимига айтилади.

Ахлокий бахолаш – вокеликни турли ходисаларини ва кишиларнинг хатти-харакатларини маъкуллаш ёки коралашдир. У яхшилик ва ёмонлик тушунчаларида амалга оширилади.

Ахлокий хиссиёт - инсоннинг жамият, бошка кишиларга муносабатини ифодалайдиган кечинмалар турини англатади. Масалан, кадр-киммат хисси, бурч хисси, ватанпарварлик хисси бунга мисол була олади.

Ахлокий идеал – киши ёки гурухнинг интилиши ва хатти харакатини белгилаб берувчи намуна, олий максад.

Ахлокий тарбия – инсон фарзандига тугилганидан то умрининг охиригача инсо нга хос барча ижобий ахлокий фазилатларни сингдириб, уни баркамол инсон килишига айтилади.

Ахлокшунослик – юксак ахлокий фазилатли, ахлокий камолотни узида мужассамлаштирган етук инсонларни вояга етказиш ва тарбиялашга хизмат килишдан иборат вазифани бажаришликни максад килиб куяди.

Ижтимоий онг жамиятдаги сиёсий, хукукий, ахлокий, фалсафий, диний, эстетик карашлар кечинмалар шаклида номоён булади.

Ахлокий-хулкий коидалар, этика назариялари ижтимоий онгнинг боша шакллари билан чамбарчас алокада, богланишда, муносабатдадир.

Ахлок – хулк коидалари сиёсат, хукук, фалсафа билан айникса якин ва узаро алокададир.

Ахлок-хулк, эстетика, педагогика билимлари, тиббий, хусусан гигиена билан алокададир.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, албатта хар кайси ижтимоий онг шаклларининг узига хос хусусияти, вазифалари бор. Бирок, улар бир-бири билан хамрох, умумий муштарак вазифа-тарбия вазифасини ечишга хизмат килади.

Ахлокшуносликнинг ижтимоий онгнинг узига хос сифатидан урин ва ахамияти шундан иборатки, у бошка ижтимоий онг шаклларини ахлокий-хулкий коидалар, ахлок-хулк нормаларини белгилаб беради. масалан, илгор, тараккийпарвар, прогрессив ахлок нормалари бошка ижтимоий онг шаклларига, шу жумладан, таълим-тарбияга ижобий таъсир курсатади. Консерватив ва реакцион ахлок-хулк нормалари жамиятда, оилага, инсонга, шахсга, таълим – тарбияга салбий таъсир курсатади ва салбий роль уйнайди.

Шунинг учун ахлок, ахлокий онг муаммоси хамма вакт долзарб муаммо булиб келган.

Тарбияси, ахлоки-хулки бузик инсондан, ёшлардан нима кутиш мумкин?

Ахлокий онг ижтимоий хаёт билан чамбарчас богликдир. Инсон ижтимоий хаётдан ташкарида экан, унда ахлокий онг шаклланмайди, чунки у шахс була олмайди. Ахлокшунослик ижтимоий мухит асосида табиатда, жамиятда ва инсон тафаккурида содир булаётган жараёнлардан фалсафий хулосалар чикаради. Ахлок ижтимоий ходиса булиб, уз мазмунини ахлокий онг, ахлокий карашлар, ахлокий муносабат, ахлокий тарбия каби тушунчалар оркали ифодалаб боради. Ахлокий идеал оркали уз максади, орзу-истакларини руёбга чикариш максад килиб куйилади. Ахлокий маданият оркали эса кишилардаги ахлокий карашлар, гоялар, ички кечинма ва хиссиётларнинг кай даражада англанганлиги аникланади.

Демак, ахлокшунослик фан сифатида шаклланиб ижтимоий тараккиётда узининг мазмуни ва мохиятини кенгайтириб боради.

Чунки, унга ижтимоий мухитнинг таъсири булади. Ахлок ижтимоий онгнинг шаклларинидан бири булиб, ижтимоий хаётдаги барча жабхаларини камраб олади, хаётда тапланган тажрибалар асосида уни бойитиб боради, ижодий ривожлантиради. Бусиз жамиятнинг ижтимоий камолотини тасаввур килиш мумкин эмас. Унинг мазмунида баркамол авлодни тарбиялаш вазифа килиб куйилади.

**ХУЛОСА.** Ахлок ижтимоий онг шаклларидан бири булиб, жамиятдаги барча кишиларга хос булган жараёнларни камраб олади, улар инсон ижтимоий хаётдаги хатти-харакатлари, юриш-туришлари, узаро бир-бирига хамда ижтимоий бирлашмаларга булган муносабатларнинг ифодалайди хамда тартибга солиб, инсонлар хаётида тарбияловчи омил сифатида мухим ахамиятга эга.

**1.4.** Ахлокшунослик ижтимоий – фалсафий фанлар билан узаро алокадорликда ривожланиб келмокда. Ахлокшунослик фанининг мохияти ва мазмунини очишда бошка ижтимоий фанларнинг таъсири бенихоя каттадир. Фанларнинг узаро алокадорликсиз фалсафий мушохада юритиб булмайди. Масалан, ахлокшуносликни нафосатшунослик билан алокаси кадимий булиб, узига хос хусусияти билан ажралиб туради. Инсоннинг хар бир хатти-

харакати ахлокийликка ва нафосатшуносликка тегишли булади. Муайян ижобий фаолият уз мазмунида эзгулик (ички гузаллик), хам нафосат (ташки гузаллик) хусусиятларини узида мужассам килади. Энг кадимги файласуфлар Сукрот, Афлотун, Форобийлар куп холларда ахлокийликни ички гузаллик, нафосатни ташки гузаллик тарзида талкин этганлар.

Саодатномада: «Инсондаги гузаллик туйгуси бамисоли гунча булса, унинг мумтоз хулки, одоби бу гунчанинг Хусн жамолидир. Бу фазилатлар бр-брларини безайдилар ва бойитадилар», - деб таъкидланади. Ахлокшуносликни нафосатшуносликдан ажратиб булмайди. Санъат нафосатшуносликниг асосий тадкикот обьекти булсада, хар бир санъат асарида ахлокнинг долзарб муаммоси кутарилади. Демак, эстетика урганаётган хар бир бадиий асар, маълум маънода ахлокшунослик нуктаи-назаридан хам тадкик этилади.

Зеро улуг рус ёзувчиси Л. Толстой айтганидек: «Санъатнинг икки каноти булади. Бири – гузаллик булса, иккинчиси – ахлокдир».

Ахлокшунослик сиёсатшунослик билан хам узвий богликдир. Чунки, сиёсий кураш карама-карши ахлокий коидалар ва талаблар курашини таказо этади. Сиёсат кай даражада ахлокийлик касб этса, шунчалик у окилона булади.

Ахлокшунослик билан диншунослик узаро алокадорликда булиб, хар иккаласи хам ахлокий мезон муаммосини хал этишга каратилади. Дин хам ижтимой онг шаклларидан бири булиб, умумжахоний динлар вужудга келганга кадар мавжуд булган урф-одатлар ва кадриятлар, муайян диний конун-коидаларга, мукаддас диний китобларга катта таъсирини утказган. Куръони Карим, Хадиса Шариф, Ижмоъ ва муайян мезонлар ва талаблар мусулмон Шарки миллатлари ахлокий даражасининг шаклланишида катта ахамият касб этган. Шунингдек, комил инсон муаммоси хар иккала фан учун умумий хисобланади. Фарки, шундаки ахлокшунослик бу муаммога замонавий тарбия нуктаи-назардан ёндошади.

Ахлокшунослик хукукшунослик билан хам диалектик алокадорликдадир. Ахлок меъёрлари билан хукук меъёрлари мохиятан ва жамоатчилик асосидаги хукук, хукукни эса конунлаштирилган ахлок деб аташ мумкин. Ахлокшунослик билан хукукшуносликнинг тадкикот объектлари куп жихатдан ухшаш, факат ёндошув усули нуктаи-назаридан фарк килади. Хукук меъёрларининг бажарилиши, одатда махсус адлия идораларидаги лавозими кишилар оркали, мажбурий санкциялар воситаси оркали йулга куйилади, ахлок меъёрлари эса умумий кабул килинган миллий урф-одатлар жамоатчилик фикри ёрдамида, алохида белгиланган кишилар томонидан эмас, балки муайян ижтимоий гурух, жамият томонидан амалга оширилади.

Ахлокшунослик педагогика фани билан чамбарчас алокада. Педагогикадаги шахсли шакллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини панд-насихатларсиз, одобнома дарсликларисиз тасавур килиб булмайди. Ахлокшунослик узининг назарий ва амалий жихатлари билан, педагогиканинг асоси хисобланади.

Маориф тизимидаги таълим-тарбия хам кадамда ахлокий тарбия сифатида номоён булади.

Кадимги даврданок ахлокшунослик рухшунсолик (психология) билан алокада булиб келган. Бу икки фан хам кишилар хатти-харакати, феъл-атвори ва майл-истакларини урганади. Рухшунослик у ёки бу хатти-харакат, феъл-атвор, сабабий асос (мотив) ларнинг рухий табиати, шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, ахлокшунослик эса рухшунослик тадкик этган хадисларнинг ахлокий ахамиятини тушунтиради.

Ахлокшунослик социология фани билан алокада булиб, бу иккала фан хам инсон фаолиятини бошкаришнинг ижтимоий томони – ахлокни урганади. Лекин, ахлокшунослик социологияга нисбатан кенг тушунчадир. Социология, жамиятдаги инсонларнинг оммавий хатти-харакатлари ва уларнинг конуниятларини факат муайян ижтимоий тузум ёки давр доирасидан чикиб, инсон ахлокининг юксак ютуги сифатида келгувчи даврлар учун хам тарихий, хам ахлокий ахамият касб этган шахсий, истисноли хатти-харакатларни хамда уларнинг сабабий асосларини урганади. Ахлокшунослик сиёсатшунсолик фани билан чамбарчас богликдир. Сиёсат давлат ишлари, фаолияти билан шугулланар экан, давлат ишларидаги хар бир жараёнда ахлок, одоб, хулк эътиборга олинади. Давлатда ички ва ташки сиёсат номоён булади. Бу жараён зиддиятли утади. Сиёсат кай даражада ахлокийлик касб этса, шунчалик у окилона булади. Сиёсатда фаолият курсатадиган хар бир жараён, фаолият одоб оркали амалга ошиши керак. Рахбарлик одоби, партиявий одоб, этикет сингари ахлокшуносликнинг муомила маданияти доирасига кирувчи махсус сохалар хам сиёсатшунослик билан чамбарчас боглик.

Ахлокшунослик экология фани билан хам алокадорликда. Ахлокшунослик купрок инсоннинг узи, узгалар ва жамият олдидаги мажбуриятларини этиш билан шугулланган, унинг табиатга булган муносабатини четда колдириб келган. Бугунда табиатга булган инсоннинг муносабати ачинарли холдадир. Табиатнинг экологик мувозанати бузилди. Экологик бухрон экологик манзарани бузди. Эндиликда глобал (умумбашарий) муаммолар купрок одамларнинг ижтимоий-ахлокий нуктаи назарларига боглик эканлиги маълум булиб колди.

Хозирги кундаги экогологик муаммоларни бартараф этишда ахлок, мухим роль уйнайди. Инсонларнинг табиатга булган муносабатидан экологик ахлокшунсолик майдонга келди.

Ахлокшунослик миллий истиклол гояси билан хам узаро алокадорликда булиб, унинг илдизи кадимги тарихга бориб такалади. Миллий мафкура тизимида ахлокий гоялар албатта уз унига эга булади, ахлокий гоялар замирида миллий мафкура гоялари ётади.

Ахлокшунослик фани жамият аъзолари ва хар бир фукарога миллий истиклол гоясини сингдириш воситаси сифатида катта ахамият бахш этади. Ахлокшунослик миллий истиклол гоясини ахлокий англаш воситасида руёбга чикадиган тамойиллар сифатида олиб карашди.

**ХУЛОСА.** Ахлокшунослик фани билан бирга ижтимоий фанлар билан диалектик алокадорликдадир.

1.5. Мустакил Узбекистониинг сиёсий-иктисодий ва маънавий вазифаларини хал этиш, келажакда Узбекистонни буюк давлатга айлантирувчи хар бир фукаросининг, айникса ёшларимиизнинг ахлокий онги, фаолияти ва тарбияси даражасига боглик. Бинобарин Узбекистон Республикаси хажжатларида, Вазирлар Махкамасининг карорларида, Президентимиз асарлари ва нуткларида ахлок одоб масалари ва муаммоларига мухим ахамият берилмокда. Жумладан, «Узбекистон XXI асрга интилмокда» асарида «Биз фарзандлаимизнинг баркамол рухий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлокий жихатдан етук, жисмонан соглом булиши учун доимо кайгуришимиз, курашмогимиз зарур», деган мухим вазифани куйди. Жамиятимиз олдида ёшларнинг онги, рухияти ва кайфиятини миллий истиклол гояси билан таъминлаш, ёшларнинг ахлокий даражасини юксалтириш ва хар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Бу вазифалар факат ахлокка янгича ёндашувлар асосидагина амалга ошириш мумкин.

Мана шундай ёндашувларнинг бири - миллий гоя ва мустакиллик мафкурасига эътиборни кучайтириш билан богликдир. Комил инсонни етук шахс булиши учун барча ахлокий фазилатларни мужассам этган кишиларни шакллантириш ва тарбиясини талаб этади.

«Миллий гоя ва истиклол мафкураси хакида гап борар экан, деб таъкидлади Президент И.А.Каримов, - биз нихоятда кенг камровли, мураккаб, серкирра, инсоният тарихида аник ва мукаммал ифодали, тугал намунаси хали-хануз яратилмаган, тушунчаларни узимизга тасаввур килишимиз керак деб уйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халк фаровонлиги каби юксак гояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат килади». (Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Узбекистон», 2000, 6-бет).

Мафкура ахлок каби, ахлок билан ёнма-ён туриб, инсонни маънавий парвозларга даъват этувчи ботиний куч хисобланди.

Демак, ахлокшуносликнинг жамият ижтимоий-иктисодий ва маънавий хаётидаги урни бекиёсдир.

Хозирги кунда ахлокшунослик умумжахон глобал муаммоларни хал килишда катта ахамият бахшида этмокда. Бу муаммолардан бири ахлокий мухит – «этосферани» яратишликдир. XIX аср охири ва XX аср бошларида илмий-техника тараккиёти, унинг юксак боскичи булиш илмий-техника инкилоби натижасида биосфера (хаёт кобиги) ичида неосфера (акл кобиги) – техникавий мухит яратилди. Бугунда техника инсонларнинг яшаш мухитига айланиб колди. Хозирги кунда инсон узи яшаётган бутун бошли сайёрага уз таъсирин курсата бошлади. Инсон биринчи марта улкан геологик куч булиб майдонга чикди. Инсоний тафаккур биосферадаги узгаришларнинг асосий сабабига айланди. Буюк рус олими, академик В.Н.Вернадский неосферанинг кашфиётчиси булган. Бу кашфиётларнинг тафаккур илмида берган ижобий томонлари билн бирга салбий окибатларга олиб келиши хам эътибордан

четга колмади. Атом, водород, нейтрон бомбаларининг кашф этилиши, ядро каллакли ядроларни яратилиши ана шундай салбий ходисадир.

Неосферанинг пайдо булиши билан табиат мувозанати бузилди, кимёвий захарланишига олиб келди. Бу эса хозирги кунда тирик организмларнинг, усимликларнинг, хайвонларнинг купгина турларини жисманан йук булиб кетиш арафасида турибди.

Бу экологик муаммоларни бартараф килиш учун атроф мухитни кимёвий захардан тозалаш эмас, балки XXI аср кишиси онгини технократия захридан форимглантиришни таказо этади. Инсон келажакда узини ва яшаб турган сайёрасини мукаррар халокатдан куткариш учун
XX I асрдан бошлаб этосфера даврига утиш керак, техникавий мухитни заруриятга айлантириш керак.

Мухим муаммолардан яна бири биологик ахлокшуносликдир. Бу ходиса бир неча ун йилликлар ичида соф табиат муаммосидан ахлокий муаммога айланди. Сунъий буйрак, сунъий юракнинг бир кишидан иккинчи кишига утказилиши мисол булади.

Биологик ахлокшунослигида, купчилик маълум булган – аборт булиб, жонлини жонсиз килиш, тирик организмни тирикликка булган хукукидан махрум этишдир…

Ахлокий нуктаи назардан улим энг улкан ёвузлик хисобланади. Баъзи бир рахбарларнинг хукмронлиги даврида минглаб, миллионлаб кишиларни хак ёки нохак катл этилиши, катагон йилларида нохакликлар, шуролар тузуми даврида Узбекистонда утказилган «Пахта иши» деб номланган катагон пайтида отишга хукм килинганларнинг такдири бунга чккол мисол булади.

Демак, хозирги кунда Узбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий хаётида ижтимоий-гуманитар ва бошка фанлар олдида улкан вазифалар турибди. Бу вазифалар ичида хар бир инсонни, шу жумладан, ёшларни маънавий камолот сари етаклаш, ахлокий жихат етук кишилар килиб тарбиялаш вазифаси турмокда. И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бирон бир жамиит маънавий имкониятларини одамлар ичида маънавий ва ахлокий кадриятларни ривожлантирмай хамда мустахкамламай туриб уз истикболини тасаввур эта олмайди». (Каранг: И.А.Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафаолатлари. Тошкент, «Узбекистон», 1997, 137-бет).

Мустакил Узбекистоннинг буюк давлат булишида маънавий-ахлокий омиллар мухим рол уйнайди. Маънавий–ахлокий омилларни шакллантиришда Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида» ги конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да куйилган талабалар ва вазифаларни бажариш катта ахамиятга эгадир. «Кадрлар тайёрлаш сохасидаги давлат сиёсати, - деб таъкидланади кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, - инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлокий жихатдан тарбиялаш билан узвий боглик булган узлуксиз таълим тизими оркали хар томонлама баркамол шахс-фукарони шакллантиришни назарда тутади».

(Каранг: Баркамол авлод – Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Тошкент, «Шарк», 1997, 42-бет).

Хулоса. Ахлокшунослик фанининг тадкикот доираси кенг камровли булиб, бахс мавзуида асосий эътибор инсон фаолияти эканлиги, инсондаги хулк, одоб, ахлокнинг ижтимоий хаётида тутган урни, ахлокшунослик бошка фанлар билан булган алокадорлиги, Узбекистон Республикаси мустакиллигини мустахкамлашда ахлокий онгнинг урни ва роли каби масалаларга тухталди.

**1-мавзу буйича назорат саволлари:**

1. **«Ахлокшунослик» ибораси нимани англатади?**
2. **Одоб нима?**
3. **Хулкнинг одобдан фарки нимада?**
4. **Ахлокшунслик кайси ижтимоий фанлар билан якиндан алокадор?**
5. **Экологик тарбияни тушунтиринг?**
6. **«Этосфера» нима?**
7. **«Биосфера» ва «неосфера» хакида тушунча беринг?**
8. **Биологик ахлокшунсолик деганда нимани тушунасиз?**
9. **Хикмат одоби ва хизмат одоби хакида тушунча беринг?**
10. **Замонавий ахлокшунослик олдида кандай мухим вазифалар мавжуд?**

**Таянч ибораларнинг изохли лугати:**

1. **Ахлокшунослик – ахлокнинг келиб чикиши ва мохиятини, кишилик жамиятдаги ахлокий муносабатларини урганадиган фан.**
2. **Этика – юнонча teitica суз булиб – одат, одоб маъносини билдиради.**
3. **Одоб – арабча «адаб» сузининг куплиги булиб – хулк, атвор, юриш-туриш маданиятининг ташки ва ички жихатларини ифодайлайдиган тушунча.**
4. **Хулк-инсоний хатти-харакатларнинг мажмуи.**
5. **Ахлок – арабча хулк сузининг купчилик, лотинча «mores» сузидан олинган булиб, одоб, атвор, феъл деган маъноларни англатади. Мораль русча суз булиб, ахлок деган маънони билдиради.**
6. **Неосфера – юнонча суз булиб, акл кобиги маъносини англатади. Биосфера юнонча суз булиб, узбекча «хаёт шари» деган маънони англатади.**
7. **Этосфера – юнонча суз булиб, ахлокий мухит маъносини англатади.**

8. **Биологик ахлокшунослик –табобат муаммоси биологик муаммога айланиши, сунъий юрак, сунъий буйракни куйилиши.**

## 2-мавзу: Кадимги дунё ахлокшунослиги. Урта аср мутафаккирларининг ахлокий карашлари. (2 соат)

**Режа:**

1. **Кириш. Кадимги Шаркда дастлабки ахлокий таълимот. «Авесто» - кадимги дунёнинг ахлокий таълимоти.**
2. **Кадимги Хиндистон ва Хитойда, Юнонистон ва Румда ахлокий таълимотлар.**
3. **Урта асрлар мусулмон Шарки ахлокшунослигидаги асосий йуналишлар ва таълимотлар.**
4. **Темур ва темурийлар даври ахлокшунослиги.**
5. **Урта асрлар ва уйгониш Оврупа мамлакатларида вужудга келган ахлокий таълимотлар.**

**Таянч иборалар:**

Эзгулик, ёвузлик, фазилат, иллат, рух, ихтиёр эркинлиги, изтироб, адолат, донишмандлик, дустлик, тасаввур, хаёт ва мамот, мухаббат, ният, кадр-киммат, лаззат, фазилат, максад, восита, акл, панднома.

**Адабиётлар:**
**21, 1, 13, 4, 5, 6, 7, 11**

**2.1.** Хар кандай илмнинг тарихисиз назарияси булмайди деган фикр ахлокшунсоликка хам тааллуклидир. Зеро ахлокшунослик таърифи ахлокий тафаккурнинг вужудга келиши хамда унинг тараккиёти тарихини урганади. Маънавий мероснинг улкан кисми булган ахлоки таълимотлар, хикматлар, панд-угитларни замонавий жамият хаётига тадбик этиш ва таргиб килиш йулларини тахлил этади. Айни пайтда ахлокшунсоликнинг тарихи амалий ахлок деб аталадиган кисмини ташкил этади.

Ахлокий илм, ахлокий таълиотмлар хакида фикр юритганда тарихийлик ва мантикийлик нуктаи-назаридан караш максадга мувофикдир. Президентимиз И.А.Каримов узининг «Тарихий хотирасиз келажак йук» деган рисоласида: «Хозир Узбекистон деб аталувчи худуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафакат Шарк, балки, умумжахон цивилизация бешикларидан бири булганлигини бутун жахон тан олмокда. Бу кадимий ва табаррук тупрокдан буюк алломалар, фозилу фузалолар олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиккан», - деб таъкидлади. (Каранг: И.Каримов. тарихий хотирасиз келажак йук. Тошкент, «Шарк», 1998 й, 3-бет).

Кадимги Шарк дастлабки ахлокий таълимотларнинг бешиги хисобланади.Бундан уч ярим минг йил аввал дунёда биринчи ёзув пайдо булиб, бу ёзувлар мих хатда, чил тахталарда ёзилган макол ва маталлардир. Масалан, Сомир (Шумер) алковларида (гимнларида) барча бош маъбудалар эзгулик, адолат, хакикат ва яхшилик тарафдорлари булганлиги учун мадх этилган.

Куёш маъбуди Уту ахлокий меъёрларнинг бажарилишини махсус кузатиб турган.

Маъбуда Натше эса баъзи матнларида хакикат, адолат ва шафкат хомийси сифатида тасвирланган.

«Ме» деб аталган конунлар руйхатида олам харакатини тартибга солиш, унинг тухтовсиз ва уйган булишини таъмилаш максадида юкоридаги ахлокий фазилатлар билан биргаликда «ёлгон», «нифок», «гина», «кудрат», «куркув» тушунчалари хам урин олган.

Бобилонда «Гильгамет» эпоси вужудга келди. Бобил подшоси Хаммурани адолат ва хакикат хомийси сифатида Конунлар мажмуасини ишлаб чикди. Унда заифлар, етм-есир ва камбагалларни адолат тамойили асосида химоя килиш асосий максад килиб куйилган.

Кадимги Мисрда «Моййитлар» китоби катта ахамиятга эга булди. Китобда ахлок билан диний эътикодни уйгунлашиб кетганлигини куриш мумкин. Кадимги Мисрда одоб – ахлок масалалари купрок узига хос пандномаларда ифода этган. Улар орасида «Пхатотеп угитлари» бизгача етиб келган Пхатотип (вазир) урнига 37 та насихатдан иборат пандномани ёзади. Унда уша давр ахлокни конун – киодалари, узини тутиш, муомила одоб масалалари кутарилди. Пандномаларда ахлокшуносликнинг ибтидоси **Самода** деб тушунтирилади. Асосий талаб Миср фиръавнларга (подшо) ларга хизмат килишлик, хурмат билан караш каби гоялар кутарилади. Пандномаларда инсоннинг тиришкоклиги, мехнатсеварлигини мадх этувчи жуда куп доно халк маколалари келтирилган. Кадимги дунёнинг ахлокий таълимотида «Авесто» китобининг урни нихоятда каттадир.

Кадимги Турон ва Эрон заминида зардуштийлик динининг вужудга келиши билан ахлокий тафаккур тараккиётида уз таъсирини курсата бошлади. Кадимги Хоразмда яратилган зардуштийликнинг мукаддас китоби «Авесто» китобида ахлокий фазилатлар ва иллатлар санаб утилади, талкин этилади.

Унда зардуштийлик илохи Ахура-Мазда – эзгулик, Ахриман эса ёвузлик тимсоли сифатида номоён булади, эзгулик ва ёвузлик, ёруглик ва зулмат, хаёт ва мамот уртасидаги абадий курашнинг ибтидоси акс этган. «Авесто» даги талкинлар инсоннинг реал хаёти билан боглк экани диккатга сазовордир. Ундаги эзгулик рухи – яратувчилик, ижодкорлик куввати, ёвуз эса бузиш ва бузгунчилик кучи тарзида номоён булади.

Ахура-Мазда киёфасидаги бу эзгулик – хаёт рамзи, ерни инсон, хайвонот ва набобат билан бойитади, инсон улрни соглик, куч-кудрат, бхт, шодлик, умид, ишонч, гузаллик, фаровонлик ёрдамида мунаввар килади.

Ахриман киёфасидаги ёвузлик эса кургокчилик, очарчилик, касаллик, моллар киргинини, жисман ва рухан халокат сингари одатларини келтириб чикаради. «Авесто»да инсон олий жонзот тарзида талкин этилади. Табиатда барча неъматларни севиш, ардоклаш инсонинг мукаддас бурчи хисобланади. Озодлик, тозалик гигиена тушунчадан ахлокий ва илохий тушунча даражасига кутарилади: сувни, атроф-мухитни тоза тутиш, жониворларга, хусусан итга учи уткир суяк ёки кайнок овкат бермаслик – уларга нисбатан

шафкатни англатади.: инсон шафкатли булиши керак. Буларнинг хаммаси «Авесто» да экологик ахлокшуносликнинг дастлабки куртаклари мавжудлигини курсатади.

«Авесто» даги баъзи бир урф-одатлар ва иримларнинг хозирги кунда хам сакланиб колганлигини куриш мумкин. Исирик тутатиш, курбонлик учун суйилган теон калласини даврадаги утогасилар (энг обрули кишилар) олдига куйган одатлари хамда севимли Навруз байрамимиз фикрларимиз далилидир.

**ХУЛОСА.** «Авесто» китоби аждодларимизнинг ахлокий-эстетик комуси, кадимий урф-одатларимизнинг узига хос, абадиятга дахлдор мажмуа сифатида кимматлидир.

2.2. Кадимги Шарк ахлокшунослигида Кадимги Хиндистонда ахлокий тафаккури алохида уринга эга. Хиндистонда илк ахлокий фикрларнинг пайдо булиши эрамиздан аввали икки минг йиллик охири ва бир минг йиллик бошларига тугри келади. Кадимги Хиндистонда хам диний ва дунёвий таълимотлар вужудга келиб, унда итоаткорлик, жасурлик, оламдан азоб-укибатларга буйсуниши, сабр-токат билан фаолият курсатиш кабилар таргиб килинган. Кадимги Хиндистон фалсафаси, диний-ахлокий карашларини урганишда «Веда» деб аталадиган диний туплам, иккита катта эпик достони – «Рамаяна» ва «Махобхарата» хамда Абу Райхон Берунийнинг «Хиндистон» асари мухим рол уйнайди.

«Веда» деган мукадас китобда хинд халкининг дини, афсоналари, урф-одатлари, поэзияси, илк фалсафий тасаввур ва билимларни урганиш учун куп материаллар беради.

«Веда» лар худоларга, табиатнинг илохий кучларига каратиб айтиладиган гимнлар (мадхиялар), дуолар туплами булиб, ахлокий каралашларини куртаклари акс эттирилган.

Ведачилик ахлокшунослигидаги энг кадимги Хиндистонда яшайдиган халкларни турт табакага – варнага булади: брахманлар (кохинлар), кшатрийлар (харбийлар), вайшчилар (дехконлар, косиблар), шчудралар (куллар). «Ману конунлари» да ёзилишича,, брахманларнинг машгулоти-таълим бериш, Ведани урганиш, курбонлик килиш, садака улашиш, тухфалар олиш, кшатрийлар фукароларини куриклайдилар, вайшчилар, чорва, тижорат, судхурлик, дехкончилик билан шугулланадилар: шчудралар-куллар булиб, уларнинг мулки булмаган.

Брахманлар юксак ахлокка эга булган одамлар, деб хисобланган. Шчудралар тубан ахлок эгалари деб номланган.

Кадимги Хиндистонда буддхачилик таълимоти мухим рол уйнаган. Бу таълимотга кура, инсон изтироблардан кутулиш йулини излаш керак. буддхачиликнинг кискача баёни куйидагилардан иборат:

1. Бу дунёдаги хаёт изтиробларга тула;
2. Бу изтиробларнинг сабаблари бор;
3. Бу изтиробларга бархам бериш мумкин;
4. Изтироблар бархам беришга олиб борадиган йуллар мавжуд.

Буддханинг туртинчи хакикати айниксa, ахлокшунослик нуктаи-назаридан мухим. Буддха таълимотида инсонда саккиз фазилат номоён булиш керак:

1. Тугри карашлар
2. Тугри журъат
3. Тугри хатти харакат
4. Тугри нутк
5. Тугри хаёт
6. Тугри жахд-жадал
7. Фикрни тугри йуналтириш;
8. Диккатни тугри каратмок.

Саккиз йул бир-бирин таказо этувчи уч омил – билиш, хатти-харакат ва диккатини бирлигидан иборат. Билим ва ахлок яхлитликка эга; фазилат билимдан (иллат эса билимсизликдан) келиб чикади. Бу ахлокий комилликка етишишнинг тугалланган концепциясидир.

Буддхачилик нафакат Хиндистонда, балки Кадимги Хитойда хам уз мавкеини эгаллади. Кадимги Хитойда ахлокшуносликка оид муаммоларнинг шаклланиши эрамиздан аввалги II минг йиллик урталарига тугри келади. Бу муаммолар конфуцийлик, даочилик, Мо-ди, Ян Чжу таълимотларида уз ифодасини топган.

Дао-универсал конун маъносини англатади. Дао-«йул», «тараккиёт», «дунё негизи» деган маъноларни англатади. Даочилик таълимотининг асосчиси Лао-Цзи (Милоддан аввалги IV-V асрлар) йирик номоёндаси Чжу-ан-цзи (милоддан аввалги 369-286 йиллар) хисобланади. Даочилар – дунё абадий харакат ва узгаришда булади, деб тушунтиради.

Даочилар халк билимдон булса, уни бошкариш кийин булади, акл ва донолик тарк этилса, халк бахтли яшайди, деб тушунтиради. Улар маърифатдан, фандан воз кечишликни таргиб килдилар.

Даочиликда уз якинига мехрли булишни, хамма нарсани кечиришни, ёмонликка каршилик килмасликка, иродани буйсундириш, пассивликни таргиб этиш, ахлокнинг асосий тамойиллари деб курсатилади.

Даочиликнинг милоддан олдинги 561-479 йилларда яшаган конфуцийликниг ахлокий идеали –цзюн-цзи-химматли жумард. Унинг юксак фазилатлари – фидойилик, софдиллик, адокат, адолат. У муомила бобида мулойим, юксак мартабаларга хурмат билан мурожаат килади, халкка нисбатан эса химматли, адолатли муносабатда булади. Конфуцийлик таълимотида асосий эътибор инсонийлик фазилатларига каратилади. Улар инсонийликни аслзода, оксуякларга хос фазилат деб, оддий одамлар ростгуйлик, олийжаноблик, маърифат, жасурлик нима эканлигини белгилайди, деб тушунтирган.

Кадимги Юнонистонда фалсафий фикрлар, ахлокий карашлар тараккий этиб, жахон фалсафасида мухим урин эгаллайди.

Кадимги Юнонистонда яшаган файласуф ахлокшунослардар бири, Сукротнинг кичик замондоши Демокрит (эр.авв. 450-370 й) булиб

донишмандликни энг кичик фазилат, аклни эса ахлокий хатти-харакат мезони деб билади.

Донишмандликни ахлокли, нодонни ахлоксиз одам сифатида таърифлайди. Демокритнинг фикрича, инсон учун хаётдаги биринчи устоз эхтиёж ва талабдир. У инсоннинг ички дунёси, хатти-харакати, номусли ва номуссиз одамлар, хаё ва ишонч, нодонлик, бахт каби тушунчаларга тухталади. Демокрит фикрича, ахлок инсон табиатидан келиб чикади, деб тушунтиради.

Кадимги юнон фалсафасида Сукрот (эр.авв. 470-399 йиллар) ахлок сохасида алохида мактаб яратди. Сукрот Конфуцийга ухшаб ахлок билан хукукни булинмас яхлитликда олиб карайди: нимаки конун булса, уша адолатдандир, дейди. Унинг фикрича, исондаги умумий фазилатлар Худо томонидан яратилган. Умумий фазилатлар хусусий фазилатдан келиб чикади. Булар: жасурлик, донолик, муътадиллик, адолат ва бошкалардир. Сукрот ахлокий тенгсизликни оклайди.

Кадимги юнон файласуфи Афлотун (Платон) (эр.авв 427-349 йиллар) уз устози Сукротга эргашиб, инсондаги ахлок ва хулкни Худо хохишига буйсундиради. Сукрот гоялар ва рух хакидаги таълимотида дунёни гоялар ва соялар дунёсига булади. Унингча, ахлокнинг манбаи инсондан ташкарида, илохийдир, дейди. У рухни улмас деб хисоблайди. Платоннинг гоялар таълимотига кура, инсонга куриниб турган, инсон харакат килаётган дунё, бор-йуги соялар уйини, хакикий дунёни куриш учун инсон акли ожиз. Инсон хакикий дунёнинг факат сояларини куради, хакикий дунёни инсон кура олмайди, бирок уша асл борликни кура оладиган мангу улмас рух мавжуд... Лекин унинг факат аклий кисмигина ана шу дунёга каратилган… Ахлок илохий асосга эга ва ахлокий фазилат инсонга азалдан берилган, дейди. Унинг фикрича – адолат шахсий фазилат эмас, давлатга хос фазилат. Платон карашларида, ахлокнинг асоси, ахлокий намуна сифатида илохийлик олинади.

Кадимги Юнонистонда яшаб, ижод этган файласуфлардан бири Арасту (Аристотель) (эрадан аввалги 384-322 йиллар) булиб, фалсафа, ахлокшунослик тарихида улкан роль уйнайди. У энг аввал Афлотуннинг идеалистик ахлокий таълимотини танкид килади. Узининг «Этика» сиёсат, «Никомах ахлоки» каби асарларида ахлок муаммоларини назарий ишлаб чикишга харакат килди. Арасту мангу мавжуд гоялар хукмронлигини рад этади ва ахлокшунослик тушунчаларининг илмий таснифи (классификациясини) ишлаб чикади. Унингча инсондаги барча ахлокий фазилатлар факат инсон фаолиятида номоён булади. У ахлокий фазилатларни ижтимоий деб тушунтиради. У ихтиёр эркинлигини ахлокнинг асоси деб карайди. Рухнинг тугма хусусият эмаслигини, балки хосил килинадиган сифат эканлигини тушунтиради. Вужуд ва рух яхлитдир, аклни инсон эмас, инсонни акл белгилайди, дейди. Инсоннинг анъанавий фазилатлари булмиш донишмандлик, мардлик, окиллик, дустликни Арасту юксак кадрлайди. Одамлар уртасидаги тенгликни тан олмайди, унда тенглик ёд тушунча. У факат инсонлар уртасидаги дустлик ва хайрихохликни тан олади.

Кадимги Грецияда яшаган файласуфлардан яна бири Эпикур (эр.авв 314-25 йиллар) булиб, ахлокни диндан ажартади. У бахт тушунчасини ахлокнинг негизи, деб тушунтиради. Эпикур инсонда танлов ихтиёри борлигини кайд этади. У адолат билан донишмандликка алохида эътибор беради. Бахт ахлокий ва жисмоний согломликдан юзага келади, дейди. У изтиробдан кочиш эмас, уни енгиш керак, деб тушунтиради.

**ХУЛОСА.** Кадимги юнон файласуфлари ахлокшунослик фанида куйилган муаммоларни юкори погонага кутардилар, унда инсон шахси, унинг хатти-харакатларининг атрофлича тахлил килдилар, тушунтирдилар. Кадимги Румда яшаб утган буюк мутафаккирлар булмиш Цицерон, Лукреций, Кар, Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий, Секст Эмпурин кабилар хам ахлокшунослик фанида Кадимги Юнон файласуфларининг анъаналарини давом эттирдилар.

Тит Лукреций Кар (эр. олдинги 99-44 йиллар) Эпикур ахлокий таълимотини давомчиси эди. У рух ва вужуднинг ажралмаслигини курсатиб, акл-идрок, хис-туйгулар хакида фикр беради.

Луций Анней Сенека (милоддан аввалги 15-мелодий 65 йиллар) ёзвучи, ахлокшунос файласуф эди. Унинг «Газаб хакида», «Шафкат хакида», «Бахтли хаёт хакида» сингари ахлокшуносликка доир рисолалари булиб, уларда дунёнинг моддийлиги тан олиб, унда жонли ибтидо бор, уни акл-идрок, башоратини такдирли деб айтиш мумкин дейди.

У инсонлар уртасида ахлокий тенглик бор, деб тушунтиради.

Кадимги Рим ахлокшунослари бахт, хакикий саодат, фазилат, ижод хакида тухталиб, уларни инсон шакллантиради, деб таъкидлайдилар. Инсон хатти-харакати муаммосини уртага ташлайдилар.

Хулоса. Кадимги Юнон ва Румо файласуфларининг ахлокий карашларида инсон ва унинг хатти-харакатлари, инсон олдида турган масъулиятли вазифалар, инсон одоби, хулки, одоби, ахлокида номоён буладиган жараёнлар атрофлича тушунтирилади.

2.3. Урта асрларга келиб насронийлик Оврупа халкларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий хаётини черковга буйсундирди, хамма сохалар буйича черков назорати урнатилди. Кадимги дунё мумтоз ахлокшунослиги томонидан уртага ташланган муаммоларни хал этишда мусулмон Шаркида яшаб утган алломаларнинг урни бенихоя катта булди.

Кадимги мусулмон Шаркида ахлокшунсолик икки йуналиш буйича фаолият курсатган: машшоийгуйилик ва тасаввуф ахлокшунослиги.

Урта асрлар мусулмон Шаркида машшоийгуйилик ёки, бошкача килиб айтганда, арастучилик окимини буюк араб мутафаккири ал-Киндий бошлаб берган. Унинг асосчиси Туркистончилик комусий аллома Абу Наср ал-Форобий (870-950) хисобланади.

Форобий, Арасту изидан борди. Ахлокшунсликка доир, «Бахтга эришув хакида», «Давлат арбобининг хикматлари», «Фозил одамлар шахри» асарларида бахт хакида тухталади. Унингча, «Бахт-хар бир инсон интиладиган максад, зеро у муайян комиллик хисобланади», - деб

таъкидлайди. Форобий фазилат, хаёт-мамот масалаларига хам тухталади. У оила бахтига аёл кишининг безакларга берилиб кетишини каттик коралайди.

Урта асрлар ахлокшунослигида райлик мутафаккир Абу Бакр ал-Розий (865-925) таълимотида ахлокшунослик ривожлантирилди. Унинг «Лаззат», «Фалсафий хаёт тарзи», «Рухий табобат», «Бахт ва фаровонлик белгилари» каби китобларида унинг ахлокий карашлари акс эттирилди. У инсондаги хушхулклилик ва бадхулклиликнинг муносабатини тахлил килди. Ар-Розийнинг ахлокий карашлари, илмий тил билан айтганда, хедонизм (лаззатнинг устуворлигига) ва эвдеймонизмга (бахтнинг устуворлигига) асосланади. Лаззат-изтиробдан кутулиш. Унинг биринчи ёндашувда, дейди. У инсонни ижтимоий мавжудот деб тушунтиради.

Ибн Сино (980-1037) Форобийнинг шогирди булиб, унинг ахлокий карашлари «Ахлок илмига доир рисола», «Бурч тугрисида рисола», «Нафсни покиза тутиш тугрисида рисола», «Адолат хакида китоб», «Тура жойлардаги тадбирлар» сингари асарларида уз аксини топган. У ахлокшуносликни фалсафанинг ажралмас кисми у амалий ва назарий кисмидан шаклланади, дейди. Юкорида тилга олинган асарларида иффат, химмат, шижоат, адолат, сахийлик, каноат, катъият, садокат, хаё, камтарлик хакида фалсафий тушунча беради. Уларнинг акси булган – угрилик, алдамчилик, фиску-фасод, нафрат, рашк, адоват, бухтон, иродасизлик, такаббурлик, нодонлик каби иллатлрни тавсифлайди. Ибн Сино «Ишк рисоласи» да комил инсон муаммосини тушунтиради. Унингча, Яратганга мухаббат – одамни комилликка олиб чикади, дейди. Аллохга мухаббат факат таркидунёчилик билан эмас, балки расмона инсоният хаётида хам руёбга чикади, дейди.

Машшоиййуклик окимининг яна бир вакили Курдобалик (Испаниялик) мутафаккир Ибн Рушид (1126-1199 йиллар) ахлокшуносликда тараккиётига катта хисса кушган буюк аллома хисобланади. Эзгулик ва ёвузлик уз холича мавжуддир, дейди. И ихтиёр эркинлиги муаммосига хам катта эътибор беради.

Унинг фикрича идеал давлатда фукароларга фазилатларни сингдириш ва тараккий эттириш учун икки хил усулни куллашни таклиф килди. Биринчиси – ишонтириш учун, иккинчиси-мажбурий усул. Биринчиси кенг оммани тарбиялаш. Бунинг учун илмий-фалсафий нуткдан фойдаланиш.

Мажбурий усул – ташки душманлар билан курашиш оркали амалга ошади. Бу усулни жиход билан теглаштиради. Унингча, жиход-кофирларга карши олиб боралидаган доимий диний уруш эмас. У доимо тинчлик зарурлигини, урушларга эса баъзан-баъзангина йул куйиш кераклигини айтади. Жиходни факат шариат талаблари нуктаи-назаридан тушуниш мусулмонлар бошига куп офатлар келтирганлигини таъкидлайди.

Шаркда машшоиййуклик окимидан ташкари тасаввуфий ахлокий таълимотлар – окимлар хам мавжуд эди. Дастлабки Суфийлардан булмиш Робия ал-Адавийанинг (713-801) Худога муносабати диккатга сазовордир. Бу муносабатини у «Мухаббат» деб атайди ва яратганга эътикод килади.

Аллохга мухаббат жаннатга эришиш воситаси эмас, яъни жаннат максад эмас, максад-Аллох ва унинг мухаббати. Бу ерда шариат ва тарикат

хакида фикр кетади. Шариат исломнинг мохиятини англатадиган дастлабки, ташки-хукукий боскич булса, тарикат унинг ички ахлокий ва юксак боскичдаги куриниш хисобланади.

Тасаввуф ахлокшунсолигида Хужжат ул-ислом Имом Газзолийнинг (1058-1111) урни бекиёс. Унинг ахлокий карашлари «Ихён улум – ад дин» деб аталган турт жилдлик китобида уз аксини топган. Унда таваккал (хамма нарсада худога суяниш), Худонинг яккалигига эътикод сифатида талкин этилади ва мухаббат, ихтиёр эркинлиги, такдир, ният сингари муаммолар билан боглик холда тахлил килинади. Унингча, мухаббатбилишнинг махсули деб атайди.

Мухаббат замирида Аллохга мухаббат ётади, яъни инсоннинг узига, атроф-мухитга муносабати мухаббат оркали амалга ошади, бу мухаббат турларининг хаммаси Аллохнинг мухаббатини билвосита куринишидир. Унинг икки ихтиёр эркинлиги борасидаги карашлари такдир мукаррар ходиса сифтида талкин этилади. Бунда билиш биринчи уринда туради, ихтиёр билимга буйсунади.

Имом Газзолий ният масаласиг тухталиб, у билим ва харакат камровидаги сифати деб таърифлайди. Билим ниятдан олдин туради, у ниятини илдизи ва шарти хисобланади.

Хар бир танганлан харакат уч нарса – билим, ихтиёр этиш ва кобилият ёрдамида руёбга чикади. Зеро, инсон билмай туриб – хохламайди, хохламас экан – харакат килмайди, шунинг учун ихтиёр этмоги лозим.

Тасаввуф ахлокшунослигини улкан номоёндаларидан бири буюк юртдошимиз Шайх Азизиддин Насафийдир. (XIII асрнинг ярми XIV асрнинг бошларида яшаб утган). Ахлокий муаммоларни узининг «Зубдат ул-хакойик» (Хакикатлар каймоги), «Инсони комил» (Комил инсон) каби асарларида баён этган Насафлик бобоколонимиз Арасту изидан боради, комил инсон хакида фикр юритади. Унингча, комил инсон, энг аввало юксак ахлок эгаси: унинг ердаги вазифаси халоллик ва ростгуйликни карор топтириш, ёмон расм-русумларни йукотиш, яхши, эзгуликка бошлайдиган конун – коидаларни жорий этиш, одамларни Худо томон даъват килишдир. Бу даражага етишиш учун эса инсон узини англаб етиши керак. Унинг айтишича узини англамаган киши хеч нарсани англамай дунёдан утади. Узини англаш учун инсон хайрли суз, хайрли иш, хайрли хулк, маърифатли иш килиш керак.

Комиллик – инсон деган улуг номга мансуб булиб, унга инсон кадам-бакадам етишиб боради, лекин бу даражалар мутлак динийликни таказо килмайди, балки дунёвий хаётда хам пок булиши керак.

**ХУЛОСА.** Тасаввуф фалсафасининг номоёндалари узларининг ахлокий карашларида инсоннингкадр-киммати, инсоний фазилатларини узига хос томонларини курсатишга харакат килдилар.

2.4. Урта асрлар мутаффаккирларининг ахлокий таълимотларида ислом дини мухим ахамият касб этади. Ислом дини, унинг мукаддас китоби «Куръон» да ва Хадисларда Аллохга, унинг пайгамбари булмиш Мухаммад алайхиссаломга эътикод килиш билан бирга ота-онага хурмат, мехнатсеварлик, илмга интилиш, ахиллик, мехр-окибат, эхсон, сабр-токат,

камтарлик, вафо, садокатлик ва фазилатлар одоб-ахлокли булиши хакида куп ахлокий фикрлар айтилган.

Куръони Карим, Хадислар ва шариат курсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотини асоси булган ахлок-одоб тарбиясининг барча кирраларини уз ичига олган. Уларда ахлокий камолот, халолик ва поклик, имом ва виждон билан боглик булган масалалар уз ифодасини топган. Марказий Осиёда юзлаб комусий олимлар бюк шоирлар ва санъаткорлар етишиб чикди. Улар орасида улуг узбек шоири Алишер Навоий (1441-1501) алохида ахамиятга молик. У инсонни бутун борликнинг курки ва шарафидир, деб таъкидлайди. Инсон юксак даражада улугланади, олий мавжудот деб таърифланади. Алишер Навоийнинг асарларида, яъни ахлокий карашларида бош масала- инсон, халк, Ватан, унинг гуллаб яшнаши, истикболи хакидаги муаммолар туради. Адолат, садокат, бурч, мухаббат, рахм-шафкат, камтарлик, мардлик сингари фазилатлар мадх этилади. Алишер Навоий Накшбандия сулукига мансуб йиик шахс сифатида ахлокшунослик назарияси ва тараккиётига улкан хисса кушган мутафаккирдир. У Нашкбандия тарикатининг асосий тамойили булмиш, дилнинг Худо билан, кулнинг иш билан банд булсин, деган шиорига амал килган. У навоий инсон кадр-кимматини биринчи уринга куйди, номус, орият ва инсоний гурур тушунчаларини узига хос талкинини берди.

Алишер Навоийнинг «Мухбуб ул-кулуб» асари, айникса, Темурийлар даври ахлокшунослиги тараккиётида катта хисса кушди. Асар уч кисмдаг иборат булиб, нафакат тасаввуф ахлокшунослиги ва ахлокининг, балки бутун мусулмон Шарки ахлок илмини назарий муаммлари кутарилди. Шунинг учун ундан панднома сифатида фойдаланиб келинди. Навоий Сукрот изидан бориб, конунни адолат билан айнийлаштиради.

Асарда комил инсон масаласи узига хос тарзда уртага ташланади. Темурийлар даври ахлокшунослигидиа Абдурахмон Жомий (1414-1492) нинг урни бенихоя каттадир. У А. Навоий билан дуст эди. XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ва адабий хаётда юз берган ибратли ходисалардан бири Навоий ва Жомий муносабатларидир. Бу икки буюк зот ижод сохаси билан бирга халк, давлат ишларида инсон ва адолатни ёклар эдилар.

Жомий уз фаолиятини Накшбандия гояларини куллаб-кувватлар эди. У Хожа Ахрор Валий билан якин муносабатди булган. Ижтимоий – сиёсий, фалсафий-ахлокий масалаларда Жомий халкпарварлик ва инсонпарварлик, адолат ва инсоф масалаларига зулмни, золимларни коралашга кенг урин берди. Шох одил булса, - деб таъкидлайди А. Жомий, - у бехавф, бехатар яшайди. Демак, А. Жомийнинг ахлокий карашлари Темурийлар даври ахлокшунослигида мухим роль уйнайди.

Темурийлар даври ахлокшунослигида Навоийнинг назари тушган аллома, унинг замондоши Хусайн Воиз Кошифий (1440-1505) дир. Узининг «Ахлоки Мухсуний» деган китобида яхшилик ва ёмонлик хакида фикр юритиб, яхшилик, эзгуликдир, дейди. Эзгуликнинг ибтидоси хушхулклиликдир деб тушунади. Халоллик, ростгуйлик, мехнатсеварлик,

инсонпарварлик каби ахлокий меъёрлар ва тамойиллар эзгуликнинг пойдевори сифатида олиб каралади. У адолат, бурч тушунчаларига батафсил тухталади. Унингча, адолат инсоний жамиятни бахт-саодатга олиб борувчи йул, деб тушунтиради.

Кошифий ахлокий маданий, кийиниш одоби, муомила одоби, мехмондустлик ва танавул этикети борасида хам фикр юритади. Ксбий одобга тухталади.

Темурийлар даври ахлокшунослигида Жалолиддин Девоний (1427-1502) нинг фаолияти мухим ахамиятга эгадир. Ахлокшунослик муаммосига багишланган йирик асари «Ахлоки Жалолий» рисоласи булиб, унда ахлокий таълимотлар акс эттирилган. Асар уч кисмдан иборат. Асарнинг бирнчи кисмида ахлок тушунчалари булмиш адолат, шижоат, донишмандлик, иффат сингари фазилатлар тахлил ва талкин килинди. Иккинчи кисмида оилавий хаёт, болалар тарбияси, муомила одоби хакида фикр юритилади.

Китобнинг учинчи кисмида, шахар маданияти, подшоларнинг сиёсат юргизиши, фукароларнинг шахар (давлат) бошликлари булган муносабати акс эттирилади.

Демак, темурийлар даври ахлокшунослигида хам асосий уринни инсон муаммоси, унинг ахлоки, одоби, хулки кабиларга эътибор каратилди.

Урта аср мусулмон Шаркида машхур пандномалар яратилиб, халк ичида кенг таркалган. Уларнинг энг машхурларидан бири тахминан III-IV асрларда яратилган кадимги Хинд абадий-дидактик ёдгорлиги «Панчатантра» дир. У бизда «Калила ва Димна» номи билан аталадиган асардир. Асарда икки дунё номоён булади: бири-инсоф, адолат, диёнат, халоллик, эзгулик дунёси, иккинчиси-ёлгонни, каллобликни, мунофикликни, худбинликни касб килиб олган иллатлар тажассуми булган одамлар дунёси, ёвузлик дунёси.

Юсуф Хос Хожибнинг «Кутадгу билиг» (Яхшилик келтирувчи билимлар) асари булиб, 13000 мисрадан иборат булган, турк халкларининг комусий асаридир. Китобда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, олижаноблик ва тубанлик, халоллик ва харомлик сингари тушунчалар хакида фикр юритилади.

Кайковуснинг «Кобуснома» асарида инсон хаёти ва фаолиятига доир угит-курсатмалар акс эттирилган. Унда мехмонги бориш, мехмон кутиш, савдогарлик одобидан тортиб, човган уйини – спортчи одобигача каламга олинади.

Шаркнома пандномаларнинг энг машхури Шайх Муслихиддин Саъдийнинг (1184-1292) «Гулистон» асаридир. Асарда муаллиф, одамлар киёфдасидаги эзгулик ва ёвузликнинг узаро муносабати очиб берилади. Унингча, инсон инсон учун восита эмас – максад деган гояни илгари суради. Ёвузликлар ичида айникса ёлгонни каттик коралайди. Саъдий жуда кун хикматлар кашф этди.

Саъдийнинг «Гулистон» ига таклид килиниб жуда кур асарлар яратилди. Улардан бири Жомийнинг «Бахористон», Пошшахужанинг турк тилида битилган «Мифтох ул-адл» ва «Гулзор» асарларидир.

Темурийлар даврида пандномалардан бири Хондамирнинг (1481-1535) «Маккорим ул-ахлок» (Яхши хулклар) асаридир. Инсондаги барча фазилатлар – Алишер Навоий киёфасида курсатилади.

Урта асрлардан кейин хам Пандномалар яратиш давом этди. Узбек мумтоз шоири Гулханий (XVIII асрнинг II – ярми - XIX асрнинг бошлари) «Зарбулмасал» асарини ёзиб, катта масал – хикоя ичида масал-хикоятлар, улар ичида юзлаб халк маколалари жой олган. Асосий кахрамонлар уз киёфаларида ахлоксизлик иллатларини мужассам этган салбий образлардир.

Гулханий бу иллатлар юксак ахлокий мезонлар нуктаи-назардан караб, укувчига такдим этади. Ана шу усул билан инсонларни инсоф, адолат, диёнатга, халоллик ва софликка чорлайди.

Бугунда келиб, ёзиб колдирган пандномаларни таълимда, тарбияда ахамияти бекиёсдир.

Инсон уз утмиш тарихини билиш керак. «Узликни англаш, - деб таъкидлади Президент Ислом Каримов, - тарихни билишдан бошланади». (Каранг. Ислом Каримов. Тарихий хотираисз келажак йук. Тошкент, «Шарк», 1998, 5-бет).

Бугунда талаба ёшлар хар бир жараён, вокеаларни утмиш тарихи билан солиштирма холда фаолият курсатишлари керак.

2.5. Урта аср Европа фалсафаси, ахлокшунослигида асосий эътибор христиан дини, черковга булган муносабат билан характерланади. Ахлокшунослик олдида насронийлик таълимотини рационал тарзда умумлаштириш вазифаси туради. Черков талаби – Худо оламни яратувчиси, унга жон бахш этадиган мохиятдир, деб тушнтирилади.

Инсон гунохкор зот, у факат Худо ёрдамидагина гунохлардан кутулиши мумкин. Исо – инсоннинг Худо билан бирлашувига факат оркали амалга ошуви мумкин.

Урта асрлар Оврупа ахлокшунослигини йирик вакиллари Аврелий Августин – илохий Августин булиб (354-430 Шим.Африка) христиан илохиятчиси, философ, патристиканинг нуфузли вакидир. Узининг «Тазарру» хамда эзгулик ва эркин ихтиёр эркинлиги хакида деган асарларида патриаститикани химоя килади. Унинг ахлокшунсолигида асосий эътибор динга, айникса христиан динга каратилди. «Диний эътикодсиз билим йук, хакикат йук», деган принципига буйсунарди. Унинг фикрича Худо барча гузалликлар манбаи ва энг олий гузалликдир.

Худонинг иродаси эзгулик, неъмат, ягона олий неъмат. Хамма нарса, Худодан булгани учун – эзгу, нимаики бор экан, хаммаси эзгу: борлик – кадриятларнинг тартибли боскичларидан иборат. Борлик ичидаги энг мухим фарк Худо билан олам, Яратган билан яратилиши орасидаги фаркдир, ягона шу фарк ахлокнинг асоси хисобланади. Икки хил муносабати фаркламок керак, лаззат ва фойдага интилиш керак. лаззат – факат биргина Худодан колган хамма нарсалар фойдаланиш обьектидир. Худо инсонни – Одам Атони эркин, гунох килмаслик имкониятига эга зот килиб яратди. У ихтиёр эркинлигининг йуналишини белгилаб беради. Худо курсатмаларидан чекиниш гунохдир.

Уйгониш даврининг диккатга сазовор ахлокшуносларидан бири италиялик файласуф Лоренцо Валладир. (1407-1457). Унинг «Хакикат ва ёмон эзгулик», «Ихтиёр эркинлиги хакида» каби асарлари булиб, инсон, инсонлар муносабати, лаззат хакида тухталиб, Худо неъматлар манбаи дейди. Ихтиёр эркинлигига эътибор беради. Унинг фикрича, хар бир инсон фаровонликка интилади, ёвузликдан кочишга уринади, дейди. Фазилат хакида тухталиб уни неъматдан келиб чикади, фазилатни неъматга ихтиёр ёки мухаббат деб атайди ва уни матонат билан таккослайди. Лоренцо Валланинг ахлокий карашларида одамлар уртасида буладиган алокалар, узаро муносабатлар зарурлиги, инсонларнинг узаро муносабатларида зарурлиги, инсонларнинг узаро муносабатларида бир-биридан фойдаланиш максади ётади.

Италиялик ахлокшунос Никколо Макнавелли (1469-1527). Унинг «Хукмдор» (1513) асарида сахийлик, тежамкорлик, шафкат ва шафкатсизлик, мухаббат ва нафрат каби тушунчалари батафсил тухталади. Хукмдорларининг шафкатсизларга олиб бораётган фаолиятини, сиёсатини тахлил килиб беради. У хукмдор уз фукароларининг купрок мехр-мухаббат эмас, куркувга эришиши кераклигини айтади. Макивелли «Хукмдор» рисоласининг XVIII бобида: «Шуни билиш керакки, душманга карши икки йул билан курашиш мумкин: бири – конун йули, иккинчиси – куч ишлатиш. Биринчичи – инсонга, иккинчиси-йирткичга хос. Аммо биринчиси етарли натижа бермаганлиги учун купинча иккинчи йулга мурожаат килишга тугри келади. Бундан чикадиган хулоса шуки, хукмдор хам инсон, хам йирткич табиатини узида мужассам этмоги керак».

Йирткичлар орасида хукмдор иккитасига ухшаш учун харакат килмоги зарур: буларнинг бири-арслон, иккинчиси-тулки…»

Макиавеллининг асосий эътибори Она Ватан Италияни озод ва бирлашган холда куришиш истайди. Янги давлат хукмдори талабчанлик ва каттиккуллик булиши керак, янги миллий давлат тузиш кераклиги, хукмдор ахлокни тахлил килиб нималарга эътибор бериш кераклигини курсатади. Бундай ижобий фикрлар Италияда шаклланиб келаётган буржуа давлатига зарурлигини курсатди.

Макиавелли озодлик, озод Италя, озод жамият, шахс эркинлиги, фаолият эркинлиги каби тушунчаларини фалсафий-ахлокшуносликка фани нуктаи-назардан тушунтиради. У давлат рахбарининг ахлокий фазилатлари нималардан иборат булиши кераклигини курсатди.

**ХУЛОСА.** Кадимги дунё ахлокшунолиги, урта асрлар мутафиккирларининг ахлокий таълимотлари ижтимоий хаёт, ижтимоий тараккиётида мухим роль уйнайди. Талаба – ёшлар таълим-тарбия жараёнида утмиш тарихга мурожаат килиб, ундан танкидий фойдаланиб хаётга тадбик килиш зарурлигини эсдан чикармасликлари керак. Утмиш тарихдан ижобий фойдаланиш , ундан тугри хулосалар чикариш талаб этилади.

Юртбошимиз И.А.Каримов: «Факат бахс, мунозара, тахлил меваси булган хулосаларгина бизга тугри йул курсатиш мумкин», - деб таъкидлаган

эди. (Каранг: Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йук. Тошкент, «Шарк», 1998, 6-бет).

## 2-мавзу буйича назорат саволлари:

1. Машшойгуйлик ахлокшунослигининг мохияти нимада?
2. Форобий ва унинг издошлари таълимотларидаги мухим уринларни нималар ташкил этади?
3. Тасаввуф ва унинг ахлок фалсафаси сифатида номоён булиш кайси хусусиятларга асосланади?
4. Имом Газзолийнинг мухаббатга оид карашлари замирида кандай ахлокий тамойиллар ётади?
5. Навоийнинг ахлокий таълимотида «Махбуб-ул-кулуб» кандай урин эгаллайди?
6. Кашшофийнинг ахлокий карашларидаги мухим жихатлар кайсилар?
7. «Кутадгу билиг» асаридаги асосий ахлокий гоялар нималарда курилади?
8. Кайси пандномаларни укигансиз?
9. Лоренцо Валланинг ахлокшуносликка оид асарларида кандай муаммолар кутарилади?
10. Макиавеллининг «Хукмдор» асарида илгари сурилган гоялар ахлокий жихатдан кай тарзда асосланган?

## Мавзу буйича айрим сузларнинг изохли лугати:

1. Хедонизм – лаззатнинг устуворлиги.
2. Эвдеймонизм - бахтнинг устуворлиги.
3. Патристика – «ота» («падре») сузидан келиб чиккан булиб, Гарбда епископларни хурмат билан атаганлар.
4. Схоластика – юнонча «школа» дан олинган булиб, «укиш жойи», «мактаб» маъноларини анлатади.

## 3-мавзу: Янги давр ахлокшунослигидаги асосий таълимотлар ва йуналишлар. (2 соат).

Режа:

1. Кириш. Янги давр ахлокшунослигининг тарихий хусусиятлари ва ундаги рационал ва сенеуал йуналишлар.
2. Олмон мумтоз ахлокшунослиги.
3. Норационал ахлокий таълимотлар.
4. Рус мумтоз ахлокшунослиги.
5. XX аср ахлокшунослигидаги асосий йуналишлар.
6. Хулоса.

Адабиётлар:
22, 23, 1, 2,6, 11, 12, 15

**Таянч иборалар:**

Рух, калб, манфаат, эзгулик, ёвузлик, ихтиёр эркинлиги, бурч, ахлокийлик, коникиш, мухаббат, бахт, виждон, изтироб, Ало одам, хаё, уят, инсоф, Ватан, Ватанпарварлик, халоллик, ачиниш, гайризуравонлик, рухий тахлил, экзистенция, куркув, Тазарув, мавжудлик, жумардлик.

3.1. XVII-XVIII асрлар кишилик тарихида янги бир боскични бошлаб берди ва уни янги давр фалсафаси, ахлокшунослиги деб номланади. Бу давр узига хос булган хусусиятлари билан характерланади. Бу даврдаги буржуа инкилоби ва халк харакатлари натижасида бир катор Оврпопа мамлакатларида жуда катта ижтимоий-иктисодий ва сиёсий узгаришлар булди. Бунинг конуний уларок Англия, Голландия, Франция ва Германия каби мамлакатларда капиталистик муносабатлар карор топди ва у фалсафа ва ахлокий таълимотларда янги сахифани очди.

Географик ва илмий кашфиётлар туфайли ахборот кулами жуда кенгайди. Бу уз навбатида фан ривожига кенг имкониятлар яратди. Табиатшуносликда янги-янги ютуклар кулга киритилди (Ньютон, Лейбниц, Торичелли ва бошкалар). Ижтимоий – гуманитар фанлар адабиёт, санъат ва маданиятда хам туб узгаришлар булиб, тенги йук асарлар яратилди. (Шекспер, Рембранат ва бошкалар). Уларда инсон, ахлок, нафосат каби муаммолар, уларнинг кудрати ва гузаллиги каби масалалар аск эттирилди. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий хаётида ва маънавиятида – ахлокда булган бу бурилишлар, табиатни янги даврдаги фалсафий-ахлокий фикрга хам уз таъсирини курсатди. Инсонга хар томонлама маданий, эркин шахс сифатидаги муносабат бу даврда муайян тарзда янгиланди; уни ижодий шахс деб талкин ва тахлил этиш концепцияси юзага келди. Инсон акл-идрокигина ахлокнинг манбаи ва ахлокий таргиботнинг асоси деб хисобланди. Ахлок эса инсоннинг фикрловчи мавжудот сифатидаги холати тарзида таърифланди.

Нидерландиялик файласуф Бенедикт (Барух) Спиноза (1632-1677) ахлокшунослик борасида рационал карашларни химоя килди ва янада юксак боскичга олиб чикди.

У узининг «Худо инсон ва унинг бахти хакида кискача рисола» (1660), «Илохиёт ва сиёсат рисоласи» (1667) ва «Ахлокшунослик» (1677) асарларини ёзиб, ахлокшунсоликдаги баъзи масалаларни тушунтиришга харакат килади.

Спиноза – Худони – табиат, табиатни Худо тарзида талкин этади. Худо – ягона субстанция (жавхар), барча ходисалар ва якка нарсаларни илк асоси. У абадийлик, чексизликка эга, яратилмаган хеч качон йуколмайди. Унга икки белги сфиат хос: бири кулам, иккинчиси тафаккур. Яъни табиатда номоён булган Худо, субстанция азалий ва олий онгдир. Калб ва рух доимо гоялар йигиндисидан иборат булад. Хар бир гоя – интенционал, яъни маълум бир обьектга йуналтирилган. Рух вужуднинг гояси деб тушунтиради.

Спиноза ахлокшуносликни фазилат ва гунох тушунчаларини диний талкин этишда халос килиб, умуман ахлок категоряларини мистик изохлашдан тозалаб, инсон хатти-харакатларини хакикий сабабларини очиб берадиган дунёвий, хаётбахш, рационалистик этикани аник системасини яратишга интилди. У барча эхтирослар аклга буйсуниши керак, дейди. Ахлокнинг асоси акл булиб, кишиларнинг хатти-харакатлари факат унинг узга боглик, одамнинг узи яхши-ёмонни ажратишга кодир эканлигини таъкидлайди. Спинозанинг таъкидлашича, ахлок нисбий тушунча булиб, улар ораида энг улуги, юкори погонаси дустликдир, дустликни кадрлаш кераклигини уктиради. Аклнинг кузи шахс эркинлигини белгилайди, дейди. Унинг фикрича, ахлок-одоб конун – коидалари давлат хукуки конунларига мос келиши лозим, деб курсатди.

Хулоса. Спинозанинг ахлокий карашлари, ахлокий таълимотлари уз даврини илгор гоясиги айланди. У аклий билишга катта эътибор бериб, хиссий билишнинг ахамиятини тугри тушуниб етмади. Инсон фаолияти яшаши учун курашга каратилгандир. Спиноза ахлокий карашларида детерминизм принципига амал килади, фаталистик якинлашувлари хам йул куйди, ижтимоий тараккиётнинг ролини тушунмади. У эркинлик хакида тухталиб, мустлак эркинлик булиши мумкин эмас, эркинлик ва англашилган заруриятдир, инсондаги тафаккур ва виждон эркинлиги булиши керак, деб таъкидлайди.

Англияли файласуф-ахлокшунос Джон Локк (1632-1701) узининг «Инсон акли тугрисида тажриба» (1690), «Тарбия хакида уйлар» (1689) ва «Христианликинг аклга мувофикли» (1689) ва бошка асарларида кишилар билими, унинг асосий манбаи булмиш тажриба хакида фикр юритиб, Декартга карши чикади.

У билиш – бу инсон билан табиат орасидаги муносабат жараёнидан иборат эканлиги, киши гояларнинг, тушунчалрининг моддий олам предметига мос келишидан хакикат келиб чикади, деган фикрий беради.

У билиш назариясида сексуализм томонга турди. Сексуализм – (лат sensus – хис, сезги) – билиш сохасидаги таълимот булиб, сезгинини

блишнинг бирдн-бир манбаи деб тушунтиради. Унингча динсиз ахлок булмайди, деб курсатади.

У бахт, яхшилик, эркинлик каби категорияларга хам уз фикрини берган. Локк узини ижтимоий-сиёсий ва ахлокий карашларида табиий холатдан фукаролик жамиятига ва давлатни бошкариш шаклларига утиш гояларини ривожлантирди. Давлат хокимияти: конун чикарувчи, ижро этувчи, иттифок Федератив хокимиятга булинади Локкнинг бу илгор гоялари хозиргача уз кучини йукотмаган эмас ва бу доимо кадрланади.И. А. Каримов: «… биз уларни уз даврида келажак авлод учун колдирган салмокли мероси, ижодий ишлари, керак булса, умумжахон цивилизациясига кушган хиссаларини кадрлаймиз»[1], - деб таъкидлаган эди.

**3.2.** Олмон мумтоз фалсафаси ва ахлокшунслигининг йирик вакили Иммануил Кант (1724-1804) хисобланади. Унинг «Ахлокий метафизиканинг асослари» (1785), «Амалий аклнинг танкиди» (1788), «Хулклар метафизикаси» (1797) асарлари асосан ахлокшуносликка багишланган. У ахлокни ижтимоий-тарихий ходиса сифатида эмас, балки, илохий куч томонидан вужудга келтирилган жараён деб тушунтиради. Ахлок акл мевасидир, деган фикрни илгари суради. Ахлокнинг асосларини у борликдан, ижтимоий хаётдан изламайди, балки тажрибадан ташкарисидаги обьектив оламдан кидириш керак деган тезисни ишлаб чикди. Кант инсон фаолиятини тешириб, у икки дунёда яшайди, езгилари билан хис килувчи сифатида табиат конунларига, заруриятга буйсуниб, акли билан эса эркинлик асосида тафаккур конунларига, ахлок коидаларига итоат этиб яшайди деб курсатади. Кант назарида, ахлокийлик мохият эътибори ила инсоннинг кундалик майда ташвишларидан юксакка улугворликка, илохийликка кутарилишидир. Ахлок худбинлик манфаатларига амал килишдан бурчни англашга утишдир. Кант ахлокшунсликнинг мухим категорияларидан бири – бурч ва виждон хакида уз фикрини берди. У бурчнинг икки хил мавжудлиги таъкидлайди: хукукий бурч ва ахлокий бурч. Хукукий бурчни бажариш учун ташкаридан мажбур этилса, ахлокий бурч аксинча, фазилатга яъни ички ходисага, ихтиёр эркинлигига боглик. Шу боис инсоннинг ахлокий бурчга мувофик хатти-харакат килиш кобилиятини Кант фазилат деб атайди. У ахлокий бурчни иккига булади. Хукукий бурч ва ахлокий бурч. Хукукий бурчни бажариш учун ташкаридан мажбур этилса, ахлокий бурч аксинча, фазилатга, ички ходисага, ихтиёр эркинлигига боглик.

Ахлокий бурч иккига булинади: а) инсоннинг уз олдидаги бурчи б) бошкаларга нисбатан уларниг айбдорлиги ёки хурматга муносибликларга каратилган бурч.

Кант ахлокий тушунчалар булмиш адолат, ростгуйлик, дустлик кабиларга хам уз эътиборини каратган.

---

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Тошкент, «Шарк», 1998 й.

Кант ахлокшунослигининг чуккиси – адабий тинчлик гоясидир, деган фикрни талкин этади. Урушларни танкид килади. Комиликка эришишнинг фаол воситаси маърифатдир, дейди.

**ХУЛОСА.** И. Кант олмон мумтоз фалсафаси, ахлокшунослиги йирик вакилларидан булиб, ахлокшунослик фанига, ахлокий фикрлар тараккиётига муносиб хисса кушган буюк мутафаккирдир.

Георг Вильхелм Фридрих Хегель (1770-1831) «Илмга ишонч» (1802 й), «Рух феноменологияси» (1807 й), «Фалсафий фанлар комуси» (1817 й), «Хукук фалсафаси» (1821 й) асарларида ахлокшунosликнинг узига хос хусусиятларини ифодалаган. Хейгель хулкийлик ва ахлокийликни икки тушунчага булади. Хулкийлик тушунчасига инсонлардаги шахсий ва хусусий узаро муносабатларни, субьектив фикрдаги мажбурликни, идеални, ижтимоий-тарихий ходисаларга нисбатан такидий кайфиятларини уз ичига оладиган жараён киради.

Хейгель ахлокийлик деганда, одамнинг тарихан ахлокдан олдин падо булган урф-одатлар ва расм-русумларга, иккинчи томондан, давлат, табакалар, оила олдидаги ахлок билан боглик муайян мажбуриятга муносабатни нзарда тутади.

Хейгель хулкийликка касд ва айб, ният ва эзгулик, эзгулик ва виждог жуфтлик тушунчаларини киритади; ахлокийликка эса оила, фукаролар жамияти, давлат тушунчаларини киритади. Эзгулик – эрк даражасига кутарилган ихтиёр; амалга оширилган эркинлик, оламнинг мутлак сунгги максади.

Ёвузлик ва зарурият – бирок у руй бермаслиги керак. Хейгель мухаббат, никох, оила, фукаролар жамияти ва давлат хакида хам узига хос фикрлар баён килди. Севги – хиссиёт, бошкача килиб айтганда, шаклга тушган табиатдаги ахлокийликдир. Хейгель Кант каби инсониятга катта масъулият юклайди. Унинг хулосаси катъий: «Конун харакат килмайди, факат инсон харакат килади».

Людвиг Фейербах (1804-1872 й) фалсафасида табиатдан узилмаган инсон туради. Л. Фейербах: «Хакикий фалсафа китоб ёзишдан эмас, одамларни яратишдан иборат… Янги фалсафанинг илдизи, мухаббатнинг хакикийлигида». Ахлокшуослик масалалари, айникса унинг «улмаслик хакида масалага инсоншунослик (антропология) нуктаи-назаридан караш (1846-1866) «Спиринкалчилик ва моддиятчилик хамда ихтиёр эркинлигига улар муносабатининг узига хослиги хакида» (1863-1866), «Эвдейчилик» (1867-1869) деган асарларида, кундалик ва хатларида кутарилган.

Унинг ахлокий таълимоти асосан ихтиёр эркинлиги ва бахт тушунчаларига йуналтирган. Фейербах таъбирича, инсоннинг мохияти, хаёлий мавхумот, «рух» эмас, балки хиссиётдир. Инсонга танлов ихтиёри, ихтиёр эркинлиги берилган.

Фейербах бахт, мухаббаттушучаларига хам тухталади. У хаёт мухаббатдан (бошланади) иборат. Инсонни билиш учун уни севиш керк. Фейербахни том маънода дахрий дейиш, ножоиз. Тугри у Худони тан олмайди, черковдан нафратланади, лекин одамга сигинишни таклиф этади.

Хулоса. Олмон мумтоз ахлокшунослари инсоният жамияти тараккиётига, унинг ахлокий юксалишига улкан хисса кушдилар. Бирок уларнинг назариялари, илгари сурилган гоялари ва ахлокий карашларида ютуклар билан бирга камчиликлар, нуксонлар хам учраб турди. Масалан, И. Кант ахлокшуносликни асосан бурч тушунчасига олиб бориб такаб куяди, бурчнинг бажарилишида хатти-харакатларни мавжуд шарт-шароитдан устун куяди, натижада унинг ахлокий талаби купрок тирик оламга эмас, идеал оламга каратилган меъёри айланиб колади. Фихте ва Шеллинглар ахлокнинг мохиятини факат инсоннинг трансцендентал покликка интилишида курадилар.

Хегель ахлокий муносабатларнинг субьектив жихатларини, шахснинг ахлокий жавобгарлигини бир четга суриб куяди, жамият ва давлат манфаатларини хар кандай холатда хам устун куяди.

Фейербах эса ахлокий муносабатларида инсон хиссиётига нихоятда ортикча бахо берди, аклга деярли урин колдирмади. Бирок, олмон мумтоз файласуфлари, ахлокшуносларининг колдирган таълимотлари келгувси ижтимоий хаётда, фан тараккиётида мухим роль уйнайди.

3.3. Янги давр ахлокшунослигида вужудга келган окимларни йирик икки гурухга булиш мумкин. Уларнинг бири – идеалистга – норационал, иккинчиси – моддиятга йуналишларни уз ичига олади. Ана шу окимларга олмон мумтоз ахлокшуносларининг таъсири булган.

Биринчи гуруҳдагилар уларни инкор этиш йулидан борса, иккинчиси танкидий тасдик йулидан борди. Норационал таъминотни яратган дастлабки файласуфлардан бири донимарк ёзувчиси, илохиётчи Сёрен Аабе Киркегаард (1813-1855) булиб, илк бор инсон шахси ва такдирини биринчи уринга олиб чикади, инсоний субьективликни асосий муаммо сифатида талкин этади. Унинг ахлокий карашлари «Ё – у, ё - бу» (1843), «Куркув ва титрок» (1843), «Хаёт йулининг боскичлари» (1843), «Улимга етакловчи дард» (1849) каби фалсафий китоблари, кундаликлари ва бадиий асарларида акс эттирилган.

Киркегаард асарларида маънавий хаётини куркув, хавотир, умидсизлик, нотинчлик сингари негатив томонлари тадкик этилади. Инсон уз масъулиятини чукур хис килиши керак, дейди. У мавжудлик уч боскичдан иборат, булар: эстетик, ахлокий ва диний боскичдир. Биринчи боскичнинг тамойили – лаззат, иккинчисиники – бурч, учинчиси – изтироб. Эстетик боскич хиссиётлар олами оркали амалга ошади. Мусика, театр аёллар унинг хизматида булади. Ахлокий боскич сунгги боскич эмас, у утиш холати; энг юксак даража диний боскичдир. Ахлокий боскичда инсон бахтга, оилавий, никохдаги боскичга интилади, умумий конунга буйсуниб яшайди. Бу боскичда инсон уз эркини, ихтиёр эркинлигини тула номоён кила олмайди. Диний боскич энг юкори даража булиб, Худо билан тугридан-тугри муносабатда булади. Куркувга Киркегард катта ахамият беради. Хакикий куркув – бу гунохкор банданинг Тангри олдидаги куркувидир. Бурч – Худо иродасинининг ифодасидир. Худодан куркиш инсондаги янги имкониятларни очади.

Хулоса. Сёрен Киркегаарднинг ахлокий таълимоти Оврора фалсафаси бутунлай янги бир йуналишга асос солди: инсонни факат акл ёрдамида, мантикий тушунчалар воситасида англаб булмайди, инсон тушунчаси чексиздир, деган фикрни уртага ташлайди. Унинг ахлокшуносликдаги уртага ташлайди. Унинг ахлокшуносликдаги фикрлари экзистенциячилик окимига асос солди.

Янги  давр ахлокшунослигида маълум из колдирганлардан бири Артур Шопенхауэр (1788-1860) булиб, «Олам ихтиёр ва тасаввур сифатида» (1819-1844), «Хаёт мактабининг хикматлари» (1851), «Ахлокшуносликнинг икки асосий муаммоси» (1896) асарларида ахлокий муаммоларини уртага ташлайди.

Шопенхауэр таълимотига кура, олам инсон куз очиши билан курган, хидлару ранглари, товушлару сукунатга, иссигу совукка – тула, дунё факат ва факат тасаввурдан иборат. «Олам-менинг тасаввурим», дейди файласуф.

Олам субьект ва обьектининг узаро муносабати сифатида номоён булади… Инсон  эса, энг аввало, ихтиёр этувчи, истовчи, хирс куйгувчи ва факат ундан кейингина, билувчи фикрловчи мавжудот. Ихтиёрнинг номоён булиш шакли факат хозир, келажак хам, утмиш хам эмас. Шу «Хозир» нинг манбаи ва мазмунини узида мужассам этадиган нарса – яшашига ихтиёр, яъни узимиздан иборат булган «нарса узида».

Оламий ихтиёр ёки сифатидаги олам инсонни уз йуригида тутади… Инсондаги худбинлик уни ихтиёрга кул килиб куяди: узим булсам, хаммаси меники булса, деган акида билан иш куради. Инсон бир истак билан кифояланмайди. Натижада унинг хаёти тинимсиз харакатда иборат булади, узи туйса хам, кузи туймайди. Бу хаёт – хаёт эмас, ёвузлик, ёлгон, азоб, фожеалардан иборат мавжудликдир…

Шопенхауэр хаёт фалсафаси окимига асос солган буюк алломадир.

Фридрих Нитцщедир. (1844-1900) «Зардушт дедики…» (833-1884), «Эзгулик ва ёвузликнинг нариги тарафида» (1886), «Ахлокнинг келиб чикишига доир» (1877), «Хукмронликка ихтиёр. Барча кадриятларни кайта бахолаш тажрибаси» (1889-1901) сингари асарларида ахлокшунсоликка оид фикрларини берган.

Нитцще одам, унинг фазилатлари хакида фикр беради. Нитцще Шопенхауэрнинг шогирди. Шопенхауэр ахлокий иллатларни биринчи уринга куйиб, фазилатларни мустакил ходисалар эмас, балки иллатларнинг акси тарзида талкик этади. Нитцще эса бу борада яна хам илгарилаб кетди: иллатларни фазилат тарзида, фазилатларни иллат тарзида такдим килади. унинг наздида, инсон уз иллатларини тузатмаса хам, уларни очик, халол эътироф этиши, иллатларимизни фазилатлар орасида беркитиб туришдан, фазилатлар билан никоблашдан афзалдир.

Нитцще, шу сабабдан хам эзгулик, шафкат, бурч каби тушунчаларни эмас, тугрилик ва ахлокийликни ахлокнинг негизи деб билади.

Олмон мумтоз фалсафий тафаккуридан кейин пайдо булган яна бир оким, нитцщелик каби амалда тадбик этилган йуналиш бу марксчиликдир. Олмон мумтоз фалсафаси замиида асосан Кант, Хегель, Фейербах

карашларини янгилаш асосида вужудга келган мазкур окимнинг асосчилари Кари Хайнрих Маркс (1818-1883) ва Фридрих Энгельс (1820-1895) дир… Уларнинг фалсафа, ахлокшунослик фанларига кушган хиссалари нихоят каттадир.

3.4. XIX аср охири ва XX аср бошларида рус мумтоз ахлокшунослиги вужудга келди. Рус мутафаккирлари маънавиятнинг барча сохаларида, шу жумладан ахлокшуносликда жахонда етакчилик мавкеини эгаллайдилар: Л. Толстой, Ф. Достоевский, И. Тургенов, Н. Некрасов, Н. Чернишевский, Н. Лосский, Н.Бердяев… А. Чехов, А. Ахматова, С. Есенин, М. Горький, В. Вернадский, А. Лосов кабиларни тилга олса арзийди.

Рус файласуфи Вл. Соловьев (1853-1900) уз ахлокий карашларини «Эзгуликни оклаш. Ахлок фалсафаси» (1897) китобида, унинг биринчи кисмида уят, шафкат ёки ачиниш ва художуйликдан иборат ахлокий тушунчалар учлиги асосий уринни эгаллайди.

Уят тубанликка в нокомилликка тушиб колганликдир.

Соловьев фикрича, ачиниш ва шафкат уятчанликка зарурий кушимчалардир.

Мехнат, ичкибоз ва хотинбоз хам кунгли буш, шафкатли булиши мумкин, лекин бундай кишини ахлокий шахс деб аташ мумкин эмас. Демак уят инсон хатти-харакатини бошкариб турувчи ахлокий ходисадир.

Соловьев одамларни яхши ва ёмонга, шавик ва ёвузга ажратишини илмий нкутаи назардан хато, инсонийлик нуктаи назардан эса нохаклик деб билади: инсонни яхлит ва биратуласи ахлокий бахолаш мумкин эмас, унинг феъл-атворига, килимишга караб бахо бериш лозимлигини таъкидлайди: «… Мен икки нарсани табиатда учратмадим: аник-мукаммал халол одамни, аник-мукаммал ёвуз одамни», - дейди файласуф. Вл. Соловьевнинг ахлокий таълимоти, теран фикрлари ахлок фалсафаси билан шугулланган мутафаккирларнинг хам донишмандликнинг юксак намунаси сифатида тафаккур ахлини диккат марказидир.

Николай Александрович Бердяев (1874-1948). У «Инсоннинг вазифаси хакида» (1931), «Уз-узини англаш» (1949), «Илохийлик ва инсонийликнинг экзистенциал диалектикаси» (1952) каби асарларида ахлок-одоб масалаларига эътиборни каратди. Унинг асосий гояси – эркинлик. У ёвузлик ижобий борликка эга эмас, у эзгуликдан угирланган хусусияти билангина кишини узига агдаради. У нафакат мавжуд, балки дунёда эзгуликдан кура купрокдир.

Эзгулик ва ёвузлик орасидаги муносабатларнинг Н. Бердяев жун эмаслигини, уларда экзистенцияга диалектика борлигини таъкидлайди. Зеро, ёвузлик хам эзгуликка айланиши мумкин. Лекин, шунинг баробарида, ёвузли хам эзгулик булиб кайта тугулади яъни, инсон агар барча имкониятлар синовидан утса, эзгулик ва ёвузлик тажрибаларини бошидан кечирса, у холда ёвузликнинг узи эзгуликнинг диалектик ибтидоси булиб колади.

3.5. XX асрнинг нуфузли гоявий окимларидан бири австриялик табиб ва психиатр Зигмунд Фройд-Зигмунд Шломо (1856-1939) номи билан бевосита богликдир. У рухий асаб касалллигини даволашнинг умумий

назарияси ва услубини ишлаб чикди. Фрейдизмнинг назарий асосини ишлаб чикди. Фрейдезмнинг назарий асосини психоанализ ташкил килади. психоанализ онгсизлик холатини фалсафий талкин этиб инсон рухиятини онгли харакатларнинг хамда окилона тарзда билиб булмайдиган ва онгсизлик оламининг ташкил этадиган инстинктларнинг мураккаб мажмуи деб билади.

Фройд куп кузатувлар, акл ва уз кечинмаларига суяниб, рухий касалликнинг мувафаккиятли даволашнинг ахлокий муаммоларга мурожжат килмасдан хал этиб булмаслигини аниклади ва бемор уз калби эхтиёжларини хисобга олмаганлиги учун касалланади, деган хулосага келди. (касаликка чалинади).

Фройд онглилик ва онгсизлик масаласига тухталди. Онгсизликдан онглилик келиб чикишни курсатди. Онгланмаган холатдаги фикрлар, хис-туйгулар умуман йуколиб кетмайди, бирок хотирага чикиш учун йул куйилмайди. Улар онгда билвосита онгсизлик тарзида номоён булади: билмай гапириб юбориш, хато ёзиб юбориш, туш, неврозлар сингари галат харакатлар оркали номоён булади. Онгланмаган холати гоят яшовчан, вактга буйсунмайди. Фройд барча иллатларнинг ва виждон, куркув, айбин хис килиш, тазарру сингари фазилатларнинг келиб чикишини, фаолиятини, деярли барча ахлокий ходисалаларни асосан «Эдип комплекси» га олиб бориб такаб куяди.

Эрих Фромм (1900-1980) асосий эътиборини, диккатини инсон калбининг ахлокий талабаларига муносабатини очишга, тоталитарчилик, инсонпарварлик, тириксеварчилик (биофиллик) ва уликсеварлик (некрофиллик) хакидаги мулохазаларга каратди. Унинг «Севиш санъати» (1856), «Иняот калби. Унинг эзгулик ва ёвузлик кобилияти» (1964) каби асарларида ахлокий муаммоларга кенг урин берилган. Унинг фикрича, ёвузлик инсоний ходиса. У инсонийлик холатидан ортга кайтиш, инсонга хос, акл, мухаббат, эрк хусуматларини йул килишга булган интилиш. Айни пайтда, у фожеий холатдир. Инсон эзгулик ва ёвузликка мойил.

Фромм уз устозига нисбатан кенгрок микёсида харакат килади. Инсон табиати на факат биологик балки тарихийлик билан шартланган, дейди. Эрих Фромм мухаббат муаммосига тухаталиб, бу хар бири узлигини сакланган холатда икки кишининг бирлашуви. Мухаббат – бу харакат, ором эмас, фаоллик, кузатиш эмас. Севиш - олиш эмас, бериш. Севгида инсон узи учун энг бебахо булган хаётнинг бир кисмини – хиссиётни, билими, кечирмаларини багишлайди, бу нафис бир лаззатдир. У мухаббатни гамхурлик, масъулият, хурмат ва илм унсурларидан деб билади, хамда масъулиятни хурмат билан боглайди. Хурмат, бу – куркув ёки кул ковуштириш эмас, у инсонни кандай булса, шундай кабул этишини талаб этади.

ХХ асрда ахлокийлик тафаккурида чукур из колдирган фалсафий-ахлокий йуналишлардан яна бири экзистенциячиликдир. У инсонни, энг аввало, уз хаётини инсонийлик вазифасини бажариш учун курбон килган мавжудот сифатида олиб карайди.

Экзистенциализм лотинча «экзистенция» ёки инглизча «экзистенс» сузидан олинган булиб, «мавжудлик», «мавжуд булмок» деган маънони англатади. Унинг Ватанни дастлаб Россия булган (Бердяев, Шестов). Бирок 1 – жахон урушидан кейин Германияда кенг таркалган ва ривожланган.

«Экзистенция» деганда экзистенциалист файласуфлар кишининг хар лахзада хаёт ва улим бусагасида кечадиган ички кечинмалари ёки «борликда мавжудлик» жараёнини тушунишади. «Борлик» экзистенциалистлар фикрича, на «обьектга», на «субьектга» булинувчи, бевосита идрок этувчи нарсадир. Г Экзистенция килувчи мутафаккир вокеликка субъектив тарзда карашли, яъни вокелик факат унинг индивудиал мавжудлиги ва эмоционал (эхтиросий) хаёти оркали кандай акс этса, унга шундайлигича караш керак, деб тан олади.

Хозирги ривожланган мамлакаталарда таркалган фалсафий таълимотлардан бири экзистенциализм (лотинча «экзистенция» ёки инглизча «экзистика» сузидан олинган булиб, «мавжудлик», «мавжуд булмок» деган маънони англатади), дастлаб Россияда (Бердяев, Шестов), Германияда (Хайдеггер, Ясперс ва бошкалар), Францияда (Р. Марсель, А. Комю ва бошкалар), кейинчалик Америка, Италия, Япония, Хиндистонда таркалди. Экзистенционализм инсонни жамиятда тутган урни ва ролини инкор килишга, йукка чикаришга харакат килади. Уларга инсон нотавонлик махлук, унга куркув, улим, умидсизлик хамма вакт рахнамо. Ясперснинг таъкидлашича, яшашни ва улимни урганиш – инсон бир нарсадир. Умидсизлик ва улим экзистенциализм фалсафасининг асосий категориялардир.

Борлик деганда экзистенциалистлар субьектнинг уз мавжудлигини хис этишни тушунадилар.

Экзистенциалистлар фикрича, киши узининг мавжудлигини чукур маънавй зиддият, рухий тушкунлик холатидагина англай олади. «Улим» мавжудликнинг сунгги нуктаси, деб эълон килинади.

Олмон файласуфи Мартин Хайдеггер (1889-1976) экзистенциячиликнинг асосчисидир. Экзистенциачилик Хайдеггердан сунг, икки йуналишда - диний ва дахрийлик йуналишларида давом этди. Диний экзистенциализмнинг энг йирик вакилларидан бири, олмон файласуфи Карл Ясперсдир (1883-1936). У уз асарларида, хусусан, «Замоннинг маънавий холати» (1932), «Фалсафий эътикод» (1948) деган китобларда инсон мавжудлигининг XX асрда кандай тушуниш масаласига тухталади ва бу мавжудликнинг ахлокий жихатларини тахлил этади.

Карл Ясперс карашларида анъанавий маънавий меросни эгаллаш инсон ахлокий даражасини белгиловчи омил сифатида номоён булади.

Жон Поль Сартр (1905-1980) Франциянинг экзистенциачилик ахлокшунослигининг энг кузга куринган номоёндаларидан биридир. У экзистенциачиликнинг дахрийлик йуналишига мансуб файласуфдир. Унингча, инсон узининг борлиги учун масъулдир. Хар кандай инсоннинг хукмига унинг борлигини хавола килади ва мавжудлиги учун тулик масъулиятни унинг узига юклайди. Сартр хар бир инсон ахлокини унинг

хатти-харакати ташкил килади, деб таъкидлайди. «Экзистенциачилик, бу – инсоннинг харакатга булган хохишини улдиришга булган интилиш эмас зеро у инсонга бор умид факат унинг харакатида эканини ва факат ягона харакатигина инсоннинг яшаши учун имкон беришини айтади. Демак, бу борада биз харакат ва журъат алока билан иш курамиз». Жон – Поль – Сатр 1946 йилдаги бир маърузасида экзистенциализм – бу гуманизм деб эълон килди. Унинг бу чикиши тушкунликни таргиб этувчи экзистенциалистларни карашларида зид эди. «Пошша» номли пьесасида у гуманизм рухида булган ижтимоий масъулият хакида бадиий образ яратди. Жон – Поль – Сартр хаётининг кейинги даврларида тинчлик учун кураш, уруш хавфини йукотиш, халклар урасида яхши муносабатлар урнатиш учун курашди, гуманизм тарафдори булиб фаолият курсатди.

XX аср ахлокшунослигида рухий тахлил, экзистенциячилик йуналишларидан ташкари, гайризуравонлик, тасаввуф ахлокшунослиги йуналишлари хам вужудга келди.

XX асрда юзага келган ва амалиётда муваффакиятга эришган ёвузликка карши зуравонлик курсатмасидан курашиш-гайризуравонлик ахлокшунослигини келтириб чикарди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаган хамда хозирги пайтда муваффакиятли давом этаётган ёвузликка карши зуравонлик курсатмасига ана – шу сабр-бардош, чидам оркали буйсунишини эмас, балки курашишни таказо этади.

XIX аср мутафаккири, америкалик файласуф-ахлокшунос Хенри Дэвид Торо (1817-1862) гайризуравонлик йуналишининг асосчиларидан биридир. У мехнаткаш халкнинг манфаати йулида фаолият курсатди,тинчлик йули, консиз инкилобни амалга ошириш йули билан халкини талаб-эхтиёжларини кондириш мумкин, деб айтади.

Торо гояларини буюк хинд мутафаккири ва жамоат арбоби Карамчанд Ганди (1869-1948); америкалик рухоний, файласуф ва жамоат арбоби Мартен Мотер Кинг (1929-1968) ва бошкалар давом эттиришди ва юкори погонага кутардилар. Ганди Хиросима ва Нагасакига атом бомбаси ташланганида атом бомбасининг бошка бомба билан йукотиб булмагани каби зуравонликни зуравонлик килиб йукотиш мумкин эса деган фикрни билдириб шундай дейди: «Инсоният зуравонликдан факат гайризурвонлик йули оркали кутулиши мумкин. Газабни факат мехр билан енгса булади. Газабга газаб билан жавоб бериши газабнинг ёйилишига ва кучайишига хизмат килади».

Мартин Мотер Кинг хам шундай гояни илгари сурган эди. Конли урушлар, инкилоблар, террор, куролли кузголон сингари ходисалар муайян миллат ва мамлакат эришган ютукларни йукка чикаради, вайронгарчилик, маънавий кадриятларнинг оёкости булиши сингари улкан фожеалага олиб келади.

XX асрда вужудга келган йуналишлардан яна бири «Хаётга эхтиром» номи билан айтилади. Уни олмон файласуфи, шифокори Альберт Швайцер (1875-1965) «Маданият ва ахлок» деб номланган китобида хаёт табиатдан яратган энг олий неъмат сифатида талкин этилади. Швайцер олга сурган хаётга эхтиром ахлокий таълимотни инсонларни шафкатли, мурувват зот

булиб умр кечиришга чорлайди. Бугунда замонавий инсонда экологик маданиятнинг вужудга келишида, этосферани яратилишида мухим ахамиятга эгадир.

Буюк турк алломаси Мухаммад Зохид Кутку (1897-1980) ва унинг шогирди, продюссор Махмуд Асъад Жушоннинг (1938-2001) карашларида тасаввуфий йуналишлар унинг мазмуни ва мохиятини тушунтиришда М. З. Кутку беш жилдлик «Тасаввуфий ахлок» деб номланган асарида ахлокий масалаларни илгари сурди. Жушон эса уз асарларида нафс ва уни енгиш муаамоларни илгари сурди.

Уларнинг асарларида, инсон хаёти олий кадрият экани таъкидлангани холда, узганинг хаётини узингникидан олийрок кадрият деб караш гояси илгари сурилади.

**ХУЛОСА.** Тасаффуф хам ижтимоий камровга эга булган ходиса булиб, ижтимоий тараккиётда маълум таъсир килади, унинг урни бенихоя каттадир.

Янги давр ахлокшунослигида мавжуд булган таълимотлар ва йуналишлар, унда кушилган муаммолар, уларнинг мазмуни ва мохиятини очиб бериш оркали уша давр тарихидаги вокеа ва ходисаларга муносабат билдирилиди ва улардан танкидий, ижобий фойдаланиш тавсия этилади. Чунки янги давр ахлокшунослиги фалсафа тарихида мухим рол уйнайди.

### 3 - мавзу буйича бериладиган назорат саволлари:

1. **Янги давр ахлокшунослигининг узига хос хусусиятларини тушунтиринг.**
1. **Бенедент Спинозанинг ахлокшуносликка доир фиркларини айтинг.**
2. **Джон Локкнинг ахлокшуносликка оид карашларини тушунтиринг.**
3. **Сексуализм ва роциализм хакида нималар биласиз?**
4. **Кант ва Хегельнинг ахлокшунослигига нималар асос килиб олинган?**
5. **Фейербах ахлокий таълимотининг узига хослиги нимада?**
6. **Шопенхаэурнинг норационал ахлокий карашлари асосида нималар ётади?**
7. **Нитцще ахлокий таълимотларининг бахсли томонлари нималарда куринади?**
8. **Рус мумтоз ахлокшунослиги асосий гоялари кай тарзда акс этган?**
9. **Рухий тахлил ахлокшунослигига киритилган янгиликлар нималарда уз аксини топган?**
10. **Нима учун экзистенциячилик таълимоти харакат ва журъат ахлокшунослиги деб аталади?**
11. **XX асрда яна кандай ахлокий йуналишлар ва таълимотлар мавжуд?**

### 3 - мавзуда учрайдиган айрим сузларнинг изохли лугати

1. **Сексуализм – (лат. sensus – сезги, хис) билиш назариясида бир йуналиш булиб, у сезиларли билимларнинг бирдан-бир манбаи карайди.**
2. **Рационализм (лат. ratio – акл, фаросат) – аклга, фаросатга асосланган фикрлаш маъносини англатади.**
3. **Детерминизм – (лат.determinare-белгимок) – барча ходисаларнинг умумий, конуниятли алокадорлиги, сабабли узаро богликлиги хакидаги таълимот.**
4. **Индетерминизм – (лат - инкор) – ходисалар уртасида бирок бир алока борлигини инкор этади. Уларга оламда хеч кандай тартиб йук ва унда (бошбошдоклик) хукм суради. Бунда инсон уз хохишига харакат килади, унинг харакатлари асло хеч бир сабабга боглик эмас, деган мантикий хулоса чикаради.**
5. **Монизм – (юнонча monos – бир, ягона) фалсафий принцип булиб, бу принципга кура бутун мавжудот уз негизи билан ягондир, бир манбага эгадир.**
6. **Феномен – (юнонча булиб – юз берувчи) - тажрибамизда хосил килинган, хис-туйгу ёрдами билан пайкаладиган ходисани билдирувчи тушунча.**
7. **Экзистенциализм – (лат – яшаш, мавжуд булиш) – диний ва дахрий йуналишда фаолият курсатади. Хаёт – фалсафаси хакида гап юритилади.**

## 4-мавзу: Туркистон маърифатчи жадидларининг ахлокий карашлари (2 соат).

**Режа:**

**Кириш.**

1. **Туркистон жадидчилик харакатининг вужудга келиши ва унинг миллий – озодлик мафкурасиги айланиши.**
2. **Ахмад Дониш, Фуркат, Мукумий ва бошка дастлабки маърифатчиларнинг асарларида кутарилган муаммолар.**
3. **Махмудхужа Бехбудий ва Мунавваркори Абдурашидхонов ва бошкалар Туркистон жадидчиларининг асосчиларидир.**
4. **Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлок» асарида ва Фитратнинг «Оила» асарларида илгари сурилган фалсафий-ахлокий гояларнинг миллий гоя ва мустакиллик мафкураси билан уйгунлашиб кетганлиги.**
5. **Жадид матбуотининг миллий – ахлокий тарбия борасидаги хазматлари.**

**Адабиётлар:**

**12, 13, 19, 21, 26, 29**

**Таянч иборалар**

Миллат, Ватан, ватанпарварлик, тараккиёт, адолат, тарбия, оила, диёнат, шараф, хаё, виждон, майл, ихтиёр, ирода.

4.1. Туркистон халкининг бой ижтимоий – фалсафий, диний-ахлокий, маданий тараккиётида XIX асрнинг биринчи чорагидаги давр узининг нихоятда сермазмун ва инкилобий суронлилиги, гоявий-назарий ва мафкуравий харакат шаклларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу холат ижтимоий тараккиётнинг узига хос йуналиши эди. Туркистон XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия томонидан босиб олинди ва мустамлакага айлантирилди. Бу мустамлакачилик мохиятини Туркисто улкаси генерал губернаторларидан бири А.Н.Куропаткиннинг уз кундаликларидаги кайдлари, биз Туркистон хакларини ярим аср мобайнида жахон маданияти ва цивилизациясидан четда тутиб турдик, кабилидаги сузлар яккол англатади. Айни чогда Туркистон хаклари Чор Россиясининг мустамлака зулмидан кутулиш, миллий давлатчиликни куриш, уз миллий иктисодий, сиёсий ва маданий тараккиётига йул очишга катъий киришгандилар. Бу жараёнларниг етакчи кучи-миллий савдо-саноат буржуазияси хисобланиб, у жуда катта кийинчиликлар билан булсада, халкимизнинг туб иктисодий-сиёсий ва маънавий – ахлокий манфаатларини химоя киладиган назарий асос - жадидлар маърифатчилигини шакллантириб, уни хар томонлама куллаб-кувватламокда эди. Шу ижобий таъсир аста-секинлик билан маълум Туркистонда янги Уйгониш даврини бошлаб берди. Махаллий заёлилиар орасида уз халкини озод куришга ва жахоннинг бошка миллатлари билан тенглаша оладиган даражага олиб чикишга интилиш натижасида бу Уйгониш

Оврупа маърифатчилигига нисбатан жуда шиддаткор хамда микёсли булди. Шунингдек, Урта асрлар уртага ташлаган маърифатпарварлик гоялари учун хам эндиликда амалий шаклларда янгича маърифатпарварилк тарзида номоён булиш имконияти яратилди. Илгор гояларни янгиланган шаклларда амалга ошира оладиган фаолиятни зиёлилар вужудга келган эди. Булар кейинчалик жадидлар деб атала бошланди.

Жадид – (арабча-янги), янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тарраккиёт усуллари, йуллари, тарафдорларининг умумий номи хисобланади.

Жадидчилик XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида туркий-мусулмон улкаларида (Крим, Кавказ, Волгу буйи – Булгор ва Жанубий Урал хавзаси, Туркистон) шаклланиб келаётган миллий буржуазия мухитидаги вужудга келган. У уша даврдан Туркистондаги миллий мафкура вазифасини бажарди.

Жадидчиликнинг асосий гоя ва максадлари: Туркистоннинг урта асрчилик, феодал колоклик, Хурофотлардан озод килиш, «Усули кадим» ни инкор этган холда улкани, халкни, миллатни замонавий мутараккий йулга олиб чикиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият куриш, туркий тилларга давлат тили макомини бериш, миллий пул берлиги, миллий кушин тузиш Рус тараккийпарварлари, маърифатчиларининг Туркистон улкасида маърифатпарварлик гояларини таркатиш учун имкониятлар яратила бошла ди. Демак, Туркистонда жадидчилик харакатининг вужудга келиши аста-секин булсада миллий озодлик мафкурасиги асосланиб борди. Бу жараён улкадаги махаллий халкнинг онгига уз таъсирини утказа бошлади. Натижада улар Туркистонда мустакиллик, миллий тараккиёт учун, халкнинг манфаатлари учун кураш олиб боришга миллий – озодлик харакати учун замин тайёрлашга муваффак булдилар. Ерли халклар орасида мустамлакачиликка карши маърифатчилик гоялари таркала бошлади, янги таълим-тарбия шахобчалари, янги мактаб, маориф, маданий таргибот, жадидчилик харакати ривож топди. Мана шундай шароитда Туркистонда куплаб маърифатчилар етишиб чикди.

4.2. Туркистонда маърифатпарварлик харакати уч соха оркали фаолият курсатди. Булар – маориф (янгича мактаблар очиш, таълим усулини янгилаш), санъат (бадиий адабиёт, театр) ва матбуот.

Асосий максад миллатни, бир томонлама, илм-маърифатли килиш булса, иккинчи томондан унинг ахлокий даражасин юксалтириш ва ана шу икки жихатнинг уйгунлашуви натижасида, узлигини, уз кадрини англаган билимли шахсни вояга етказиш эди. Туркистон маърифатчилари томонидан ана шу максадни амалга ошириш йулида катта ишлар килинди.

Маърифат (арабча «арафа» - «билмок» сузидан – таълм тарбия, иктисодий, сиёсий, фалсафий, диний гоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг билимининг маданиятни устиришга каратилган фаолиятдир).

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Туркистон маданияти катор талантли олим, сайёх, шоир, педагог, журналистларни етиштириб чикарди,

улар халкимизнинг умуммаданий – ахлокий ривожланишига катта таъсир курсатди. Бу даврда , Ахмад Дониш, Бердак, Абай, Фуркат, Мукимий, Дилшод, Завкий, Аваз Утар, Анбар отин каби олим, шоирлар уз даврининг мухим масалаларини кутариб чикдилар ва халкни илм-фан, маърифатни эгаллашга ундадилар. Узбек ва тожик хакларининг мутафаккири Ахмад Дониш (1827-1897) узининг «Наводир ул вокок» асарида Бухоро амирининг давлат тизимини Россия давлат тизими билан солиштиради, уни ислох килиш кераклигини айтади. У адолатли подшо булиши керак, дейди. Хукмдор донишмандлик фазилатига эга булиши, давлатнинг мохиятини акл белгилаши керак, деган хулосага келади. Ахмад Дониш жохиллик, риёкорлик, порахурлик сингари иллатларни танкид килади. Бу иллатлар давлатни таназзулга олиб келади, деб таъкидлайди, дин пешволарининг нотугри йулга кириб кетганини, шайхларнинг ёлгончилигини, уламоларнинг порахурлигини фош килади.

Ахмад Донишнинг ижтимоий-сиёсий карашлари уз даври учун мухим ахамиятга эга эди.

Дониш мавжуд иктисодий-сиёсий тузимнинг тараккиётига гов булиб колганлигини курсатди ва бу гояларни олиб ташлаш йулларини кидиради. Коракалпок халкининг буюк мумтоз шоирларидан бири Бердак (1827-1900) уз шеърларида ахлокий мухитни шакллантириш хакида, дин пешволарининг хатти-харакатида учрайдиган салбий холатларни, товламачилик, очкузлик, текинхурлик каби иллатларни каттик танкид остига олади.

Бердак узининг ахлокий карашларида Шаркнинг энг яхши анъаналарини давом эттирди. «Изладим», «Халк учун», «Яхширок», «Менга керак» каби шеърларида кишиларнинг халол мехнатини улуглайди. Унингча, хар бир одамнинг асосий бурчи халкка ва унинг фаровонлиги йулида хизмат килишдир. Бердакнинг ахлокий карашларида асосий эътиборларни кишиларни хурмат килиш айникса карилар, заиф ва ногиронлар, камбагал, бева ва бечораларни иззат нафсига тегмаслик, уларга имкони борича ёрдам курсатишдир. Бердак одамларнинг ахлок-одобига караб, уларни яхши ёмонга булади. Яхши одам деганда, у бутун инсоний фазилатларни узида туплаган доно, аклли, билимдон, узгаларага ёрдам берувчи, феъл-атвори гузал кишиларни куз олдига келтиради. Ёмон одам эса, Бердакнинг назарида, халкнинг офатидир, у халкни хам, ога-инини хам кадрига етмайди. Демак, Бердакнинг ахлокий карашларининг марказида инсонийлик туради. Шоирнинг юксак инсонпарварлик рухи билан сугорилган адабий ижтимоий-сиёсий ва фалсафий гоялари хозирги мустакиллик шароитида хам уз тарбиявий ахамиятини саклаб келмокда.

Абай – Иброхим Кунонбоев (1845-1904) уз даврининг буюк мутафаккири, маърифатпарвар шоири эди. Абайдан 300 га якин шеърий асар «Искандар», «Масъуд», «Азим хикояси», «Вадоил» каби достонлари етиб келган. Унинг асарларидан халкни илм-маърифатга, инсонийликка, халоликка, севги-садокатга, мухаббатга даъват килиш гоялари асосий урин эгаллаган. Унинг шеъриятида мухабатсиз, дустликсиз хаёт булмайди, деган гоя илгари сурилган.

Абай козок адабиёти ва козок тилига асос солди. У халкни дустлик ва биродарликка, хамжихатликка чакирди. Тинчлик ва осойишталикни, мехр-мухаббатни улуглади. Шоир орзулари бизнинг кунларимизда руёбга чикди.

Буюк узбек мумтоз шоирлари Фуркат (1858-1909), Мукимий (1859-1903), Дилшоди Барно (1800-1906) асарлардаги ахлокий муаммолар тараккийпарвар гоялар билан чамбарчас богланиб кетади. Фуркат «Илм хосияти», «Гимназия», «Таржимаи хол» каби асарларида, маърифатли булиши керак, бу юксак ахлок эгасига хос фазилат эканлигини таъкидлайди. Лекин нодонлик охир-окибатда турли хулкий нотавонликка олиб келишини тушунтиради.

Машхур «Сайдин куявер, сайёд» мусаддосида Фуркат чор боскинчилари мустамлакасига айланган улкадаги хукмрон зуравонликка карши Инсон шарафи ва гururини улуглайди. Бутун мусаддас мисралари заминида инсонпарвар ва эрксевар шоирнинг зулм утказувчиларга карши катъий норозилик овозлари жаранглаб туради.

Фуркатнинг мазмунан хаётий ва абадий баркамол лирикаси, маърифатпарварлик йуналишидаги етук асарлари билан, жозибали насри ва жанговар публицистикаси билан XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги миллий адабиётимиз ритвожига улкан хисса кушди.

Мукимий уз даврининг етук мутафаккири, буюк маърифатчи шоири эди. Мукимий эзилган мехнаткаш омма, бечора косибу хунармандлар ва хонавайрон кишлок дехконларининг оташин куйчиси булиб майдонга чикди. Мустамлака тузумидаги адолатсизлик ва зуравонликни, жорий тартиб-коидаларни халкона услубда аёвсиз тартибда танкид килди.

Туркистон маърифатпарварлик харакатининг йиик номоёндаларидан бири Зокиржон Холмухаммад угли Фуркат (1859-1909), «Имл хосияти», «Акт мажлиси хусусида», «Шоир ахволи ва шеър муболагаси хусусида» ва бошка асарларида маърифатпарварлик гояларини илгари сурди. Фуркат узининг асарлари ва шеърларида зулмат урнига нурни, жахолатга карши маърифатни, бидъатга карши илм-фан, акл-идрок ва тафаккурни мадх этди. Одамларни эскилик боткогидан чикишида илм-фан ва техникадаги янгиликлардан доимо хабардор булишга, бунинг учун илмни севишга, хорижий тилларни билишга ундади. У жамиятдаги салбий иллатлар ва адолатсиликларни бартараф этишда, маърифат, илм-фан, таълим-тарбия мухим ахамиятга эга эканлигини чукур тушуниб етди.

Мазмунан хаётий ва бадиий баркамол лирикаси, маърифатпарварлик йуналишидаги етук асарлари билан, жозибали насри ва жанговар публицистикаси билан XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидаги миллий адабиётимиз ривожига Фуркат улкан хисса кушди. Туркистон маърифатпарварларининг яна бир йирик номоёндаси Дилшоднинг шогирди Анбар Отин (1870-1914) булиб, унинг ахлокий карашлари лирик фалсафий шеърларида ва «Каролар фалсафаси» (1898), рисоласида уз аксини топган. Анбар отин хам инсон ахлокий даражасини акл, илм-маърифат билан боглайди ва ижтимоий тараккиётга аклий хамда ахлокий юксаклик оркали эришиш мумкин, деган акидага амал килади.

Унинг асарларида ахлокизлик боткогига ботиб бораётган жамият танкид килинади. «Каролар фалсафаси» асарида ижтимоий адолат ва ижтимоий зулм тушунчалари тахлил килинади. Анбар отин шоира ва файласуф олим сифатида Туркистон халклари маънавиятининг юксалтиришга багишлади.

**ХУЛОСА.** XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Туркистонда яшаб ижод этган буюк алломалар, шоиру-ёзувчилар, умуман зиёлилар махаллий ахоли уртасида зиё таркатишда, маънавий – маърифий ишларни амалга оширишда улкан хисса кушдилар.

4.3. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Туркистон халклари сафидан гоявий-сиёсий жихатдан етук ва баркамол, замонавий асосда бемаоло фикр – мулохаза юрита оладиган, келажакни олдиндан кура оладиган, эл-юрт кайгуси билан куйиб – ёниб яшайдиган, миллий истиклол учун курашга хамиша шай турган мутафаккирлардан бири Махмудхужа Бехбудий (1875-1919) булиб, уз даврининг буюк донишмандидир. Унинг Туркистонда янги усулдаги мактабларни ташкил этишдаги ва жадидчилик гояларини матбуот оркали таргиб килишдаги хизматлари гоят каттадир. Бехбудий 1903-1904 йилларда узбек ва тожик тилларда «Кискача умумий география» асарини, янги усулдаги мактаблар учун дарслик ва укув кулланмалар ёзди, нашриётдан чикарди, 1913 йилнинг апрелида «Самарканд» газетасини, уша йилнинг август ойидан бошлаб «Ойна» газетасини чикарди, харита тузган, уз уйида кутубхона очган, тарихга, ислом хукукига оид асарлар, китоблар ёзган. Хотин-кизларни илм олиш хукукини химоя килган. У Туркистонни чор мустамлакачилиги зулмидан куткариш гоясини уз асарларида илгари сурди. Халкни миллий истиклол учун курашга чорлади. Туркистоннинг келажаги хакида уйлар экан, халкни жахолат ва нодонлик, эрксизлик ва кашшоклик боткогидан куткариб олишни бирдан – бир йули – илм – маърифатли булишдир, деган хулосага келган эди. Унинг фикрича, маърифат учун биргина мактаб кифоя килмайди. Замон ва дунё вокеалари билан танишиб бормок керак. Миллат ва Ватаннинг ахволида, кундалик хаётидан огох булмок лозим.

Миллат учун ойна керак, токи ундан уз кабохатини хам, малохатини хам кура олсин, дейди. Бехбудий миллат узини англагандигина ижтимоий-сиёсий масалаларни бошкалар билан тенг мухокама эта олади, деган фикрда булди.

Унинг фикрича, Туркистон худудида яшайдиган хар бир инсон укиши, урганиши, билимли-маърифатли булиш фарздир, деб курсатади.

У узининг «Падаркуш» асарида чор мустамлакачилик сиёсати туфайли махаллий ахоли ва айникса, ёшлар уртасида ичкибозлик, маиший бузукчилик, киморбозлик, угрилик, порахурлик, товламачилик, безорилик сингари мутлако зарарли расм ва одатлар таркала бошлаганлигини, натижада, одамлар уртасида мехр-окибат суна бошлаб, ака билан ука, ота билан бола бир-бирига ёв-душман була бошлаганини, падаркушлар купайиб бораётганлигини, кахр-газаб ва нафрат билан тасвирлайди.

Бехбудий куплаб публицистик макоаллар ёзди, матбуотда хизмат килди, нашр ишлари билан машгул булди. Унинг маколалари, фалсафий – ахлокий карашларида миллат ва Ватан такдири, мустакиллик гояси, ахлок ва таълим-тарбия ва бошка масалалар урин олган. Бехбудий юрт озодлиги ва мустакиллиги учун курашган алломалардан булиб, Туркистонда жадидчилик харакатининг бошида турган, унинг таълимотчиларидан бири эди.

Жадидчилик харакатининг йирик вакилларидан бири Мунавваркори Абдурашидхонов (1878-1931) дир. «Мунаввар» - нур олган, нурли деган маънони, «кори» деб Куръонни маромига етказиб укийдиганни айтганлар. У Тошкентда 1901 йилда, «усули жадид» мактабини очган. Бу мактаб учун «Адиби аввал», «Адаби соний» каби алифбо ва христоматиялар, «Тавжид ал-Куръон» (Куръон кираоти), Ер юзи (География) сингари кулланмаларни тузиб, нашр этди.

Узбек матбуотини майдонга келишида Мунавваркорининг хизматлари катта булди. 1906 йилда «Тараккиёт», «Садойи Туркистон» (1914-15), 1917 йилда «Нажот» газетасини чикарди.

Умуман, узбек матбуотининг майдонга келишини хам, тарихий тараккиётини хам Мунавваркорисиз, унинг юзлаб эхтиросли маколаларисиз тасавур килиб булмайди. У XX аср бошидаги ижтимоий – сиёсий харакатининг, миллий озодлик кутарилишининг энг эътиборли номоёндаларидандир.

Мунавваркори махаллий миллат фарзандларининг онги, тафаккурини юксакликка кутариш, уларга зиё таркатиш, чет давлатларга юбориб уларни укитиш, шулар асосида мустакиллик мафкурасини шакллантиришни вазифа килиб куйди. Мунавваркори XIX асрнинг 90 йиллари охиридан умрининг сунгигача Миллат ва Ватан равнаки, озодлиги йулида кураш олиб борди. Унинг бутун ижтимоий, фалсафий-ахлокий карашлари мана шу икки масала атрофида кечди.

**ХУЛОСА**. Махмудхужа Бехбудий, Мунавваркори Абдурашидхонов ва бошка жадидчиларнинг ижтимоий, фалсафий – ахлокий карашларида Миллат ва Ватан такдири, мустакиллик гояси, ахлок ва таълим-тарбия ва бошка масалалар катта урин олган. Улар туркий хакларнинг келажаги, миллий истиклол Ватанни озод ва обод булиши учун жонини фидо килган буюк сиймолардир. Уларнинг муборак номи, миллий истикболимиз йулида килган бебахо хизматлари халкимиз калбида абадий сакланади.

Президентимиз И. А. Каримов: «Махмудхужа Бехбудий, Мунавваркори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, халкни уз хукукларини танишга даъват этгалари учун биров маош тулаганми? Биров уларга ойлик берганми? Албатта , йук»! Улар ут билан уйнашаётганликлари учун аёвсиз жазоланганликларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йулдан борганлар. Чунки виждонлари, иймонлари шунга даъват этган», - деб таъкидлагана эди.

(Каранг. Ислом Каримов. «Тарихий хотирасиз келажак йук». Тошкент, «Шарк», 1998 й, 8 -бет).

4.4. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошидаги узбек миллий маданиятининг машхур вакилларидан бири таълимшунос, педагог ва ахлокшунос, маърифатпарвар шоир, драматург, журналист олим, давлат ва жамият арбоби Абдулла Авлоний (1878-1934) дир.

XX асрнинг бошларида Туркистон маданий хаётида юз берган энг мухим ижтимоий узгаришлардан бири мактаб-укув ишларида узгариш булди. Авлоний бу даврда жадидчилик харакатига кушилиб, Тошкентдаги жадидларнинг фаол иштирокчилардан бири булган. Абдулла Авлоний 1904 йилда Мирободга, сунгрок Дегрезда (1903-1914) худди шундай янги усулда, янгича мактаб очб, дарс берди ва дарсликлар ёзди. 1909 йилда мактаб – маориф ишларига ёрдам берувчи «Жамият хайрия» очиб, етим болаларни укитди. Унинг педагог фаолияти ва абадий - бадиий ижоди мухим ахамиятга эгадир.

Авлоний мактаби гуманистик ва эркин тарбия асосида курилган булиб, дунёвий ва илгор илм-фанни болаларга ургатишниуз олдига вазифа килиб куйди, ёшларни мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий хаётига аралаша олиш кобилиятига эга булишни таъминлайдиган хакикий халк мактаби булди…

А. Авлонийнинг 1913 йилда ёзган «Туркий Гулистон ёхуд ахлок» асари (дарслиги) XX аср бошларида ижтимоий-педагог фикр тараккиётида алохида урин эгаллайди. Унда тарбия ва ахлок масалалари биринчи маротаба XX асрнинг талаб ва эхтиёжлари нуктаи-назардан тахлил килинган. У инсон тарбиясини бош масала килиб куяди, миллий тарбияга эътиборни каратди. Тарбиянинг мазмунида Ватан тарбияси асосий уринни эгаллайди. У Ватан мухаббатини, унинг учун курашмокни энг яхши инсоний хулклардан деб хисоблайди. Ватан – бу хар кишининг тугилиб усган шахар ва мамлакати. Уни кадрламок, севмок, яратмок керак. Тилга, маданиятга мухаббат эса хар киши уз халкига булган мухаббатидир. «Хар бир миллатнинг дунёда борлигини курстадиган ойинаи хаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йукотмок миллатнинг рухини йукомокдир». Авлоний тарбияга катта эътибор беради ва уни учга булади: бадан тарбияси, фикр тарбияси ва ахлок тарбиясидир. Шулар орасида ахлок тарбиясига алохида ургу беради, уни «Инсонларга энг мухим, зиёда шараф, баланд даражага берувчи» деб бахолайди. Унинг тарбия хакидаги фикрлари уз кучини йукотмаган.

«Тарбия, деб таъкидлади А. Авлоний, - биз учун ё хаёт, ё мамот, ё нажот, ё халокат», ё саодат-ё фалокат масаласидир».

Фазилатларни у яхши хулклар, иллатларни эса – ёмон хулклар деб атайди. Фатонат, диёнат, шараф, хаё сингари мусулмон Шарки учун анъанавий булган фазилатлар шархи билан биргаликда Авлоний Виждон, Ватанни севмок сингари Туркистон минтакаси учун янги талкинда такдим этилган фазилатлар хакида алохида тухталади. Ватанни севмок, лозим булса, унинг йулида жонин фидо этмок, юксак ахлокий инсонга хос фазилатдир. Виждон эса Авлоний наздида, инсон ниятлари ва килмишларини акс эттирувчи энг мусаффо ахлокий кузгудир, «инсон акли ва фикрининг хакикий мезони». Авлоний миллат тараккиётига тусик булган иллатлардан бири сифатида жахолатдир, дейди. Жахолат инсониятнинг энг зур душмани

ва ёмон хулкларнинг бошлиги, деб таърифлайди. Авлоний газарб, шахват, хаад, казб, тама сингари иллатларга хам атрофлича тухталади.

**ХУЛОСА**. Абдулла Авлонийнинг ахлокий карашлардаги фикрлари бугунда хам уз кучини йукотган эмас. Унинг фалсафий-ахлокий гоялари бугунда миллий истиклол гояси билан уйгунлашиб кетган.

Туркистон маърифатчилари ва ахлокшунослигида Абдурауф Фитрат (1884-1938) нинг хизматлари бенихоя каттадир. Фитрат – Абдурауфнинг тахаллуси булиб, «тугма истеъдод» маъносини англатади.

Фитратнинг «Нажот йули» (Рахбари нажот) асари ва айникса, «Оила ёки оила бошкариш тартиблари» (1914) китоби алохида урин тутади.

Фитрат она-Туркистонни озод куришни истайди, бунинг учун хар бир туркистонлик оила, ахлок, аъмол ва эрк учоги булмоги лозим. У янги оилани ана шу тартибда куришга даъват этади. Фитрат хар жихатдан соглом булган оила куришни даъват этади. Хар жихатдан соглом булган оила етиштиришган фарзандларгина миллатни юксакка кутара олишини, уни истибдоддан куткаришини айтади: «Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг куроли соглом жисму тан, алк ва ахлокдир. Лекин ана шу курол-аслахамиз синиб, занг босиб чириб кетган. Шундай куроллар билан бу дунёда бизга на саодат, на рохат бор…», - деб таъкидлайди Фитрат. (Фитрат. Оила. Маънавият, 1998, 60-бет).

А.Фитратнинг «Оила» номли асари икки кисмдан иборат булиб, унинг биринчи кисмида оила куриш тартиблари, унинг ахлокий – маиший, гигиеник – саломатлик комусий сифатида фойдаланиб, оиланинг моддий томонлари, оила ташкил тапганлигидаг бошлаб бузилишигача булган холатларининг ахлокий асослари тушунтириб берилади.

Китобнинг иккинчи кисмида фарзанд тарбияси хакида фикр юртилади. Тарбиянинг уч йуналиши – жисмоний, аклий ва ахлокий тарбияга тухталиб, ана шу уч тарбия асосида инсон камол топади, деб таъкидлайди.

А. Фитрат ихтиёр эркинлиги муаммосини майл тушунчаси оркали уртага ташлайди, бахт майли, фаолият майли, ахлок майли, бошкаларга мехр-мухаббат майли хакида атрофлича тушунча бериб, инсонни жамият аъзоси сифатида, ижтимоий мавжудот сифатида олиб карайди. У иззат, нафс, ирода масаласига алохида эътиборни каратади. Унинг фикрича, ахлокийлик эрк ва эрксеварлик билан мустахкам богликлигини тушунтиради. Китобда миллий мустакиллик мафкураси хакидаги фикрлар китобнинг мазмунини ташкил этади. Фитратнинг «Оила» асари Туркистон миллий уйгонишида бенихоя катта рол уйнайди, дейиш мумкин. Хозирги кунда хам уз ахамиятини йукотмаган ажойиб ахлокий-маърифий рисола сифатида алохида эътиборга моликдир.

Хулоса. Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлок» асари, А. Фитратнинг «Оила» асарларида илгари сурилган фалсафий-ахлокий гоялар бугунда миллий истиклол мафкураси билан уйгунлашиб кетганлиги мухим ахамият касб этади.

4.5. Туркистонда яшайдиган ахолининг онгини уйготишда жадидчилар томонидан ишлаб чикилган матбуот мухим роль уйнайди. Шунинг учун ХХ

аср бошларида амалий ахлок муаммолари жадид матбуотида кенг урин олади. «Тараккий», «Садои Туркистон», «Улуг Туркистон», «Турон», «Хуршид» сингари газеталарда эълон килинган хажвий ва публицистик асарларда уша давр боёнларининг колоклиги, чор маъмуриятининг турачилиги, паранжининг янги замонга мос келмаётгани, талабаларга 5 сум иона (эхсон) килиш урнига, беш юзлаб сумни ресторанларда фохишахоналарга сочаётган ахлоксиз сармоялар каттик танкид остига олинади. Мхмудхужа Бехбудий, Мунаввар кори Абдурашидхонов, Хамза, Убайдулла Хужаев, Абдурауф Фитрат, Абдулла Кодирий, Абдулхамид Чулпон каби Уйгониш даврининг буюк номоёндалари уз бадиий асарларида ахлок муаммоларини дадил кутариб чикдилар ва матбуотларда фаол иштирок этдилар. Масалан, Абдулла Авлоний матбуотда эълон килинган поэтик асарлари, «Абадий ёхуд миллий шеърлар» (I, II, III, IV жузлар), «Мактаб гулистони» (1916), «Мардикорлар ашуласи» (1917) китоблари ва бошка асарларида илм-маърифатни таргибот килган, жахолат ва надонлик, эски тузумнинг ижтимоий-ахлокий асосларини коралаган, озод ва бахтиёр замон хакида фикр юритган. «Ойна» журнали маърифат ва маданият тараккиётида жуда катта хизмат килди. Унда миллат, унинг хак-хукуки, тарихи, тил-адабиёт масалалари, дунё ахволига доир кизикарли маколалар, бахслар берилиб борилган.

Жадид матбуоти озодликни, Ватанни жондан ортик севувчи, илгор, тушунган, хар томонлама камол топган эркин Туркистон фукаросининг тарбиялашни уз олдига вазифа килиб куйди.

Жадидлар ва унинг матбуоти уз олдига куйган вазифаларни бажариш борасида жуда куп каршиликларга дуч келди. Жуда куп тараккийпарвар кучлар катагон килинди, улар томонидан ташкил килинган мабтуот ёпилди. Туркистондаги жадидчилик харакати, унинг матбуоти киска муддат фаолият курсатган булса хам, мазлум халкларни маълум маънода уйгота олди. Жадидчилик харакати нафакат улкан маънавий-маърифий – ахлокий мерос колдирди, шу билан бирга у биз ва сиздан кейинги авлодлар учун ахлокий намуналар сифатида хизмат киладиган, идеалга айлантирилиш лозим булган шахсларни вояга етказди. Улар улкада миллий – озодлик харакатини уюштиришда уз умрини бахшда этишга багишладилар. Улардан бири собик Шахрисабз беги, кейинчалик чор армиясининг генерал-майори Журабек каланлар кори угли булса, иккинчиси Худоёрхоннинг угли, Журабекнинг куёви Фансуруллобекдир.

Генерал каерда булмасин, умрини Ватан, миллат озодлигига багишлади, жадидчилик харакатининг олдинги сафларида турди.

Фансуруллобек эса узбек жадидчиларининг биринчи газетаси булмш Мунаввар кори Абдурашидхоновнинг «Хуршид» газетасида етакчи ходим эди. У бошка нашрларга фаол катнашар эди.

У генерал Журабек каби, Фуркатнинг эхтиромига сазовор булган зиёли эди. Афсуски, мустамлакачилар улардан каттик уч олдилар. Фуркат алдов йули билан хорижга чакирилиб юборилиб, кайта Ватанга киритилмади, генерал Журабек Корасувдаги бог ховлисида сирли равишда улдирилди.

Фансуруллобек эса кейинрок, Сталин даврида ГПУ ер туласида жон таслим килди.

Бугунда ёшларимизнинг хар бири бундай фидойи, ватанпарвар, зёли сиймоларни яхши билишлари ва унутмасликлари керак.

Зеро, улар биз учун хакикий ахлокий намуналардир. «Маърифатпарварлик, - деб таъкидлайди Президент И. А. Каримов, - биз учун бугун хам уз ахамиятини йукотгани йук, йукотмайди хам. Акл-заковотли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга куйган максадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараккиёт карор топади». (Каранг. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йук. «Шарк», 1998, 7-бет).

Бугунда маърифатпарвар-жадидчиларнинг бебахо асарлари, илмий, назмий ва насрий мерослари ижтимоий-фалсафий ва ахлокий гоялари узбек халкининг маънавият ва маърифатини, миллий кадриятлар ва онгини юксалтириш йулида хизмат килиб, авлодлар калбида Ватанга мухаббат ва садокат туйгуларини тарбиялаб келмокда.

Мустакиллик туфайли маърифатчи-жадидларнинг номлари тикланаяпти, таваллуд топган кунлари тантанали нишонланаяпти, асарлари кайта-кайта чоп этилаяпти. Уларнинг дунёкарашларида баён этилган фалсафий-ахлокий фикрлари халкимизнинг маданий-маънавий, кадриятлар сифатида ханузгача сакланиб келмокда.

Маъруза буйича бериладиган назорат саволлари:

1. Туркистон маърифатчилигинг узига хос хусусиятлари нимада?
2. Ахмад Дониш, Мукимий, Фуркат каби маърифатчиларнинг асосий гоялари нималардан иборат?
3. Бердакнинг фалсафий-ахлокий карашларини тушунтиринг?
4. Абайнинг ахлокий карашларини тушунтиринг?
5. Анбар Отиннинг «Каролар фалсафаси» рисоласида кутарилган мухим ахлокий муаммолар кайсилар?
6. Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёки ахлок» рисоласининг ахлокий-тарбиявий мохияти нималарда куринади?
7. Фитратнинг «Оила» асари жадидчилик ахлокшунослигида кандай урин эгаллайди?
8. Махмудхужа Бехбудий ва Мунаввар Кори Абдурашидхоновлар Туркистон жадидчилигида кандай роль уйнайди?
9. Туркистон жадидлари ахлокшунослигида матбуотнинг ахамияти кандай булган?
10. Ватанимиз ахлокшунослигида жадидлар таълимоти кандай мавкени эгаллайди?

**5-мавзу: Ахлок ва унинг келиб чикишида ихтиёр эркинлигининг ахамияти. Ахлок тузилмаси. Ахлокнинг маънавият тизимидаги урни. (2 соат)**

**Режа:**

**КИРИШ.**

1. **Ахлокнинг келиб чикиши ва мохияти.**
2. **Ихтиёр эркинлиги ва ахлокий танлов  тушунчалари.**
3. **Ахлок тузилмаси.**
4. **Маънавият тушунчаси ва унинг турлича талкини.**
5. **Ахлокнинг бошка маънавий тузилмалар билан узаро алокалари ва бирлаштирувчилик хусусияти.**
6. **Хулоса.**

**Адабиётлар:**
**2, 3, 5, 6, 12, 15, 19, 20**

**Таянч иборалар:**

Ихтиёр эркинлиги, ахлокий танлов, масъулият, ахлокий тараккиёт, ахлок тузилмаси, ахлокий онг (англаш),  ахлокий хиссиёт, ахлокий муносабатлар, максад ва восита, маънавият, маънавият тизими, ахлок, дин, хукук, сиёсат, санъат, фан, мафкура.

5.1. Ахлок ижтимоий онг шаклларидан бири булиб, жамият тараккиётининг илк боскичида пайдо булган. Унинг пайдо булишида кишиларнинг мехнат фаолиятлари, иктисодий муносабатлари мухим роль уйнайди. Мехнат  туфайли инсоннинг аклий, ахлокий ва бошка фаолияти шакллана бошлайди.

Фалсафий – ахлокий факрлар вужудуга келгандан бошлаб хозирга кунга кадар хаёт юзага келтирган турли туман масалалар, кишиларни кизиктириб келаётган муаммолар доимо унинг диккат марказида туради. Шунинг учун ахлокнинг келиб чикишида хаёт тушунчаси мухим роль уйнайди. Хаёт энг аввало инсон ахлокининг манбаи ва хазинасидир.

Кадимги она сайёрамиздаги хаёт одатда уч оламдан иборат деб кабул килинган. Булар – набобат, хайвонот ва башарият олами, уларнинг узаро муносабатлари заминимиздаги хаётнинг асосий омили хисобланади. Бу уч олам узаро диалектик алокадорликда  булиб фаолият курсатади. Усимликлар дунёси хам пайдо булади, ривожланади, синган шохлари урнини сирач чикариб даволайди – мухофаза килади, уругини колдириб, бир кун курийди. Хайвонот олами хам шундай хусусиятлар билан биргаликда сезиш аъзолари ва кобилияти хамда муайян даражада идрок этиш хислатига эга. Инсонда эса булардан ташкари мухофаза килиш, фикрлар кобилияти ва уят хисси – акли бор. Уни Имом Газзолий олтинчи сезги ёки иккинчи юрак, юрак ичидаги юрак деб атайди. Ана шу акл ихтиёр эркинлигини, ихтиёр эркинилиги эса ахлокни таказо этади. Ахлок жамиятда кишиларнинг хатти-харакатларини,

хулк-атворларини тартибга солувчи эхтёжлар мавжуд булганлиги учун келиб чикди.

Ахлокнинг келиб чикишида ижтимоий мухит яъни ижтимоий хаёт, ижтимоий омиллар булиши зарур.

Инсоннинг онги, унинг барча аклий ва рухий кобилиятлари, униг жамиятдаги хаёти, фаолияти давомида таркиб топади ва маълум ижтимоий шарт-шароитлар билан таказо килинади. Одам боласи факат жамиятдагина ижтимоий мухит таъсирида ижтимоий онгли зот – инсонга айланади, шахс даражасига кутарилади.

Ижтимоий тараккиёт билан бирга ривожланиб борган онг инсонда тафаккур конунлари, ахлок, хукук нормалари, диний, илмий, эстетик ва этик карашларининг шаклланишига асос булади. Онг узининг пайдо булган пайтидан бошлаб инсоннинг хатти-харакатини, акл-идрокини, фикрини шакллантиради, кишининг муайян хаёт тарзини, маданият ва маънавиятнинг эгаси (субьекти) килиб етиштиради.

Демак, онг одамни хайвонот дунёсидан ажратган ижтимоий – тарихий ходисадир. Инсоннинг пайдо булиши бахсли муаммолардан бири хисобланади. Бу хакда бир-бирига карама-карши икки караш мавжуд. Бири – диний, иккинчиси – дахрийга карашдир. Диний караш буйича одамни Худо яратган. Дахрийча караш буни инкор этади, одамни табиат яратган, табиатнинг бир кисми деган гояни илгари суради. Улар орасида инглиз табиатшуноси Чарлз Дарвин (1809-1882) фикрлари алохида эътиборга молик. Дарвин табиат турларининг танлов йули билан келиб чикиши хакидаги эволюцион таълимотини яратди. У одам билан одамсимон маймунларнинг кариндошлигини исботлашга уринди, бирок у тугридан тугри одам маймундан таркалган жонзот, деган фикрни айтган эмас. Шунингдек, Дарвин дахрий булмаган, хамма катори насронийлик конун-коидаларига амал килиб яшаган. У Худони инкор этмаган. Дахрийлик асри булмиш XX асрда хам, инсоони Худо яратган деган фикр уз кучини йукотган эмас.

XX аср буюк олмон файласуфи Карл Ясперс, одамни бошка жонзотлардан келтириб чикаришини ножоизлигини курсатиб, инсон трансцендентал богликка эга, униг имкониятлари накадар чексиз эканин узи хам билмайди, деб улуглайди. Демак, ахлокнинг келиб чикиши ва унинг мохияти инсон номи билан боглик экан, у эркинликка, ихтиёр эркинлигига харакат килади. Ихтиёр эркинлиги инсонга берилган буюк неъматдир ва у чекланмаган.

Демак, ахлокнинг келиб чикиши, инсон фаолияти билан бевосита фаолият булиб, инсоннинг заруриятидан келиб чиккан ижтимоий тасодифиятдир. Инсонинг хатти-харакати, юриш-туриш нормалари, муносабатларини тартиб солиб турувчи омил ахлокдир.

5.2. Инсондаги ихтиёр эркинлиги зарурият талаби билан окилона, аклга буйсундирилган равишда чекланади яъни нисбийлашади. Инсоннинг ихтиёр эркинлиги маълум масъулият билан фаолият курсатишини талаб килади. Эркинлик тарихий тараккиётининг зарурий махсулидр. Эркинликнинг

мезони инсондир. Шунинг учун эркинлик энг асосий умумий инсоний кадриятдир. Инсон доимо эркинликка интилади. Эркинликка муайян иктисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий шарт-шароитлар, омиллар оркали эришилади. Бундан ихтиёр эркинлиги тушунчаси келиб чикади. Ихтиёр эркинлиги туфайли инсон хар кадамда ахлокий танлов муаммосига дуч келади. Бу муммо кишида масъулият хисси мавжудлигидан далолат беради. Масъулият шахс фаолиятида уз-узини бошкариши, тартибга солишдир. Шахснинг жамиятта тушган урнига караб масъулиятнинг кулами хам хилма хил булади. Жамиятнинг оддий аъзоси ота-она, фарзандлар, жамов олдида у ёки бу даражада масъулиятни сезади. Буюк шахслар, давлат арбоблари эса ватан, халк, тарих олдида, тарихий заруриятларни хал килишида масъулият куп булади. Шунга яраша уларнинг хар бир куйган кадами, фикри олдида жавобгарлик хисси, масъулияти юкори булади.

Инсоннинг хаёт фаолияти ихтиёр эркинлиги ва масъулияти асосида номоён булади ва хаётнинг турли хил куринишида уз ифодасини топади. Инсон доимо масъулият билан фаолият курсатади ва узининг эзгу ниятига етади. Ихтиёр эркинлиги туфайли инсон хар кадамда ахлокий танлов муаммолари дуч келади. Бу муаммо инсонда масъулият хисса мавжудлигидан далолат беради. Маъулиятни узгалар ва уз виждони олдида жавобгарлигини сезмаган киши хохлаган ишга кул уриши мумкин – уни уз килмишининг окибати кизиктирмайди. У факат манфаат устуворлигини тан олади, холос. Ундай одамни ахлоксиз деб атайдилар. Инсон ё эзгуликни, ё ёвузликни танлаши туфайли ниманидирр ихтиёр этади: ахлокий танлов – хар бир хатти – харакат, хар бир килмишининг ибтидо нуктасидир. Шахсда ахлокий танлов эркинлини номоён булади. У ирода эркинлиги, уз хатти-харакатларини иродасига мувофиклаш эркинлигидир. Эркинлик англашиб олинган зарурият экан, у ихтиёр эркинлиги ва ахлокий танлов асосида номоён булади. Танлов биологияда хам кулланилади. Масалан, табиий танлаш. Танлов эркинлигида ижтимоий индивид шахс жараёнининг субъекти сифатида юзага чикади. Ихтиёр эркинлиги билан табиий ахлокий танлов диалектик алокадорликдадир. Чунки ихтиёр эркинлигисиз табиат ахлокий танловни юзага келтириш мумкин эмас. Инсон томонидан кашф этилган ахлокий конун – коидалар, уни осонрок амалга оширишга хизмат килади. Илк ахлокий коидалар «Узингга раво курмаган нарсангни бошкага раво курма» мазмунида дунёга келади. «Пичокни аввал узингга ур, огримаса бировга ур», «Узингни эр билсанг, узгана шер бил» каби маколлархоиз хам уз кучини йукотган эмас.

«Авесто» китобида хам ахлокнинг конун – коидалари ишлаб чикилган. Унда инсонни инсон томонидан улдирилишигина эмас, балки ит, от каби хайвонларни жонсиз килиш, дарахт ва усимликларни бехуда пайхон этиш ман килинади. Инсон факат эзгу уй, эзгу суз, эзгу аъмол билан яшаши лозимлигини таъкидланади.

Библияда Кобилни улдирган Хобилдан Тангри хун олмайди ва уни улдирмасликни талаб этади. Буддха таълимоти жонлини жонсиз килишни энг катта гунох деб билади. Инжилда «Уз кавмдошинги сев», «Олам улдирма»

деган даъватлар асосий коидлар сифатида номоён булади. Куръони Каримда эса хун олишдан кура товон олмок маъкуллигини айтилади ва мусулмонлар узаро факат гузал муносабатлар килиш лозимлигини курсатилади. Демак, дастлабки ахлокий конун – киодалар мукаддас китобларда уз аксини топган булиб, зуравонликка зуравонлик билан жавоб бермаслик тамойили асосида яратилган. Инсон ахлокий хаётнинг асоси булган ана шу конун – коидалар хозир хам уз ахамиятини йукотгани йук. Одамлар уларни огир мажбурият деб бимасдан, дил-дилдан бажарадиган замоннинг тезрок келиши учун тинмай харакат килишлар ахлокий тараккиётдан далолатдир. Зеро, ана шу йулда олам комил инсон гоясини кишилар онги ва калбига сингдириш асосий муаммо булиб келган. Комиллик – мехр-мурувват, адолат, тугрилик, виждон, ор-номус, ирода, тадбиркорлик матонат каби куплаб асл инсоний иллат ва фазилатларнинг мужмуисидир. Комил инсон ва унинг гояси азал-азалдан халкимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий бир кисми булиб келган. Комил инсон – бу озод шахс, эркин фикр этувчи, бу халкнинг идеаллари учун курашувчи инсон, уз Ватанига халол мехнат иклувчи кишилардир.

«Комил инсон гояси, деб таъкидлайди И. А. Каримов, - хам миллий, хам умумбашарий мохиятга эга булган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни хамиша эзгуликка ундайдиган олийжаноб гоядир». (Каранг: Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Узбекистон», 2000 й, 56 - бет).

**ХУЛОСА.** Инсоният тарихида ахоликий тараккиёт булган ва у давом этиб келинмокда. Инсон доимо ахлокий конун-коидаларни хаётга тадбик этишга харакат килган, бир канча каршиликларга хам дуч келган. Инсоннинг асосий мохияти узини ва уз жамиятини тараккий эттириш билан белгиланади. Бу жараёнда ахлок мухим ахамият касб этади. Ахлокий танлов оркали инсон уз олдига куйган вазифаларни бажаради. Бугунда мустакил Узбекистон Республикаси олдига турган вазифани кенг камровли жараёнларни уз мазмунида камраб олган. И.А.Каримов: «Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлокий кадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор каратади. Бу жараён миллий истиклол гояси ва мафкурасига, усиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик рухида тарбиялашга асосланади», - деб таъкидлаган эди.

(Ислом Каримов. Миллий истиклол мафкураси – халк эътикоди в буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. Тошкент, «Узбекистон», 2000, 18-19 – бетлар).

5.3. Ахлокнинг узига хос тузилмаси,унга омиллари, унсурлари мавжуд. Ахлок тузилмаси уч омил – асосдан иборат булиб, булар: ахлокий онг, ахлокий хиссиёт ва ахлокий хатти-харакатлардир. Ана шу уч омилнинг тузилмадаги урни, мавкеи масаласида турли хил карашлар мавжуд. Баъзи ахлокшунослар ахлокий онгни, баъзилар ахлокий хиссиётнинг узини асосий унсур деб талкин этадилар.

Бу уч унсур бир-бири билан диалектик алокадорликдадир. Ахлокий хиссиёт булар ичида мухим роль уйнайди. Ахлокий хиссиёт ахлокий англаш

учун материал вазифасини бажаради. Баъзида бу жараён – хиссиётнинг узи англашини четлаб утади, муносабат тарзида номоён булади.

Инсоннинг ахлокий хаёти, унинг ахлокий тажрибалари, ахлокий фаолиятлари ана шу уч омил асосида руёбга чикади. Ахлокий кодекслар, меъёрлар ва тамойиллар ана шу уч омил асосида руёбга чикади ва уларда асосланади.

Баъзан бу уч омил уртасида номутаносиблик пайдо булади. Тил билан дил уртасида келишмовчиликлар келиб чикади. Иш билан суз бирлиги уртасида зиддиятлар пайдо булади.

Ахлок энг аввало, умуминсоний анъанавий ходиса булиб келган. Асосий ахлокий кадриятлар, муштарак ахлокий тушунчалар, ахлокий тамойил ва меъёрлар барча минтакалар хамда миллатлар учун бир хил маъно касб этади. Чунончи, мухаббат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, виждон, бурч, инсонпарварлик, одамийлик, бахт, тугрилик, ростгуйлик, сахийлик ва бахиллик сингари фазилат хамда иллатлар том маънода умуминсоний ходисадир.

«Узбек халки рухнинг тикланиши, - деб таъкидлади Президент И. Каримов, - миллат маънавий-ахлокий идеалларининг шаклланиши чукур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боглик булган ходисадир. Узбекистонда яшаётган халклар, узига хосликни йукотмаган холда, умумй рухиятга, халк-атвор фалсафасига эга булмокдалар. Бу эса мустакиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи булиб келган ягона маънавий рухий негизни вужудга келтиради». (Каранг. И. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Тошкент, «Узбекистон», 1997 й, 143-бет).

Ахлокда, умуминсонийлик жихатларидан ташкари, минтакавий, миллийлик хусусиялари хам мухим ахамият касб этади.

Минтакавийлик ва миллийлик хусусиятлари, унинг куринишлар хулкий хатти-харакатлар, одоб ва этикетда яккол кузга ташланади. Мусулмон минтакасида дастурхон устида бош кийимсиз утириш беодоблик хисобланган. Булардан ташкари гигиеник – озодалик нукта назаридан хам ахамияти бор: овкатланиш пайтида румолсиз ёки дупписиз эркак бошидан соч толаси, казгок,чанг-гард таомга ёки дастурхонга тушиши мумкин. Насроний минтакасида эса аксинча, дастурхон устида бош кийимни ечмаслик Худо инъом этган таом ва дастурхонга хурматсизлик хисобланади. Ёки амаерикалик йигит уз столида утириб, оёкларини кулдон ваичимлик ашёлари турга столчага чалиштириб ташлаб ором олади ва унинг учун бу табиий хол хисобланади. Узбек учун столга ёки хонтахтага оёк куйиб утириш – ута одобсизлик хисобланади. Гарб ва Шарк минтаклари одобида айрим фарклар мавжуд булиб, Гарбда хукукнинг ахлокдан, Шаркда ахлокнинг хукудан устуворлиги масаласи келиб чиккан. Гарб ёшлари балогатга етгач, ота-онага тенг хукукли фукаролар сифатида муносабат килади, узнинг карши фикрларини туппа- тугри, ота ё онасининг юзига тик караб баён килади ва бун инсон хукукларидан, шахс эркинлигидан фойдаланиш деб

билади. Шарк ёшлари, масалан, япон ёк узбек ота-онага тик гапиришни, тугридан тугри карши чикишни анъанавий ахлокий коидаларини оёк ости килиниши деб тушунади, падари ёки волидасига кузини ерга тик бокиб, мулойим, уз фикрини товуш кутармай айтишини, баъзан эса сукунат саклашни афзал билади. Уларга буйсунишни бурч сифатида олиб карайди. Шаркона этикет, одобий конун – коидаларда инсонийлик ва мехр-окибат туйгулари мустахкам илдизга эгадир.

5.4. Маънавият ижтимоий тараккиётнинг муайян даврида одамнинг онгли фаолияти билан бевосита боглик булган жараён булиб, зарурият асосида пайдо булган тасодифий ходисадир. Маънавият (арабча «маънавият» - маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, хукукий, илмий, бадиий, ахлокий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Маънавий мафкура, тафаккур тушунчалари якин ва улар билан бир-бирларини таказо этади. Маънавият сузи канчалик пурмаъно экани, унинг куп кирралиги тугрисида Президент Ислом Каримов шундай ёзади: «Ер оила, ота-она, болалар, кариндош уруглар, куни-кушнилар, халк, виждон, мустакил давлатимизга садокат, инсонларга хурмат, ишонч, хотира, эркинлик – маънавиятнинг ана шундай маъноси бор».

(Каранг. Каримов. И. А. Узбекистон, миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, «Узбекистон», 1-том, 72-бет).

Маънавият таркиби ранг-баранг ва жуда бой. Маънавият таркибига кирувчи онг, тафаккур, санъат, ахлок, адабиёт, дин, эътикод каби куплаб тушунчалар, фалсафа, рухшунослик, этика, санъатшунослик, эстетика, адабиётшунослик каби фанларда тахлил килинган. Маънавитя таркибидаги мухим бир катлам билимлардир. Маънавият билимлар негизида шаклланади. Илмнинг магзи билимдир. Бу хакда жуда куп фикрлар, маколлар мавжуд: «Илм сахрода дуст, хаёт йулларида йулдош, ёлгизлик дамларида – таянч, бахтиёр дакикаларда – рахбар, одамлар орасида зебу-зийнатдир». Демак, илмнинг магзи билимдир. Билим маънавият асосидир. У маънавиятни юксалтиришга хизмат килиши мумкин. Масалан, инсониятга катта офат келтирган фожеалар орасида хам билимли, фанларни яхши эгалланганлари талайгина эди. Улар уз билимларини инсонлар маънавиятини юксалтиришга эмас, балки ерга, урушга фойдаландилар.

Маънавиятнинг мухим таркибий кисмларидан бири ахлокдир. Ахлок том маънода инсон билимларини, акл-заковотини, куч-кудратини, бутун фаолиятини йуналтирувчи кучдир. Аслида ахлок факат хулкни эмас, тафаккурни, аклни ва фаолиятни тартибга солибгина колмай, муайян томонга, максадга йуналтириб туради. Ахлок маънавиятнинг узаги эканлигини Президент И. Каримов уз нутклари, рисолаларида бир неча бор таъкидлаб утди. Демак, ахлоксиз маънавият хакида гап булиши мумкин эмас. Маънавиятсиз жамият булмайди. Маънавиятсизлик хар кандай жамиятни таназзулга олиб боради. И. А. Каримов: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сунгра маънавитя тугрисида уйлаш керак, дейдиганлар хак булмасалар керак. Маънавият – инсоннинг, халкнинг жамитянинг,

давлатнинг куч- кудратидир». У йук жойда хеч качон бахт саодать булмайди» -, деб таъкидлади.

(Каранг. Кармов. А. А. Узбекстон: миллий истиклол, сиёсат, мафкура. Тошкент, «Узбекистон», 1996 й, 81-бет).

Демак, ахлок билан маънавият диалектик алокадорликдадир. Ахлоксиз маънавият хам, маърифат хам юзага келмайди. Маънавиятни мустахкамлаш учун мехнат ва маблагни аямаслик керак. Маънавият камровига кирадиган сохалар жуда куп ва хилма-хил булиб, уларнинг асосий, унсур сохалари куйидагилардир. Булар: эзгулик ва гузалликнинг том маънодаги тимсоли булмиш Яратганга эътикод.

Эътикод (араб – ишонмок, имон, амин булмок) – инсон фалияти учун маънавий асос, йул-йурик ва мулжал булиб хизмат килувчи, акл, хис ва ирода воситасида англанган билимлар, гоя ва тааввурлар иродали булган тушунчадир. Эътикод инсоннинг вояга етиш жараёнида шаклланади.

Мутлак эзгулик эгаси булмиш Яратган инсонни гузал мавжудот, узидан кейинги иккинчи гузаллик яратувчи зот килиб бунёд этди. Айни пайтд аодамзот Аллохнинг Ердаги халифаси сфиатида Тангри инъом этган атроф-мухитдаги гузалликни, гузал хулкни, гузал аъмолларни асраши, ардоклаши лозим! Аллохнинг гузал бандаси албатта гузал булиши ва гузалликни севиши шарт.

Гузаллик- нозик хиссиётларини, калбини юмшатувчи, майинлаштирувчи, инсонга хулклилик (мулойимлик) бахш этувчи, калбни фориглантирувчи нозик хиссиётларнинг асоси, эстетиканинг муштарак тушунчасидир. Гузалликка мухаббат хам маънавиятнинг асосий устунларидандир.

Эътикод – инсонни эзгуликка ва гузалликка мухаббатини ифодалайди.

Ижтимоий жихатдан олганда эътикод исноннинг фаолияига булган муносабатини ифодалайди. Билим ва гоялар инсоннинг хам акли, хам калби билан узлаштириб олингандагина эътикодга айланади. Дунёни англаш жихатидан эътикод онгнинг зарур элементи хамда инсон фаолиятининг мухим халоти хамдир.

Эътикоднинг энг мукаммал куриниши узини дин шаклида номоён этади. Динлар хар хил шаклда булсада, уларнинг мохияти мазмунида бир хил вазифа туради: инсон мутлак эзгулик ва мутлак гузаллик сохибига эътикод оркали комиликка эришади. Зеро, барча динларнинг максади комил инсонни тарбиялашдир.

**ХУЛОСА.** Хар бир инсон уз хаётиниг ана шу уч ассдан курсагина, маънавятли хисобланади. Ахлок эса маънавият тизимида салмокли уринни эгаллайди ва ундаги бошка сохалар билан мустахкам алокада фаолият курсатади. Президентимиз И. А. Каримов маънавиятининг инсон хаётидаги ахамиятини очиб бериб: «Маънавият инсонга хаводек, сувдек зарур. Сахродаги сайёх хар доим булокдан чанкогини босади. Худди шунингдек, инсон хам неча-неча азоблар ва кийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди», - деб таъкидлади.

(Каранг. Каримов. И. А. Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули. Тошкент, «Узбекистон», 1992, 71-бет).

5.5. Ахлок ижтимоий онг шакллари билан бевосита боглик ва алокадорликдадир. Ахлок дин билан алокадорликдадир. Дин инсон хаётининг ахлокийлигини таказо этади. Шу боис диний – шаърий тамоийиллар ва маъёрлар Хадиси Шарифдаги угитлар ахлок-одоб коидалари билан чамбарчас боглик. Чунончи, инсон энг олий кадрият сифатида катъий мухофаза этилади. Одам улдириш энг улкан ахлоксизлик хисобланади. Угрилик, бировнинг хакини ейиш, мунофиклик, алдаш, ёлгон гапириш ва бошка турли иллатлар хам диний – шаръий хам ахлокий нуктаи назардан ман этилади. Аксинча, инсоннини эъзозлаш, одамларнинг бир-бирига кумакдош булиши, тугрилик, ростгуйлик, халоллик, рахмдиллик, кавмдоши кандай юксак даражада булмасин, унга хушомад клишдан тийиниш, факат яратгангагина сигиниш сингари фазилатлар айни пайтда диний такво, хам ахлокий талаб томонидан маъкулланган хатти-харакатлардир.

Шу боис ахлокни диндан бутунлай мустакил тарзда ажратиб булмайди. Дин инсонни ахлокийлаштиришнинг воситасидир.

Ахлокий талаб хукукий конун-коидаларда уз аксини топади. Муайян жамиятда хукукий конун-коидалар уша минтака халки томонидан ишлаб чикилган ахлокий акидалар, тамойиллар, меъёрлар, шунингдек, нисбатан умумий хусусиятга эга булган урф-одатлар замирида вужудга келади. Ахлок билан хукук, гарчанд, бир илдизга эга булса-да, уларнинг жамият ахлокий хаётини бошкарув усули хар хилдир: ахлок асосан тушунтириш, панд-угитлар воситасида иш курса, хукук мажбурий усул, жазо чоралари оркали иш олиб боради.

Хукук ахлокка нисбатан анча аник ва анча муайян ички булинишларга эга. Чунончи, халкаро хукук, фукаро хукуки, жиноий хукук, мехнат хукуки ва хоказолар сингари нисбатан катъий чегараланган хукукий меъёрлар мавжуд.

Ахлок хукукка нисбатан анча кенг камровлидир. Чунончи, хукукий конунлар тузумга, муайян шахс ва ёш доирасидаги кишиларга татбик этилса, ахлокий коидалар, хикматлар, панд-угитлар, барча тузилмалар хамда тули ёшдаги кишиларга бирдек тааллукли булади. Хукукий меъёрлар аник манзилни таказо этса, ахлокий коидалар эса мавхумлиги ва умумийлиги билан ажралиб туради. Ахлокнинг сиёсат билан алокаси нихоятда кадимий, илк давлат юзага келган буёндан мавжуддир. Сиёсат давлат фаолиятида фойдаланади ва бу фаолиятнинг бош йуналишини ташкил килади. Сиёсий жамият учун курашда, муайян сиёсий тартибни ва унинг иктисодий негизларини химоя килишни асослаб бериш ва мустахкамлашда жуда мухим курол булиб хизмат килади.

Сиёсат – иктисодиётнинг жамлаштирилган ифодасидир, унинг умумлашуви ва охирига етишидир. Турли ижтимоий гурухлар, табакаларнинг иктисодий манфаатлари худди шу сиёсатда тула ва хар томонлама ифодаланади. Ахлокий нуктаи-назардан кишиларнинг сиёсий онгининг шакллантириш ва ривожлантириш талаб этилади: «Агар иктисодий

усиш, тараккиёт, - деди И. А. Каримов, - жамиятимизнинг танаси булса, маънавият – маърифат ва сиёсий онг етуклик унинг рухи, акли ва жонидир».

(Каранг. Каримов. И. А. Истиклол ва маънавият. Тошкенти, 1994, 59-бет).

Бугунги кунда буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун сиёсий етук, маърифатли, узининг  утмиши, улуг кадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиямиз жамият олдида турган долзарб вазифасидир. Бу жараён факат аклий онгнинг рахнамолигида  амалга оширилади, холос.

Ахлок билан санъатнинг узаро алокадорлигини эт билан тирнокнинг якинлигига ухшатиш мумкин. Хар бир санъат асарларда асосий зиддият сифатида эзгулик билан ёвузликнинг кураши инъикос этилади, инсонпарварлик, хакикатгуйлик, тугрилик, адолат, мухаббат, садокат сингари фазилатлар тараннум этилади, такдир, улим ва улмаслик, хаётнинг мазмуни бахтга эришиш  сингари муаммолар уртага ташланади. Ахлокий идеал муаммоси хар бир бадиий асарнинг шох томири хисобланади.

Масалан, Алишер Навоийнинг Фарходи, Ширини, Шеспирнинг Ромео, Жулеттаси, Ойбекнинг Навоийси мазкур муаллифлар асарларидаги ахлокий идеаллардир. Уларсиз Навоий, Шекспир ва Ойбек асарларини тасаввур килиш мумкин эмас.  Демак, санъатнинг манбаи – вокеликдир. Санъат обьектив  вокеликни акс эттириш шаклидир. Санъат ахлокшунослик таргиботчиси, ахлокий тарбиянинг энг кулай воситаси сифатида хам номоён булади. Ахлоксиз санъатнинг шакллари уз олдига  куйган максадини амалга ошира олмайди. Кино санъати, тасвирий санъат, театр санъати кишиларда, ёшларда ахлокий идеалнинг шакллантиришга  катта ахамият касб этади.

Ахлок фан билан хам алокадорликдадир. Купгина илимй карашлар, назариялар инсонни бевосита ёки билвосита юксак ахлок эгаси, донишманд ва халол инсон булишга чакиради. Барча фанларнинг хар бири уз сохасида хакикатни аён булишига эга булишга хизмат килади. ахлокнинг асосий вазифаси эса инсонларни хакикатга олиб бориш, уни комил инсон килиб тарбиялашдир.

Хар бир илм-фанда эришилган ютуклар инсоният жамияти олдига янги-янги  ахлокий вазифалар ва муаммолар куяди.

Сунгги пайтларда фан-техника тараккиётининг юксак даражаси ва экологик бухронларнинг юзага чикиши сабабли экологик ахлокшунослик сингари ахлок оламининг янги йуналишлари юзага келди: неосфера ёки бошкача айтганда, техносферада этосферага – ахлокий мухитга утиш зарурати инсоний жамияти ахлокий  маданияти олдидаги энг долзарб вазифа сифатида  куйилмокда: зеро бу вазифанинг факат ахлокшунослик доирасидаги муаммо эмаслигини, кенг камровли эканини, бутун Ер юзини бундан кейин мавжуд булмиш ёки булмаслик муаммосига айланганлигини бугун яккол сезиш мумкин.

**ХУЛОСА.** Кандай фан булишидан катъий назар бевосита ёки билвосита ахлок билан богли булади ва шу богликлик табиий – техникивий фанларни инсонийлаштириш вазифаси бажаради.

Ахлок билан мафкура узаро алокадорликда булиб, жамият хаётида мухим ахамият касб этади. Хар бир мажмуа муайян гоялар ва карашлар тизимидан иборат. Ахлокий гояларни узида мужассамлаштирган кишиларгина мафкурани яратадилар ва оммлаштирадилан.

Хар бир табиий давлат ва жамиятда бир неча мафкура булиши табиий. Лекин улар ичидан бири етакчилик мавкеини эгалайди. Бу етакчилик зинхор бошка мафкураларни инкор этмайди ва жамият аъзолари купчилиги иродасини ифодалайди. Уни шунинг учун миллий мафкура деб аташади. Эркин демократик фукаролик жамиятини уз олдига вазифа килиб куйган Узбекистон Республикасида бу масалага жиддий эътибор берилган. Чунончи, Узбекистон республикаси Конституциясидаги биринчи булим, биринчи бобнинг 12 – моддасида шундай деб ёзиб куйилган: «Узбекистон Республикасида ижтимоий хаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

-Хеч кайси мафкура давлат мафкураси сифатида урнатилиши мумкин эмас». (Узбекситон Республикаси Констиуицяиси. Тошкент, «Узбекистон», 2003 й, 11-бет).

Миллий мафкурамиз юксак ахлокийликка ассоланган. Миллий мафкурамиз ахлокий принципларга амал килиб, жамиятимизда ватанпарварлик, миллатпарварлик, зиёлилик тамойилларини устувор билиб, хар бир фукарони буюк давлат яратишда иштирок этишга чорлайди.

Ахлок нафакат марказий ходиса, балки, бошка ижтимоий ходисаларни харакатлантирувчи маънавий куч сифатида номоён булади. У маънавият тизимида бирлаштирувчи хусусиятга эгадир. Ислом Каримов таъбири билан атганда: «Аслини олганда, ахлок маънавиятнинг узаги», деб таъкидлади.

Ахлок маънавият тизимидаги энг таъсирчан, энг бакувват халка, усиз одамзот маънавиятини тасавуур килиш мумкин эмас.

Барча маънавий ходислар инсондан, шахсдан ахлокийликни талаб этади. Чунки, ахлок умуммаънавий ахамиятга молик, маънавий тизимида бирлаштирувчилик хусусиятига эга булган ягона универсал – ижтимоий – маънавий ходисадир.

Умумий хулоса. Ахлок ижтимоий онг шаклларидан булиб, ижтимоий тараккиётининг муайян даврида зарурият асосида пайдо булган ижтимоий тасодифиятдир. У инсонларни талаб ва эхтиёжларидан келиб чикди. Замоннинг, даврнинг утиши билан ахлокнинг тамойиллари, тушунчалари, конун-коидалари хам такомиллашиб борди. Чунки, ахлокнинг мазмунида ихтиёр эркинлиги ва ахлокий танлов мухим роль уйнайди. Бу эса ахлокий тузилмаларни хаётга тадбик килишни талаб килади. ахлок маънавият билан чамбарчас богликдир. Маънавият ва унинг шакллари ахлоксиз вужудга келмайди. Ахлок маънавиятнинг узаги хисобланади. Ахлок сингари маънвият хам бошка онг шакллари билан узаро алокадорликдадир. Шунинг учун маънавият тараккиётнинг пойдеворидир.

## МАВЗУ БУЙИЧА НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. **Ахлокнинг келиб чикиши хакидаги икки хил фикрнинг мохияти нимада?**
2. **Ихтиёр эркинлиги тушунтиринг?**
3. **Ахлокий танлов нималарга асосланади?**
4. **Дастлабки ахлокий конун-коидалар кандай ахлокий талабларни уз ичига олади?**
5. **Ахлок тузилмаси кандай унсурлардан ташкил топади?**
6. **Ахлокнинг умуминсоний минтакавий ва миллий хусусиятлари нималарда куринади?**
7. **Ахлок билан диннинг алокадорлиги нималарда куринади?**
8. **Ахлок билан хукук, сиёсатнинг алокадорлигини тушунтиринг?**
9. **Ахлок билан санъат ва узаро муносабатни тушунтиринг?**
10. **Ахлок ва мафкуранинг узаро алокадорлигини жамият хаётида кандай ахамиятга эга?**

**Мавзуда учрайдиган айрим сузларнинг изохли лугати**

1. **Мафкура – арабча – нуктаи назар ва эътикодлар тизими, мажмуи.**
2. **Маънавият – арабча – маънолар мажмуи.**
3. **Маърифат – арабча – «арафа», «билмок» сузи.**
4. **Эркинлик – билиб олинган зарурият.**
5. **Эътикод – арабча- ишонмок, имон.**
6. **Сиёсат - давлат ишларига аралашмок.**
7. **Биосфера – юнонча, bios - хаёт, sphaera - юмалок, тугарак. Ернинг хаёт кобиги.**
8. **Неосфера – юнонча – ернинг «аклли кобиги» .**

**6-мавзу: Ахлокшуносликнинг асосий мезон тушунчалари. (4 соат)**

**Режа:**

**Кириш.**

1. **Ахлокшуносликнинг мезоний тушунчалари хакида маълумот.**
2. **Мухаббат ва нафрат.**
3. **Эзгулик ва ёвузлик.**
4. **Яхшилик ва ёмонлик.**
5. **Адолат.**
6. **Бурч.**
7. **Виждон.**
8. **Номус.**
9. **Идеал, хаётнинг маъноси. Бахт тушунчаси.**

**Хулоса.**

Адабиётлар:
**1, 2, 3, 4, 12, 15, 17, 21, 22**

Таянч тушунчалар:

Мухаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, адолат, виждон, бурч, номус, идеал

6.1. Ижтимоий фанлар ичида ахлокшунослик хам кенг камровли булиб, унинг мазмунида кишиларнинг бир-бирларига, оилага, жамоага, Ватанга булган муносабатларини ифодалайди, бу муносабатлар ижобий ёки салбий булиши мумкин. Ахлокшунослик инсонларни тугри йулга солишга, теварак атрофда содир булаётган ходисаларни тугри бахолашга ва ундан мантикий хулосалар чикаришга имконият беради.

Ахлокшунослик инсон хатти-харакатларини икки кутби-ахлокийлик ва ахлоксизлик холатини тахлил ва тадкик этади. Ахлокийлик – фазилатларда, ахлоксизлик эса – иллатларда уз мазмунини ифодалайди. Бу икки кутб уз мохият –эътибори билан бир-бирига карама-карши, бир-бирини инкор килиш асосида номоён булади.

Фазилат файласуфлар таъкидлаганидек, икки иллат оралигида руй беради. Демак, фазилат икки манфийлик уртасидаги юзага келган мусбат ходисадир. Чунончи, адолат-зулм билан мазлумликни, сахийлик исрофгарчилик билан бахилликнинг, нафрат-кизгончилик билан ружунинг урталиги сифатида воке булади.

Фазилат ва иллат кенг камровли тушунчадир. Хакикатда фалсафий фанлар ичида ахлокшунослик фанининг тушунчалари (категориялари) куп ва хилма-хилдир. Уларни уч гурухга булиш мумкин. Булардан биринчиси – ахлокий билиши билан реал хаёт уртасидаги энг мухим алока ва муносабатларини инъикос эттирувчи ахлок илмининг мезонини ифодаловчи тушунчалардир; уларни биз ахлокшуносликнинг мезони тушунчалари ёхуд категориялари сифатида олиб каралади.

Иккинчи гурух тушунчаларига – ахлокий тамойиллар; учинчи гурух тушунчаларга – меъёрлар деб ном берилади. Биринчи гурух тушучалари умумлаштирувчилик, муштараклик хусусиятига эга, улар факат назарияга таалукли. Иккинчи ва учинчи гурух тушунчалари эса амалий ахлокка тегишли булиб, нисбатан муайян, тор камровга эга: улар биринчи гурух учун, «моддий асос» вазифасини утайдилар.

Тушунчалар энг аввало инсоннинг хиссиётида номоён булади. Бу хакида инглиз мутафаккири Жон Локк фикр юритади.

Аклни идеаллаштириб, хиссиётни иккинчи даражали омил сифатида талкин этиш, Локк ва унга ухшаша баъзи мутафаккирлар фикрини хисобга олмаслик афсуски кейинги даврларда айникса кучайди.

Ахлокшуносликдаги тушунчалар (категория) ларнинг шаклари хилма-хил булиб, мазмунида ахлокшунослик талаб киладиган жараёнлар ифода этилади.

Категория – юнонча суз булиб, таъриф бериш, фикр айтиш маъноларни англатади.

Ахлокшуносликдаги хар бир тушунчалар мезоний холда номоён булиб, унинг мазмунида ахлокий жараёнлар акс эттирилади ва уларнинг куплари жуфт холда ифодаланади. Масалан, мухаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизликлар кенг камровли тушунчаларни ифодалаб умумий хусусиятга эгадир.

Бурч, виждон, номус, бахт кабилар нисбатан тор тушунчалар булиб, ахлокий муносабатларни шахснинг ички дунёси оркали ифодалайди.

Ахлок тушунчалари факат улардаги умумийлиги ва кенглиги билан фаркланмайди, шунинг билан бирга, улардан бахолаш ва нормативлик элементларининг узаро муносабатларига кура хам ажратилади.

Хар бир категория (тушунча) лар маълум максад ва вазифаларни бажаради.

Агар яхшилик, ёмонлик, адолат каби тушунчалар кишилар уртасидаги муносабатларни турли ижтимоий далил ва ходисалар (иктисодий, сиёсий, хукукий) ни камраб олувчи бахо тушунчалар булса, бурч, виждон – энг аввало норматив ва ички даъватга боглик тушунчалардир. Ахлокшуносликнинг тушунчалари (категориялари) жамиятнинг ахлокий тараккиёти жараёнида янгича билимлар касб этиб, узгариб, ривожланиб, янгича тушунчалар билан бойиб боради. Узбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисида» деган кабул килинган Конунда бундай дейилади:

«Инсон, унинг хар томонлама уйгун камол топиш в фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чикариш шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулк-атворнинг андозаларини узгартириш Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий максади ва харакатлаштирувчи кучдир».

(Каранг. Баркамол авлод – Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Тошкент, «Шарк», 1997, 34-бет).

Демак, ахлокшунослик фанида талаб этиладиган жараёнлар, уларни мазмуни ва мохияти улар олдида турган вазифалар, муаммолар ва уларнинг ечими инсонларни маънавияти ва маърифати оркали амалга ошади. Бу жараён инсондан чукур билим, мехнат, кунт ва махорат булишликни талаб этади.

6.2. Мухаббат ва нафрат ахлокшуносликда жуфт категория (тушунча) булиб хисобланади. Мухаббат бош мезоний тушунча булиб, барча асосий тушунча ва тамойилларда таъсир килади.

Атокли тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов таъкидлаганидек, «Жуда куп ирфоний тушунча – истилохларнинг шархи мухаббатга бориб такалади». (Каранг. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. Тошкент, «Ёвузчи», 1996, 48-бет).

Эзгуликни, яхшиликни, ватанпарварликни, инсонпарварликни ва хокозоларни мухаббатсиз тасаввур килиб булмайди.

Мухаббат- инсоний мохиятини эркин тарзда номоён булишидир. У зуравонликка ёи зурма-зурмакилик билан чикиши олмайди.

Мухаббат меъёрлар, анъаналар, конунларга буйсунмайди. Лекин, юксак ахлокийлик ифодаси тарзида инсонга улкан масъулият юклайди, уни жасоратга чорлайди.

Мухаббат – инсонни ташки ва трансцендентал олам билан боглайдиган, уни ёлгизликдан олиб чикадиган буюк куч. Мухаббатнинг обьекти гузалликдир. Инсоннинг она табиатга, ёрига, ота-онасига, Ватанига … булган мухаббатни… Инсон узи узгага айланганида, узганиузига айлантира олганида хакикий мухаббат эгаси хисобланади.

Мухаббат инсон ахлокий хаётининг чуккиси, комиллик белгисидир. Хакикий мухаббат гоялари ёшлар томонида доимий ахлокий идеал тарзида кабул киланади: Фарход ва Ширин, Ромео ва Жульетта, Отабек ва Кумуш ва хаказолар. Демак, мухаббатни шахс эркинлигининг ахлокий зарурат сифатидаги узига хос куриниши, бахтга эришувига асосий омили дейиш мумкин.

Мухаббат-олий туйгу, шу маънода у олий тушунча. Мухаббатнинг зидди-нафрат булиб, у хам мухаббат сингари кенг камровли тушунча эмас.

Нафрат аксини мухаббат тарзда номоён булади, обьектдан четлашишни, ундан бегоналашишни таказо килади. Хазар, жирканч хисси нафратнинг кундалик турмушдаги тор, «майда» куринишдир . Нафрат газабдан кескин фарк килади. У газабга ухшаб, уз обьектини йукотишга интилмайди, ундан факат юз беради. У мухабатга зид холда ноинсоний, адолатсиз, ноинсофларча муносабати туфайли кузголадиган хиссиёт дейиш мумкин.

Агар газабнинг асосида инсон феълининг салбий холати оний баджахллик ётса, нафрат учун чукур уйлаб кабул килинган узил-кесил карор ётади.

Куринишидан нафрат кишида ёкимсиз таассурот уйготса-да, ку п холларда у иллат эмас, ахлокий фазилат сифатида инсонни виждонлигидан, ботиний жасоратидан далолатдир.

Нафратдан ташкари яна рашк тушунчаси мавжуд булиб, у ижтимоий ходиса эмас, куп холларда жинсий муносабат билан ёнма-ён келади. Мухаббат эгаси уз севгсини ва севгилисини кизгониб, асраб колишга харакат килади. Ана шу кизгониш хисси меъёрдан ошиб кетганда рашкка айланади. Рашкнинг мохияти худбинликка бориб такалади. Баъзи холларда рашк фожеага олиб келиши мумкин. Хулоса. Мухаббат билан нафрат бир-бирига зид категория булиб, инсон фаолиятида куп учрайдиган ижтимоий ходисадир.

6.3. Ахлокшуносликда жуфт тушунча (категория) лардан бири эзгулик ва ёвузлик булиб, ахлокшуносликдаги мухим категориялардандир. У инсон фаолиятининг мухим томони, асл мохиятини англатади. Кадимги китобларда бири «Авесто» да хам шу хакда фикр юритилади. Унда инсондаги ахлокий фазилатлар ва иллатлар санаб утилади, талкин этилади. Унда зардуштийлик илохи АхураМазда – эзгулик, Ахриман эса ёвузлик, ёриклик ва зулмат, хаёт ва мамот уртасида абадий курашнинг ибтидоси акс этади.

Эзгулик – инсонга энг кучли маънавий лаззат багишлайдиган, уни ижтимоий шахсга айлантириб, у хакикий бахтга олиб борувчи фазилат; шахсни комиликка, жамиятни эса юксак тараккиётга етказувчи юксак кадриятдир.

Эзгулик инсоннинг аклий фаолияти оркали муаяйнлашади, юзага чикади.

Эзгулик ва ёвузлик кенг камровли булиб, ижтимоий хусусиятга эга. Шу туфайли амалиётда кахрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик сингари тамойилларни уз ичига олади. Масалан, исносонпарварлик – одамзот кадри, эркинлик ва кобилиятларини хар томонлама номоён булиши учун курашиш, кишиларнинг бахт-саодати, тенг хукуклилиги, адолатли хаётнинг таълим этишга интилишини ифодалайдиган гоя ва карашлардир. Бу жараён инсонни эзгуликка етаклайди.

Мустакилликни кулга киритган Узбекистон хам истиклолининг илк кунларидаёк уз сиёсатида, инсонпарварлик гояларига таяниб, халк хаётини ва жамият фаолиятини ана шу асосда ташкил этишга киришди: «Халкни буюк келажак ва улугвор максадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан катъий назар, хар бир фукаронинг ягона Ватан бахт-саодатит учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебахо мероси, миллий кадрият аа анъаналаримизга муносиб булишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват килиш, шу мукаддас замин учун фидойиликни хаёт мезонига айлантириш – миллий истиклол мафкурасинининг бош максадидир».

(Каранг. Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Узбекистон», 2000, 7-бет).

Эзгулик ахлокий идеал билан богликдир ва инсон фаолиятини бахолаш хусусиятига эга. У одам боласини улуглик ва тубанлигини улчайдиган тарозига ухшайди. Эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик категориясига ухшасада, улар уртасида фарк бор. Эзгулик ижтимоий хусусиятга эга,

яхшилик шахснинг одобига, хулкига боглик булган ижобий ходисадир. Унда мардлик, очик кунгилчилик, халоллик сингари ахлокий меъёрлар мужассамлашган. Бирок, у кахрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби тамойиллар даражасига кутарила олмайди. Алишер Навоий эзгулик билан фаолият курсатди. Унинг асарлари юзлаб йиллар мобайнида завк – шавкка улашиб, кишиларни комилликка чорлади. У куплаб яхшилик килди, мухтож одамларга карз берди. Берган карзидан кечиб юборди ва хокозолар. У уткинчи хусусиятга эга, бу кахрамонлик хам, буюк жасорат хам, ватанпарварлик хам эмас. Шунинг учун яхшиликни эзгулик билан алмаштириш мумкин эмас.

Эзгулик хеч качон ёвузликка айланмайди, хар замонда хар кандай шароитда хам ёвузлик ёвузлик булиб колаверади. Чунончи, Ленин, Сталин, Хитлер, Пол Потларни ёвуз инсонлар, собик Шуролар Иттифокининг эса жамият сифатида «Ёвузлик салтанати» деб бахоланиши бунинг ёркин мисолидир.

Хулоса. Эзгулик ва ёвузлик жуфт категория булиб, мазмун ва мохият жихатидан бир-бирига зиддир. Бу икки категория хам инсон фаолияти билан беосита богликдир.

6.4. Яхшилик ва ёмонлик жуфт категория булиб, булар хам бир-бирига зиддир. Кишининг бутун маънавий хаёти, шу жумладан, ахлокий тушунчалар хам ижтимоий хаёт таъсида узгаради. Яхшилик ва ёмонлик инсонни тугилиши билан бирга вужудга келмайди. У ижтимоий тараккиётнинг муайян даврида пайдо булади. Яхшилик ва ёмонлик узаро муносабатли, айни вактда кутбий ва бир-бирини инкор этувчи категориялардир. Яхшилик тушунчасига бир мунча ижобий нарсалар, янги ахлокий идеалга мос келадиган нарсалар хакидаги тасаввурлар жамланса, ёмонлик тушунчасида кишиларнинг идеалига, улар эъзозлайдиган нарсаларга зид келадиган нарсалар хакидаги тасавуурлар жамланса, ёмонлик тушунчасида кишиларнинг идеалига, улар эъзозлайдиган нарсаларга зид келадиган, бахтга эришишига, кишилар орасидаги муносабатларда, тараккиётнинг карор топишига ва инсонийликнинг усишига тускинлик киладиган хамма нарсалар хакидаги тасаввурлар ифодаланади.

Яхшилик деганда кишиларнинг мехнатсеварлиги, халоллиги, мардлиги, инсонийлиги, олийжаноблиги, одамларга, халкка, жамиятга етказадиган нафи, мехр-муруввати, мухаббати, кишилар огирини енгил килиш каби ижобий хатти-харакатини ифодаловчи фазилатлар тушунилади.

Бу жуфт категориялар хам бошка ахлокий категориялар сингари узгарувчан, нисбий ва харакатчандир. Яхшилик ва ёмонлик тушунчалари хакидаги тасаввурлар халкдан халкка, асрдан асрга утиб узгариб, такомиллашиб борган. Яхшилик муайян синф, ижтимоий гурух, давлат, партия, жамоа, шахсга, инсонга бериладиган бахо, фазилатларни ифодалайди. Инсон ким булишидан катъий назар, яхшилик фазилатлари томон интилиши керак. Оила бошликлари ёшликдан бошлаб фарзандларини яхшилик килишга одатлантириб бориши вазифа килиб куйилган. «Оила» деб таъкидланади миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойилларда, -

мафкуравий тарбиянинг энг мухим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки, оила – жамият негизи булиб, куп асрлик мустахкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос булган илк тушунчалар, аввало, оила мухитида сингади. Бу жараён боболар угити, ота ибрати, она мехри оркали амалга ошади». (Каранг. Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Узбекистон», 2000 й, 66-бет).

Яхшилик категорияси хакида фикр юритилади. Унинг тарихийликка асосланганлигини эсдан чикармаслик керак. Боболаримиз пандномалари, угитларидан хам фойдаланиш талаб этилади. Хадисда: «Аввало онангга, яна онагга ва яна онангга, сунг отангга яхшилик кил» деб курсатилган. (Ахлок одбга оид хадис намуналари. Тошкент, «Фан», 1990, 40-бет).

Яхшиликнинг зид томони ёмонлик булиб, у кишиларни дангасалик, текинхурлик, зараркунандалик, золимлик, майхурлик, гиёхвандлик, игвогарлик, гийбатчилик, бузуклик каби салбий хатти-харакатларни ифодалайди. Яхшилик эзгулик, химматлиликни англатса, ёмонлик ёвузликни англатади.

«Саодатнома» да куйидагича фикрлар айтилган: «Оила икболининг ёвуз кушандалари зикналикдир». Худбинлик – тотувликнинг энг ашаддий кушандаси. Илон чакса, бир киши азобини тортади, лекин игвогарнинг миш-миши ва гулгуласи куплаб одамларни безовта килади. Тухматга хакикат йук, хакикатда тухмат йук. Игвогарда виждон, ёлгончида инсоф булмайди. (Каранг. Рахимжон Усмонов. Саодатнома. Танланган асарлар. Тошкент, «Укитувчи», 1995, 37, 42, 43, 183 - бетлар).

Бобоколонимиз Юсуф Хос Хожиб узининг «Кутадгу билиг» (Саодатга йулловчи билим) асарида одамларни яхшиликка, яхшилик билан ном колдиришга, юксак ахлок ва одобга эга булишга чакиради.

Узим улсам яхши отим колса бас,
Колиб мангу отим тирик булса бас.
Факат яхшилик кил, тила яхшилик
Номинг мангуликда яшаб юрса бас.

**ХУЛОСА**. Яхшилик ва ёмонлик тушунчалар инсон фаолияти билан бевосита боглик булган жараёндир.

Инсон хаётининг барча ижодий томонлари яхшилик билан богланган тушунчадир. Ижтимоий тараккиёт, кишилар уртасидаги буладиган муносабатда инсонийликни усишига мос келадиган туб инсоний муаммолардан кундалик турмуш тарзи ва унинг муносабатлари, хатти-харакатлари, ижобий хулк-одоби кабилар яхшилик билан ифодаланади. Яхшиликнинг зид томони ёмонлик булиб, бу хам инсонлар уртасида буладиган ижтимоий муносабатларда номоён булади.

6.5. Ахлокшуносликнинг асосий тушунчаларидан бири адолат булиб, кадриятлар орасидаги нисбатни белгилайди, уларни бахолайди. Адолатда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти бор, унда хам ахлокий, хамда хукукий талаблар мужассамлашади. Уни маълум маънода ахлок сохасидаги

микдор улчови хам дейиш мумкин: у талаб билан такдирнинг улчаб турадиган тарозидир. Адолат бир жойда файз-барака, хакикат карор топади.

Ахлокшуносликнинг бошка мезоний тушунчалари сингари адолат хам узининг йигиндиси билан ахлокни хосил килади, бу эса алока ва муносабатлар билан ифода этилади. Шунинг учун адолатнинг мазмунида инсоф, диёнат, хакикат, тенглик, хакконийлик каби фазилатнинг куринишлари номоён булади. Адолат кишиларнинг жамиятдаги ахлокий узаро муносабатларини мужассамлаштириб, такдирлаш ва талаб килишнинг микдорий улчовини бериб, бахолаш категорияси хисобланади. Хамда хукук билан ахлокни боглайди. Ахлок тушунчаси хукук нормаларини мухим ижтимоий – ахлокий мезонлари сифатида майдонга чикади. Демак, адолат тушунчаси хукукий онгдан анча олдин пайдо булган. У хукукий муносабатлар сохасида катта ахамият касб этади. Ахлокшуносликнинг асосий бхо категорияси булган адолат турли далиллар, иктисодий, сиёсий хукукий ходисаларни бахолашда номоён булувчи обьективлик, холислик, хакконий, инсонпарварлик каби аломатларни зарурий равишда таказо этади ва умуминсоний ахлокнинг муайян элементларини уз ичига олади.

Кишилик жамияти дастлабки даврлардан бошлабок инсон адолатни кадрлай ва адолат учун курашиб келганлар. Зардуштийлик динини мукаддас «Авесто» китобида: «Ким ерга уруг экса, у адолатни эккан булади» деган хикматли сузлар бор. Бу халкимизнинг уллмас эътикодига айланган. Кадимги юнон файласуфи Сокрот: «Нимаики конуний булса, уша адолат», деб таъкидлаган эди. Демак, адолат бу хайру-барака, тинчлик тотувлик, гуллаб яшнаш, халкнинг эркин, фаровон яшаши каби маъноларни англатади. Сохибкирон бобомиз Амир Темур уз хаёти ва фаолиятида «Куч адолатда» деган сермазмун хикматига амал килиб олган.

Донолар хикматига амал килган мухтарам Президентимиз адолат машъалини баланд кутариб, «Куч билим ва тафаккурда!» - деган пурмаъно шиорни ишлаб чикди.

**ХУЛОСА**. Адолат – кенг камровли ахлокий тушунча. У нафакат фукаролар ораисдаги муносабатларни, балки давлат билан халк, жамиятбилан шахс уртасидаги алока мезонларини хам ифодалайди.

Деярли бир ярим аср мобайнида адолатсизликнинг, миллий камситишни миллий ифтихор хиссини оёкости килишинини, бегона иродани зурлаб кабул килдириш каби холатларни бошдан кечирган халкимиз эндиликда мустакиликка эришиб, адолатли фукаролик жамияти тузумига киришди.

Президент И. А. Каримов: «Адолат ва хакикат гояси ижтимоий хаётимизнинг барча сохаларни камраб олмоги даркор». Адолат ва хакикат гояси конунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йуналиши булмоги шарт. Давлатчилик ва фукаролик муносабатлари мехнат ва уй – жой, нафака ва солик, табиатни мухофаза килиш ва жамиятчиликка карши курашиш масаласи, куйингки, хаётимизнинг хамма жабхалари ана шу заминга таяниши зарур», - деб таъкидлади.

(«Узбекистон XXI асрга интилмокда. Тошкент, «Узбекистон», 2000 й, 51-бет).

Демак, адолат бугунги кунда Узбекистон Республикасининг мустакил, келажаги буюк давлатимизнинг тушунчасига айланиб бормокда.

6.6. Ахлокшуносликда яна бир мезоний тушунча бурч булиб, кишиларнинг жамиятга нисбатан булган ахлокий мажбуриятларини ифодалайди. Бу кишиларнинг оила, Ватан миллат, умуман жамият олдидаги мажбурияти, масъулияти, содиклиги, онглилигини ифодаловчи хатти-харакатлар мажмуидир. Бурч тушунчаси оилада ёшликдан бошланади. У виждон, эътикод, масъулият каби тушунчалар билан чамбарчас боглик. Ижтимоий хаётда инсоннинг хар бир хатти-харакати замирида бурч тушунчаси, яъни бурчга садокат ёки хикмат ётади. Агар инсон уз бурчига садокат булса, у хар бир кишига обру, шон-шараф келтиради, агар инсон уз бурчига содик булмаса, у кишига хиёнат келтиради.

Бурчлилик манбаи, унинг таг замини манфаатдир. Бурч тушунчаси кенг камровли булиб, ижтимоий хаётнинг барча жабхаларида масъулият билан фаолият курсатган: инсонлик бурчи, мусулмонлик бурчи, насронийлик бурчи, фукаролик бурчи, оталик бурчи, оналик бурчи, фарзандлик бурчи, талабалик бурчи, Ватант олдидаги бурчи ва хоказолар булиб, барча даврлар учун умумий булган тушунчалари хам, журналистик бурчи, шифокорлик бурчи, олимлик бурчи, каби касбий одоб доирасидаги тушунчалар хам мавжуд.

Бурч тушунчаси иснонда катта маъулият юклайди. Ана шу масъулиятни – бурчни у бажариши талаб этилади. Бурчга садокат ахлокий муносабатлар гултожидир. Мамлакатимизда яшаётган хар бир фукаро, талаба ёшлар Узбекистон Республикаси Конституциясининг XI боби 47-52 моддаларига амал килишлари керак. Масалан, 52 – моддасида «Узбекистон Республикасини химоя килиш – Узбекистон Республикаси хар бир фукаросининг бурчи»- деб ёзиб куйилган.

Демак, бурч инсонга масъулият ва мажбурият юклайди. 64-моддасида бундай дейилган: «Ота оналар уз фарзандларини вояга еткунларига кадар бокиш ва тарбия мажбурдирлар». 66-моддасида: «Вояга етган, мехнтага лаёкатли фарзандлар уз ота-оналари хакида гамхурлик килишига мажбурдирлар», - деб таъкидланади.

Мамлакатимизда яшайдиган хар бир фукаро Конституцияда белгилаб куйилган конун-коидага амал килиб, бурчларни бажаришга мажбурдилар.

Инсон яшаётган ижтимоий мухит ва хаётий вазиятга караб бурч хар хил шаклда номоён булади: Ватанга нисбатан мавжуд мажбуриятларни ватанпарварлик бурчи тушунчаси, давлатга нисбатан мавжуриятни – фукаролик бурчи, миллатга нисбатан мажбуриятни – миллий бурч ва хоказолар оркали ифода этади.

Бурчнинг турлари ижтимоий хаётнинг у ёки бу вокеаларида иштирок этиши билан алокадор булган мажбурият доирасига караб хам фаркланади: инкилобий бурч, мехнат бурчи, харбий бурч ва хоказолар.

Бурч категорияси уз мазмунини таълим тарбия билан чамбарчас алокада олиб бориши керак. «Факатгина, - деб таъкидлади Президент И. Каримов, - чинакам маърифатли одам инсон кадрини, миллат кадриятларини, бир суз билан айтганда, узлигини англаш, эркин ва озод жамиятга яшаш, мустакил давлатимизннг жахон хамжамиятида уз урнини эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин».

(Баркамол авлод – Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Тошкент, «Шарк», 1997, 5-бет).

Хулоса. Бурч категорияси куп камровли булиб, инсон фаолиятининг барча жабхаларини камраб олади, хар бр инсонга масъулият, мажбурият юклайди.

6.7. Ахлокшуносликнинг нихоятда таъсир доираси кенг тушунчалардан бири виждондир. Инсон виждонли булиб тугилмайди. Виждонлилик ва виждонсизли тушунчалари ижтимоий тараккиётининг муайян даврида, ижтимоий мухитнинг таъсирида шаклланади. Виждон инсонни уз муайян жамият ахлок нормалари нуктаи-назаридан туриб ахлокий бахолаш ва уни назорат килиш, шунинг билан бирга уз хатти-харакатларига боглик булган хис-туйгу ва кечинмаларини тахлил килишдир. Инсон уз виждони олдида масъулият хиссини максад килиб куяди.

Инсон уз хулкини муайян жамият ахлок коидалари нуктаи-назаридан виждон оркали ахлокий бахолайди, уни назорат килади, уз хатти-харакатларга хис-туйгу, кечинмаларини узида тахлил килиб боради. Виждон ва виждонийлик инсон учун гоят зарурий, кимматли ахлокий фазилат хисобланади. «Виждон – Зигмунд Фронд таъбири билан айтганда, аломен, мен устидан назорат урнатиб, уни бошкариб турувчи иккинчи бир, юкори даражадаги мен». (Каранг. Фрейд З. ЯнОНО (Психология бессознавательного. М, Просвещение, 1989, с-425).

Виждон тушунчаси ижобий ва салбий кечинмаларни ифодалайди. Масалан, инсон кувончи, у ёки бу изтиробдан кутулиш, узини енгил тортиши, хижолатдан фориг тортиш ва юзининг ёруг булиши виждондаги ижобий хис туйгуларни акс эттирса, узр сураш, тавба килиш, изтироб чекиш, пушаймон, уялиш, хижолат тортиш кабилар салбий кечинма, хис-туйгу, хатти-харакатларни ифодалайди.

Саодатномада: «Виждони пок кишининг синовлардан утказиш хам, унинг дилидан гард топа олмайсан» ёки «Чин севгининг энг ишончли гавхари виждондир», «Игвогарда виждон, ёлгончида инсоф булмайди» каби фикрлар айтилган.

Демак, инсондаги уят хисси инсоннинг ташки жамиятга боглигидан келиб чикса, виждон унинг ички уз-узига богликлигини номоён этади. Ички богликлик ташки богликликка нисбатан ташки богликликка нисбатан теран ва доимийдир. Инсондаги уят маълум бир вакт ичида одамнинг уз ножуя харкати туфайли юзага келган унгайсизлиги булса, виждон азоби, бу оддий унгайсизлик эмас, балки калбдаги, одамдаги одамийликка эътикоднинг фарёди, талаби уни кондирмас экансиз хеч качон азоб тухтамайди. Уят билан виждони, шу боис, денгиздаги муз тогига ухшатиш мумкин. Виждон

шахснинг ахлокий карор топишини курсатувчи мухим белгилардир. Ахлокий тушунча булган виждон ижтимоий тараккиёт махсули шахсга жамоатчилик фикри, таъсирининг натижаси, муайян шароитларда факатгина инсонда вужудга келган биологик  эмас, балки ижтимоий ходисадир. Инсоний маънавият ва маърифатнинг усиши билан виждон тушунчаси усиб ва бойиб боради.

Виждон азоби ижтимоий хаётда жиддий роль уйнайди. Виждон азоби, ундаги кийноклар инсоннинг маънавий хаётига кириб келади., режаларни, куйилган вазифаларни барбод килади, баъзан эса унинг шахсий хаёт йулини кескин буриб юборади. Тарихда, жахон адабиётида виждон кийноги туфайли зурайган азоб-укубатларини тасвирловчи мисоллар жуда купдир.

Виждон тушунчалари узининг ривожланиши тарихи давомида умуминсоний маъно элементлари билан бойиб боради, унга куп жихатдан ахлок адолат ва одамгарчиликнинг оддий нормалари уз аксини топади.

«Халк, - деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, - узининг минг йиллик анъана ва тажрибалари, сунмас хотираси ва буюк туйгулари билан яшаб келаётган ибратли куч. Ёлгонга, алдовга дуч келган пайтида унинг асрий кадриятлари, келган пайтда унинг асрий кадриятлари, колган пайтида унинг асрий кадриятлари, доимо уйгок виждони тилга кради, нахакликка, кабихликка карши курашга даъват этади». (Каранг. Ислом Каримов. Миллий истиклол мафкураси – халк эътикоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. Тошкент, «Узбекистон», 2000, 30-бет).

Виждон хам ахлокшуносликнинг бошка баъзи асосий тушунчалар сингари бахолаш хусусиятига эга, бу хеч качон обьектга киритилмайди, у субьектнинг хатти-харакатларини бахолайди, яъни унда  субьект узи учун ички обьект вазифасини утайди.

Баъзан жамият талабалари билан виждон уртасида ихтилофлар чикиши мумкин. Бунда виждон эмас, жамият талабларининг уткинчилик хусусияти, маълум маънода эскирганлиги айбдордир.

Виждон кузга куринмас, лекин улкан ва мутлак айбсиз ахлокий ходисадир.

Купинча виждон тушунчаси урнида имон иборасини учратиш мумкин. Имон аслида диний тушунча. Лекин хаётда виждон тушунчасининг урнида имон иборасини учратиш мумкин. Имон аслида диний тушунча. Лекин хаётда виждон тушунчасининг синоними тарзида ишлатилади. Виждон деганда факатгина субьектив ходисани хам уз мазмунидакамраб олади. Виждоннинг мазмунида эркинлик ётади.  Виждон эркинлигининг кишиларни жамият танлаб олишидир.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 31 – моддасида: «Хамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Хар бир иснон хохлаган динга эътикод килмаслик хукукига эга. Диний карашларни мажбуран сингдиришга йул куйилмайди», - деб таъкидланади. (Узбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, «Узбекистон», 2003 йил, 10 - бет).

Виждон тушунчаси бахо, буйрук, мотив ва эматив характерга эга в барча бошка ахлокий принциплар ва нормалар билан алокадордир. Узбекистон Республикасининг 1 май 1998 йилда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тугрисида» (Янги тахрири) Конуни кабул килинди. Бунда виждон эркинлигининг мохияти ва мазмуни, атрофлича тахлил килиниб берилган. Мустакилликнинг дастлабки кунлариданок, Узбекистон Республикасида виждонинг поклиги тугрисида гамхурлик килиш давлат сиёсати даражасида кутарилган. Виждонни тарбиялаш жамоат, давлат ва нодавлат, шу жумладан узини узи бошкариш органларининг бутун системаси таъсири остида амалга оширилиб борилмокда. Юртбошимиз И. Каримов виждон категориясининг буюклиги, жамиятдаги салохиятини таъкидлаб: «Виждон билан иймон билан, диёнат билан уйнашиб булмайди». Виждонли одамлар билан куйилган максадга эришилади, хукукий давлат, демократик фукаролик жамияти курилади.

6.8. Ор-номус (шаън) тушунчаси хам ахлокнинг бошка тушунчалари сингари шахс билан жамият уртасидаги муносабатларни тартибга солади. У бир томондан бурч билан боглик булса, иккинчи томондан, кадр-киммат тушунчаси билан алокадордир. Ор-номус мохиятан шахснинг уз кадр-кимматини аннлаб етиши, шу кадр-кимматнинг жамият томонидан жой олиниши ёки олинмаслигига нисбатан буладиган муносабати билан белгиланади. Шунинг учун ор-номус, тушунчаси кишиларнинг ижтимоий хаётдаги уз кимматини англаши хамда бу кимматни жамият томонидан тан олинишини ифодалайди. У жамият бахт-саодати ва унинг тараккиёти учун зарур булган фазилатларнинг мавжудлигини ифодалайди. У жамият бахт-саодати ва унинг тараккиёти учун зарур булган фазилатларнинг мавжудлигини ифодалайди. Номус тушунчаси шахсий кадр-кимматни англашни уз ичига олар экан, улар бир-бири билан алокада ва куп жихатдан бир-бирига ухшайди. Бирок ор-номус, кадр-киммат тушунчаси билан бир хил маънога эга эмас. Кадр-киммат шахсдан узининг бошка одамларга нисбатан камситилмаслигини, атрофдагилардан барча инсоннинг тенг хукукли тамойилини узига нисбатан куллашларини талаб килади. Ор-номус эса уз кадр-кимматини билишдан ташкари, хар бир шахснинг жамиятда алохида, узига хос тарзда эгаллаган мавкеи ва шу мавкени дог туширмай саклаш – сакламаслиги билан боглик. Бу мавке, эса шубхасиз, уша шахсни ижтимоий хаётдаги урни, касби, ёши ва унга нисбатан бериладиган ахлокий даража билан муайянлашади. Кадр-киммат эса ор-номусли булишдир. Ор килиш инсоннинг узига номуносиб ёки эп курмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, уят ва номус килиш туйгусидир. Ор яна бирор нарсадан хазар килишни хам билдиради. Орият ор-номусдан ташкари иззат-нафс, кадр туйгусидир.

Номус – бу иффат, бокиралик маъноларидан ташкари инсонинг уз мавкеини саклаш, улуглаш ва ардоклаш, хижолат тортиш туйгусини авлодлар ва аждодлар шаънига дог туширмаслик маъносини ифодалайди.

Номусни ор тушунчаси билан чалкаштириш холлари хам учраб туради. Лекин, аслида, номусга нисбатан ор анча тор камровга, нисбатан

залворсиз тушунча. Масалан, ориятли одам деганда, энг аввало уз сузини устидан чикадиган, садака тарзида килинган мурувватлардан баланд турадиган шахс тушунилади. Беор одам – уз шаънига айтилган гапларга парво килмай, ишини бажариб кетадиган сурбетнома кишилардир.

Номуснинг тоши огир, ижтимоий хусусиятга эга, кенг камровли. Номус йулида инсон хатто уз хаётидан кечиши мумкин. Одамлар уз номуси, оила номуси, миллат, жамов номуси деб курашадилар. Номус обрутушунчаси билан богланиб кетади.

Демак, узини узи хурмат килиш, узига нисбатан атрофдагиларни хурмат-иззатини йукотмаслик учун уз-узини назорат килиш хиссидан келиб чикади.

Ор-номус тушунчалари инсон фаолияти билан боглик булган жараён булиб, инсон олдида юксак масъулият юклайди. Кишилик тарихидан маълумки, инсон орли, номусли, булишликни максад килиб куяди ва бу борада фаолият курсатади. «Жамиятнинг энг олий бойлиги булган халк, - деб таъкидлайди Презиент И. Каримов, - абадий кадриятларни, кудратли салохиятини узида жамлаган. Бу салохиятни юзага чикариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараккий эттиришнинг кучли омили булиб хизмат килади». (И.А.Каримов. узбекистон XXI аср бусагасида ва тараккиёт кафолатлари. Тошкент, «Узбекистон», 1997, 252-бет).

6.9. Ахлокшуносликдаги идеал, бахт, хаётнинг маъноси каби тушунчалари уз ечимини талаб килиш билан бирга яъни муаммолик хусусияти билан ажралиб туради.

Идеал тушунчаси бахаолаш хусусиятига эга булмасдан, балки у киёслашга асосланади. Бор нарса йук нарса билан улчанади. Хаётда идеал нарсанинг булиши мумкин эмас. Унинг мавжудлик шарти утган замон идеалга эришиш шарти инсоннинг хатти-харакати билан боглик булади. Идеаллик намуна билан бирга тарихийликни талаб этади. Ахлокий идеалга айланган шахс тарихий тажрибадагина мавжуд булади ва муайян замонга келиб, у маълум маънода муболага яъни, иделлаштирилади. Унда инсон сиймоси ёркин мисол була олади.

Одам идеал сари инстилади, уз хаётини унга киёслайди, унга танки килади. У инсон хаётидан энг улуг ахлокий талабдирки, унинг бажарилиши шахсни комилликка етказади. Хаётда бунга тулик эришиб булмайди. Инсон ана шу комилликни узига намуна килиб, идеалга интилиб яшаши жараёнида нисбий – хаётий комилликни кулга киритади. Дунёвий ва диний идеал мазмуни ва мохият жихатидан бир-биридан фарк килади. Мусулмонлар учун идеал мухаммад илайхиссалом насронийлар учун хазрати исо, яхудийлар учун хазрати мусо идеал хисобланади. Ижтимоий ахлокий идеал эса доимий булмайди. У узгариб туради. Масалан шуролар даврида идеал инсон – В.И.Ленин булган. Амир Темур уз даврининг идеали булган. Хозир эса «Куч адолатда!» деган шиорини хаётнинг маъноси деб билган буюк аждодларимиз Амир Темур купчилик томонидан ижтимоий ахлокий идеал, адолатли давлат рахбарининг наъмунавий тимсоли тарзида кабул килинади. Демак, муайян

тузум талабларидан келиб чиккан холда, ижтимоий ахлокий идеаллар узгариши мумкин.

Хар бир тузумниниг умри умумий тарихий жараёнида нисбатан киска вактни уз ичига олган. Ёлгон, кузбуямачилик ва зуравонликка асосланган тузум эса узок муддат яшай олмайди. Чунки, зимдан ахлокийликни инкор этган сиёсатнинг бир кунмас бир кун албатта асл башараси очилади. Шу боис фаолияти никобланган ахлоксизликдан иборат булган Ленин, Сталин, Хитлер каби ижтимоий идеалларни умри узок булмади – алданган купчилик киска вакт мобайнидагина уларни идеал деб билди.

Умуман олганда идеал жамиятда  шахс хаётида ёруг маёк  вазифасини бажариб келмокда.

Ахлокшуносликда анча мураккаб  тушунчаларидан бири хаётнинг маъносидир. Хаётнинг маъносини яшашдан максад деган тушунча билан кориштириб юбориш уларни айнанлаштириш мумкин эмас. Хаётнинг маъноси деганда максадга нисбатан кенг камровли тушунча эътиборга олинади, уз ичида унлаб, балки юзлаб максадларни олади, у муайян максадлар тизимини ташкил килади.

Баъзан хаёт «Маъносиз» кечиши хам мумкин. Бунда кишидан максадлар уткинчи, майда, юксак орзу-интилишлардан йирок, хайвоний, тубан, хатто ёвуз булиши мумкин.

Мазкур киши-, хаёт эгасининг бундай табитни жамият эришган ахлокий даража билан бахоланади.

Баъзилар уз хаёт маъносини кандай йул билан булмасин бой-бадавлат, тукин-сочин яшашда деб тушунади. Харом-харишнинг фаркига бориб утирмайди, бировнинг хакидан курмайди ёки кандай воситалар билан булмасин, мартабага эришиш уз олдида хаётий максад килиб куяди, факат «юлсам» дейди.

Бошка биров эса конунни бузмайди, лекин узгаларга кайишишни хаёлига хам келтирмайди, хеч ким билан иши булмайди, факат «уз кобигида» яшашни афзал  куради.

Яна бир одамлар борки, улар хаётнинг маъносини энг юксак кадрият боглайдилар, жамиятда юксак ахлок эгаси, гузаллик ошуфтаси, эътикоди бут кимсалар сифатига эътибор козонадилар. Улар олий идеалларга интилиб, фидойиларча умр кечирадилар.  Хаётнинг маъносида узидан кейин колдирган «иккинчи умр» да курадилар.

Хаётнинг маъносини тушунувчилар икки гурухга: а) ижтимоий-маънавий гурух; б) эътикодий-диний гурухга булинади. Биринчи гурух дунёвий гурух, иккинчиси эса эътикодий-диний гурух деб номланади. Иккинчи гурух хаётнинг маъносини Худони топишда, унга етишда, деб билади. Бунда гохо черков ёки шариат акидалари оркали эмас, балки мухаббат воситасида хам Худо мурожаат киладилар.

Лев Толстой Алишер Навоий хам яшашдан максади хаётнинг маъносини Худо оркали ифодалайдилар.

Шундай эккан, инсон хаётнинг хар кандай куриниши, унинг ичик, рухий куриниши, ташки куриниши уз табиатига кура ижтимоийликдир.

Хаётнинг маъноси деганда инсоннинг шунчаки яшаши эмас, шунинг билан бирга унинг уз ижтимоий мохиятини карор топтиришни кузда тутади.

Хаётнинг маъноси – бу хаётнинг  бутун бир бош йулдирки, конкрет, аник максадларни белгилаб берадиган йуналишлар эътиборга олинади.

Инсон уз олдига максад  куяди. Бу максадлар уз-узидан пайдо булмайд, балки уларни инсоннинг турмуш шароитлари таказо килади. шундай экан, хаётнинг маъноси-унинг инсон онгидан катъий назар мавжуд була оладиган обьектив мазмунидир.

Агар максад инсон интиладиган нарсани курсатса, хаётнинг маъноси унинг буни нима учун килишини айтади.

**ХУЛОСА.** Хаётнинг маъноси кандай тарзда талкин килишидан катъий назар, уз манфаатларини узгалар манфаатлари билан боглаб, олий кадриятлар ва юксак акидаларни ички шиор килиб яшашдир, деган шиорнинг ахлокий кадриятлари ичик шиор килиб яшашдир, деган  шиорнинг ахлокий коидалари билан умр кечирадилар. Мустакил Узбекистонда яшайдиган ахолининг яшашдан максади ва хаётнинг маъноси бир  дастур йуналишга каратилгандир: «Озод ва обод Ватан хур ва фаровон хаёт пироврд максадимиз хамда хаётнинг  маъносидан келиб чикадиган хулоса ва бош гоя хисобланади.

Ахлокшуносликнинг кенг камровли тушунчаларидан бири бахтдир. Бахт- бу уз хаёти маъносини кай даражага тушунчани ва шу маънодаги умри мобайнида коникиш холси килишдан иборат жараёндир. Хар бир инсонда коникиш хисси ундаги максадларнинг такомилига етганидагина руй беради. Факат бу такомилга етиш жараёнидагина руй беради.

Абу Носир Форобий  «Бахт – бу хар инсон интиладиган максад, зотан у муайян комилликдир», - деб таъкидлаган. Хакикатда бахт инсон хаётининг умумий бахосидир. Бахт тушунчасини ривожланиши жамият тараккиёти билан узвий  богланган, у жамият  хаётида содир буладиган узгаришларни мувофик ривишда янги мазмун билан бойиб боради, умуминсоний элементларни саклаб колади. Бахтнинг умуминсоний элементи шахсий хаёт тарзини, узининг мавжудлигини идрок этадиган, нормал яшаш шароитини таъминлашдан уз мавжудлигини фойдаланишга ишончдан инсоннинг мухаббат, дустлик, ота-оналик завк-шавкини англашдан иборат.

Лаззат онийлик хусусиятига эга ва уткинчидир. Маалан, лаззат, гострологик ва шахвоний лаззатни олиб курайлик. Сиз кабобни хуш курасиз ва лаззатланиб  еябошлайсиз, лекин бир оз вакт утгач, бу кабобни бошка егингиз келмайди. Шахвоний лаззат хам шундай.

Бахт эса энг аввало маънавий эхтиёж билан боглик, унда максадларга бирин – кетин эриша бориш, коникиш жараёни, бир умр тухтамайди ва доимо лаззат ва завини уз ичига олади.

Бахт орзу каби идеалнинг хиссий эхтиросни шакли сифатида кузга ташланади, шахснинг интилишини руёбини англатади. Бахт омад билан богликдир.

Омад хам лаззатга ухшаш онийлик табиатига эга. Лекин бу онийликда лаззатдагидек такрорланиш хусусиятига эга. Омад одамга хаёти мобайнида

камдан-кам кулиб бокади. Омад тасодиф, бахт – зарурият, омад истисноли, бахт-конуник ходиса. Омад – шахснинг бир зумлик холатини акс эттиради. Бахт эса инсон нимага эришмоги лозим, саволига бир мобайнидаги амалий жавобидир. Бахтни тушуниш хар бир даврда, маълум тарихий шароитда миллат, шахс ва жамиятнинг тараккиёт даражасига караб, турлича муайянлашиш хусусиятига эга. Яъни идеал каби унинг хам табиати узгарувчан. Ахлокшуносликда бахт мезоний тушунчасини алохида урганадиган анъанавий эвдеймончилик деб аталадиган юнонча «eudaimonja» (бахт) сузидан олинган йуналиш мажуд.

Демак, инсон хаётининг олий максади бахтга эришиш булиб, бу инсоннинг орзу-истаклари максадларига етишиб яшашдир. Бахтнинг бошка тушунчалар сингари узига хос хилма-хил турлари мавжуддир: Ватан бахти, мехнат бахти, ёр бахти, оила бахти, фарзанд бахти, карилик бахти ва бошкалар булиб, унинг мазмунида инсоннинг мехнати туради. Шунинг учун: «Мехнатдан келса бойлик, турмуш булар чиройлик» деган наклида жуда куп маъно ва мазмун ётади. Гойибдан бахт келмайди, ёки уз-узидан шаклланмайди, уни сога килиб булмайди.

Хар бир киши уз бахтини мехнати, тинч-тотув яшаши, касб-кори, илм-фан ва техника фанларини эгаллаши билан топади. Буюк шоиримиз Гофур Гулом:

Такдирни кул билан яратур олам
Гойибдан келажак бахт бир афсона, - деб ёзган эди.

**ХУЛОСА.** Ахлокшуносликнинг узига хос мезоний тушунчалари булиб, улар диалектик алокадорликни таказо этади. Бу мезоний тушунчалар ижтимоий тараккиётнинг дастлабки даврларидан пайдо булиб, инсон фаолияти билан бевосита боглик булган жараёндир.

Ахлокнинг мезоний тушунчалари маънавий ва маърифатни юксакка кутаришда, кишиларни комиллик томон етаклашда мухим омил булиб хизмат килади. Хар бир талаба ёшлар ахлокшуносликнинг мезоний тушунчаларини чукур урганишлари хамда уни хаётга тадбик килишлари талаб этилади.

## Мавзу буйича назорат саволлари:

1. **Категория (тушунча) нимани англатади?**
2. **Эзгули ва ёвузлик мезоний тушунчалари сифатидаги мохиятини тушунтиринг?**
3. **Фазилат ва иллат хакида тушунча беринг.**
4. **Мухаббат ва нафратнинг мезоний тушунчалар сифатидаги мохияти нима?**
5. **Яхшилик ва ёмонлик тушунчаларини тушунтиринг?**
6. **Адолатни тушунтиринг.**
7. **Бурч категориясининг мохиятини тушунтиринг.**
8. **Ота-она ва фарзандлар бурчи хакида тушунча беринг.**
9. **Виждон нима?**

10. **Виждоннинг бахолаш хусусиятини тушунтиринг.**
11. **Ор-номуснинг мохиятини тушунтиринг.**
12. **Идеал нима?**
13. **Хаётнинг маъноси деганда нима тушунилади?**
14. **Бахт нима?**
15. **Ахлокий тамойилларни инсон камолотида таъсири кай тарзда руй беради?**
16. **Шахс хаётида ахлокий меъёрлар кандай урин тутади.**

**Мавзуда учрайдиган айрим сузларнинг изохли лугати**

1. Категориялар (юнонча – таъриф бериш, фикр айтиш) – обьектив реалликдан ходисаларнинг асосий хусусиятлари ва конуниятлари акс эттирадилар ва даврнинг илмий-назарий тафаккурини характерини белгилаб берадиган умумий тушунчалардир.
2. Имон (араб- ишонч, эьтикод) – ислом динида унинг акидаларига – Оллохга, Мухаммадга ва илохий хисобланган китобларга, такдирга, охиратга ишониш.
3. Идеал (юнонча «idea» тарз, образ, тушунчалар, бирма-бир нарсада намуна, камолот, айрим кишиларнинг, гурухларнинг интилиши ва хатти-харакатини белгилайдиган олий максад).
4. Эвдемончилик – юнонча – бахт маъносини англатадиган суз.

**7-мавзу: Ахлокий тамойилар ва меъёрлар хакида тушунчалар. (2 соат).**

Кириш.

1. Ахлокий тамойиллар ва меъёрлар хакида тушунча.
2. Инсонпарварлик, эркпарварлик ва ватанпарварлик ахлокий тамойиллардир.
3. Миллатпарварлик, фидойилик, зиёлилик в мехнатсеварлик тамойиллари.
4. Тинчликпарварлик, жумардлик, узбекчилик, мехмондустлик тамойилларини характерли хусусиятлари.
5. Халоллик ва ростгуйилик, ширинсуханлик, камтарлик ва босиклик ахлокий меъёрлардир.

**Адабиётлар:**
**4, 6, 14, 15, 16, 24, 25**.

7.1. Ахлокий мезон тушунчалари сингари ахлокий тамойилар хам ахлокий онг шаклларидан булиб, уз мазмунида инсондаги фазилатлар ва хислатларни акс эттиради. Ахлокий тамойилларда ахлокий талаблар нисбатан умумий тарзда номоён булади ёки кузга ташланади.

Ахлокий тамойиллар жамият томонидан шахсга куйиладиган талаб тарзида номоён булиб, инсоннинг ахлокий мохиятини, унинг хаётий мазмунини, одамлар билан узаро алокаларидаги асосий жихатларини белгилаб беради. Натижада ахлокий тамойиллар, инсон хатти-харакатининг умумий йуналишини курсатади, купгина ахлокий меъёрлар учун асос булиб хизмат килади.

Ахлокий тамойиллар ва ахлокий меъёрлар диалектик алокадорликда булиб, ахлокий тамойилларига хос булган ахлокий меъёрларини келтириб чикади. Ахлокий тамойиллар ижтимоий хаёт ва ундаги вокеаларни узига хос махсус воситалар билан акс эттиради ва маълум улчов бирлигини меъёр билан тартибга келтирилади. Нарса ва ходисалардаги микдорий ва сифатий томонлар доимо бир-бирини таказо килиб, биргаликда булади. Ахлокий тамойилар хам микдор ва сифатнинг бирлиги, узаро богликлигини акс эттириб, меъёр тушунчасида ифодаланади. Масалан, ватанпарварлик ахлокий тамойиллардан бири булиб, унинг ахлокий  меъёри энг аввало Она заминга булган мухаббат, уни севиш, эъзозлаш, унинг равнакига хар бир фукаронинг уз хиссасини хар бир фукаронинг уз хиссасини кушишга эришиш ва хокозолар.

Демак, ахлокий тамойиллар кандай шаклда булмасин, меъёрий карашларда уз ифодасини топади. Бу фикрни тугрилиги, мазмуни ва мохиятини навбатдаги саволларда куриб чикамиз.

7.2. Ахлокий тамойилларнинг энг кадимий ва энг мухимларидан бири- инсонпарварликдир.

Инсонпарварлик – одамийлик демакдир. Унинг мазмуни ва мохиятида азиз инсон зотини хурмат килиш, кадр-кимматини билиш хамда унинг бахт-

икболи йулида доимо фидокорлик билан курашиш ва инсонларга гамхурлик курсатишдан иборатдир. Инсонпарварлик энг аввало инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилайдиган ва баркарор этадиган гоялар, карашлар ва баркарор этадиган гоялар, карашлар ва эътикодлар мажмуи, шахс эрки, кадр-киммати, унинг бахтли булиш хукукини талаб этиш имконини мавжудлигига енгилмас ишончдир.

Инсонпарварлик фазилатлари хакидаги фикрлар кишилик жамиятининг дастлабки даврларида, зардуштийлик динининг мукаддас китоби «Авесто» да ва бошка ёзувлар, манбаларда хам акс эттирилган. Демак, ижтимоий хаётнинг дастлабки даврларида барча мутафаккир ва атокли кишилар одамларнинг бахти ва икболи хакида кайгурганлар ва эзгу ниятларин айтганлар хамда бу йулда фидокорона курашганлар. Шунинг учун уларнинг номлари абадий бархаётдир. «Инсонпарварлик, - деб таъкидлайди юртбошимиз И.А.Каримов, - бу узбек халки миллий рухиятининг ажралмас фазилатидир.шафкатсизлик ва зуровонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халкимиз узининг вокеаларга бой куп минг йиллик тарихи давомида куп нарсаларни  бошдан кечирди-маданият, илм-фан, уз давлатчилиги ютуклари нашидасин сурди, узаро низолар бегоналар асорати аламни тортди, энг яхши угил- кизларидан жудо булди. Лекин, тарихнинг уйини хам, омонсиз жангу жадаллар хам, табиий офатлар ва очлик хам халкимизнинг инсонийлик табиатига дог тушираолмайди. Узбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруглик, болаларга мехр-катталарга хурмат, якинларга ва бошкаларнинг кайгусига хамдардлик мужассамлашгандир». (Каримов И.А. Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули. Тошкент, «Узбекистон», 1992, 66-бет).

Умумжахоний динларнинг хаммасида хам инсопарварлик гоялари устувор хисобланади. Хадисда: «Одамларга  таом единглар ва ширин суз булинглар. Очларга овкат беринг, беморларна бориб куринг ва хожатини чикаринг»-, деб таъкидланади. (Ахлок-одобга оид хадис намуналари. Тошкент, «Фан», 1990, 32-бет).

Утмишда доноларимиз, жумладан Ахмад Яссавий инсонпарварлик, одамийлик, саховат, гарибларга ёрдам масаласига алохида эътибор бериб, унигча инсоннинг дунёси инсонпарварлик билан обод.

Инсонпарварлик адолат, шафкат, мехрибонлик, химмат, саховат, кишиларга одамийлик, олийжаноблик бахш этиш демакдир.

Инсонпарварлик кишиларда турли миллат халкларига мехр-мухаббат хиссини таркиб топтирди. Адолатсизлик, тенгсизлик, текинхурлик, виждонсизли каби ахлок-одобга зид хатти-харакатларга муросасизликни шакллантиради. Инсонпарварлик – умуминсоний кадриятлар сирасига киради.

Президент И.А.Каримов: «Бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний кадриятлар билан богланиб кетган. Асрлар давомида халкимиз умумбашарий, умуминсоний кадриятлар такомилига улкан хисса кушган. Турли миллат вакилларига хурмат, улар билан бахамжихат яшаш, диний багрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, узга халкларнинг илгор тажрибалари ва маданиятини урганиш каби хусусиятлар хам халкимизда

азалдан мужассам», - деб таъкидлаган. (И.А. Каримов: Миллий истиклол, мафкураси-халк эътикоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. Тошкент, «Узбекистон», 2000, 24-бет).

Инсонпарварликнинг марказида шахс туради, у инсоний хукукларини таъминлаш учун мехнат килиш, курашиш талаб этилади. Узбекистонда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараккиёт сиёсатининг стратегик максади хукукий демократик давлат ва бозор иктисодиётига асосланган фукаролик жамиятини барпо этиш вазифаси турар экан, инсонга мехр-мухаббат ва иззат-хурмат курсатиш тамойил килиб олинган, шунинг билан бирга шахснинг хар томонлама камол топиш учун  зарур булган хакикий инсоний шарт-шароитларни яратишни уз олдига олий максад килиб куйган.

Эркпарварлик  хам инсонпарварлик билан диалетик алокадорликдадир. Агар инсонпарварлик тамойилини шахснинг барча инсоний хак-хукуклари химоясида турса, экрпарварлик эса унинг маълум маънода муайянлашган бир кисми хисобланади.

Эркпарварлик тамойилининг мазмунида инсоннинг энг олий хукуки-эркин, озод яшаш хукукини химоя килишликдир. Маълумки, эрксиз инсон-асир, эрксиз миллат-кул, эрксиз мамлакат-мустамлака. Эркпарварлик, аввало, уз миллати, уз Ватани, эрки учун колаверса, бошка миллатлар ва ватанпарвар экри учун курашни хаётининг максади килиб куйган инсонлар тамойилидир. Эркпарвар инсон – кулликнинг, мутеликнинг хар кандай куринишини инкор этади, инсон хукукларини хар томонлама химоя килади.

Эркпарвар инсон хар бир шахснинг суз эркинлиги, уз фикрини тугри баён килиши, сайлаш хукуки, виждон эркинлиги учун курашади. Шунинг билан бирга бутун – бутун миллатлар эрки масаласини уртага ташлайди, миллий озодлик харакатлари учун туртки берди.

Эркпарвар инсон бошкалар эрки учун хам курашади, бу борада уз хаётини курбон килишга тайёр туради. Бунинг ёркин мисоли буюк иглиз мумтоз шоири Жорж Байрон сиймосидир. Байрон инглиз булатуриб, уз ватани Англияда Ирландия озодлиги, ирландлар эрки учун курашди, хайрат ва нафратга учради, Ватанни тарк этишга мажбур булди, узга ватанлар эрки учун курашга отланди ва Италияни Австрия истибдодидан озод килиш харакатини рахбарларидан бирига айланди. Италиядаги озодлик харакати маглубиятга учрагач, Байрон Кадим Юнонистонни Туркия зулмидан озод килиш учу курашди. У Юнонистонда, боткоклик ёндги Миссолуни шахрида огир безгакдан вафот этди.

Демак, эркпарварлик тамойили инсон хаёти ва фаолиятида мухим ахамият касб этади. У инсон эрки, хукуки учун кураш олиб борадиган жараёндир.

Ватанпарварлик инсонни уз Ватанига мухаббатини, уни асраб-авайлашга булган иштиёкини англатувчи ахлокий тушунчадир. Ватанпарварлик инсонпарварликнинг муайянлашган шакли хисобланади. Ватанпарварлик, энг аввало, уз ватандошлари эркини асраш учун кураш, инсон озодлиги йулидаги хатти-харакатлардлир. Ватан химояси – бу инсон

химояси, миллат химоясидир. Ватан химояси вакат жанг майдонида эмас, балки барча сохаларда номоён булиши керак.

Ватанни севиш – ватанпарвар булиш демакдир. Хадиси Шарифларда «Ватанни севмок - иймондандир», - деб бежиз айтилмаган. Инсон учун Ватандан юксак бойлик йук. Имоннинг, диёнатни тикламай туриб, истиклоли истикболи буюк Ватанни яратиш мумкин эмас. Ватанпарварлик туйгуси эса гудакликдан бошлаб шаклланади, у сунгги нафаси буйича бокий булади. Ватанни кадрламайдиган кишини халк хам кадрламайди. Хар жабхада Ватанни эришган мувафаккиятларидан кувонч, муваффаккиятсизликларидан кайгу хиссини туйиш, Ватан билан гурурланиш, унинг хар бир карич ерига, биносининг хар бир эшигига, кадимий обидаларига, илм-фан, санъатдаги ютукларига мехр билан караш, уларни куз корачигидек асраб-авайлаш булар хаммаси ватанпарварликдир. Ватан ва ватанпарварлик хиссини, миллат хиссини хар бир узбек фукароси чукур англаши, айникса Узбекистонлик булганидан, уз юртига дахлдорлигидан фахрланиши лозим.

«Ватанни хар бир фарзанди, - деб таъкидлади Президент И.Каримов, - узини ота юртининг ажралмас булаги деб хис этаяпти ва бундан фахрланаяпти. Истиклол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган буламиз». (И.Каримов. узбекистон келажаги буюк давлат. Тошкент, «Узбекистон», 1992, 4-бет).

Ватанпарварлик – бу она заминга булган мухаббат, уни севиш, эъзозлаш, унинг равнакига хар бир фукаронинг уз хиссасини кушишга эришувидир.

Ватанпарварлик – бу она  Ватан, мустакил Узбекистон тушунчаларини уз онгига синглириш ва унга содик булишликка эришишдир. Бола мехрибон онасининг бешигини кучоклаб айтган алласини, она-Ватан алласини эшитиб камол топади. Ватанпарварлик – бу уз миллатига, она Ерига, имонига содикликдир. Ватанпарварлик – бу Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати билан яшашдир. Ватан тараккиёти, миллат обрусига хисса кушиш, фойда келтириш, фидойилик, халоллик билан мехнат  килиш, халкнинг шон-шухрати  ва манфаатини уйлаш, инсонпарвар булиш демакдир.

Ватанпарварлик – бу хар кишининг уз халкига булган фидойилари ва халк дардини уз дардларидек уйлаб яшаш, Узбекистоннинг буюк давлат булишига хисса кушишдир.

Бугунда ёшларда ватапарварлик туйгусини тарбиялаш, уларна Ватан маъносини теран англаб етишга ургатиш, ватанпарварлик юксак тамойил эканини тушунтириш ахлокшуносликнинг долзарб вазифасидир.

Хулоса. Инсонпарварлик, эркпарварлик ва ватанпарварлик ахлокшуносликнинг тамойилларидан булиб, уз мазмунида инсонийлик фазилатларни мужассам этади.

7.3. Миллатпарварлик мухим ахлокий тамойиллардан бири хисобланади ва ватанпарварлик тамоийилининг янада муайянлашган шаклидир. миллатни севиш – Ватанни севиш деган маънони англатади. Ватансиз миллатни севиш ёки расман эркин ва бахтли яшаш мумкин эмас.

Миллатпарварликни миллатчилик билан кориштириб юбориш мумкин эмас. Миллатчилик уз миллатини ажратиб олиб, унга буюклик макомини беришга интилишдир. Миллатчилик – бошка миллат кишилари манфаатлари, эхтиёжларига беписандлик билан карашдир. Миллатчилик уз миллати, манфаатлари, эхтиёжларини камситиш ёрдамида кондиришдир.

Президент И.А.Каримов куйидаги фикрларни алохида таъкидлаган эди:

«Ушбу тарихий тажриба шудан сабок берадики, катта сиёсатга интилаётган бошка халкларни камситиш ва чеклаш асосида уз халкига фаровонлик яратиб беришга ва шу холатни саклаб туришга харакат килаётган сиёсатчилар ва шахсларнинг хатти-харакатларини хеч кандай олийжаноб ниятлар хам оклай олмайди». (И.Каримов. «Узбекистон аср бусагасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари». Тошкент, «Узбекистон», 1997, 52-бет).

Миллатчилик уз миллатини ажратиб олиб, унга буюклик макомини беришга интилиш булса, миллатпарварлик бошкаларни камситган холда, уз миллати, равнаки учун курашиш, бу йулда лозим булса, уз хаётини хам фидо килиш демакдир. У инсонпарварлик билан чамбарчас боглик. Чунки, уз миллатини чин дилдан севмаган одам хеч качон бошка миллатни сева олмайди.

Миллатпарвар – миллий узлигини англаб етган инсон булиб, у уз миллати билан фахрланади ва уз миллати била бутун жахоннинг фахрланишини истайди.

Миллатпарварлик тамойили асосида миллий гоя ётади. У миллатпарварликнинг илмий-назарий асоси сифатида майдонга чикади. Миллий гоя инсон ва жамият хаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу максад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир.

Миллатлараро тотувлик гояси мазмунида нималар турганлигини Президент И.А.Каримов таъкидлаб бундай деган эди: «Бу гоя – бир жамиятда яшаб, ягона максад йулида мехнат килаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар уртасида узаро хурмат, дустлик ва хамжихатликнинг маънавий асосдир».

«Бу гоя – хар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салохиятини тула руёбга чикариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халк фаровонлиги каби эзгу максадлар сари сафарбар этади». (Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Узбекистон» 2000 й, 39-бет).

Миллатпарварлик мамлакатда яшаётган турли миллат вакилларининг тенг хукуклиги, тинч-тотув яшашликни таказо этиб озод ва обод Ватан, хур ва фаровон хаёт куришликнинг вазифа кили  куяди.

«Миллий мафкурамиз, - деб таъкидлади Президент И.Каримов, - хар кандай миллатчилик ва шунга ухшаш унсурлардан, бошка элат ва халкларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва карашларида мутлако холи булиб, кушни давлат ва халклар, умуман жахон хамжамиятида, халкаро майдонда узимизга муносиб хурмат ва иззат козонишда пойдевор ва рахнамо булиши даркор». (Баркамол авлод орзуси. Тошкент, «Шарк», 1999, 38-бет).

Мамлакатимизда яшаётган барча миллатлар тенг, озод, эркиндир. Ана шу тамойил жахон сиёсатининг зарур коидаси булиб хисобланади. Мустакил Узбекистонда 130 дан ортик миллат ва элат вакиллари яшамокда. Мамлакатимизда миллатпарварлик тамойилига амал килиниши барча миллатларнинг равнаки, гуллаб-яшнаши учун хизмат килмокда.

Фидойилик нима? Хар бир жамиятда яшайдиган инсон, фукаро, мамлакатдаги, жамиятдаги конун-коидаларига риоя килиши талаб этилади. Бу жараён ахлок-одобга риоя килишликдан келиб чикади. Мамлакатнинг конун-коидаларига буйсунмаслик турли хил жиноий ишларни келтириб чикариши мумкин. Жамоада шундай фукаро, инсонлар борки, баъзиларрни худбин, баъзиларин фидойи деб айтилади. Худбин киши уз манфаатини кузлайди, бировга мехр-мурувват килишни истамайди. Саодатномада бундай дейилган: «Факат уз манфаатинигина кузлаб иш тутадиган шахс узини энг окил одам деб хисоблайди. Аслида бундай шахс худбин, эл учун яшаб, уз манфаатини бошкалариникидан устун куймадиган одам эса чин инсондир… Худбинлик – тотувликнинг энг ашаддий кушандаси». (Усмонов Рахимжон. Саодатнома. Танланган асарлар. Тошкент, «Укитувчи», 1995, 42-бет).

Фидойи инсон эл иззат-хурматига сазовор булади, худбин одам элнинг, халкнинг нафратига сазовор булади. Фидойи инсон бошкалар манфаати йулида уз конуний манфаатларни, баъзан эса хатто хаётини курбон килишга тайёр туради ва зарурат тугилганда курбон килади хам; жамият учун умумий булган олий максад ва идеалларни деб узидан воз кечади. Бунга иккинчи жахон уруши кахрамони Туйчи Эрйигитовнинг фидойилиги ёркин мисол була олади. У душман пулемётига куксини калкон килиш билан унлаб, балки юзлаб узига ухшаш одамлар хаётини саклаб колди; бу одамлар эса уз навбатида жахон фашизми галабасининг хавфини камайтира бориб, охир-окибат йукка чикардилар, уларнинг зурриётлари эса хозир хам дуёнинг янгланиши, узгариши учун, олий максадлар учун хизмт килмокдалар. Туйчи Эрйигитовнинг номи биз билан бирга, хеч качон халк ёдидан чикмайди.

Фидойилик тамойилининг мазмуни турли тарихий давр ва ижтимоий жараёнлардан турлича муайянлашади; у маълум бир даврларда оммавийлашиш ёки камайиши мумкин. Чунончи, мустакликка эришганимиздан сунг дастлабки пайтларда утиш даврига хос булган – фидойиликка нисбатан худбинлик тамойилининг кучайишини курдик. Хозирда келиб эса, аксинча, аста-секинлик билан жамиятимизда фидойилик устувор тамойил макомини эгаллаб бормокда.

Президент Ислом Каримовнинг фидойилик тамойили мохиятини тула англатадиган: «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!» деган сузларини ахлокий шиор килиб олган жамият аъзоларини илгр кисми тобора купайиб бормокда ва хаётимизнинг барча жабхалариги кириб бормокда.

Зиёлилик тамойили кишилик жамиятидаги маданий ва интеллектуал – аклий тараккиёт билан боглик. Шунинг учун зиёлиликни инсон пайдо булганидан анча кейин вужудга келган ахлокий ходиса деб талкин этиш максадга мувофикдир. Зиёлилик тамойили инсоннинг кундалик шароитидан

зарурат асосида тасодифат пайдо булган ижтимоий-ахлокий ва маърифатпарварлик фаолияти билан бевосита богликдир.

XX аср алломаларидан бири, буюк олмон файласуфи, «Франкфрут мактаби» нинг номояндаси Теодор Адарно Иккинчи Жахон урушидаги сунг, зиёлилик – ахлокий категория деган фикрни айтди, у мутлако хакли эди.

Зиёлилик ахлокий тушунча – тамойил сифатида мураккаб ва купёкламалик табиатига эга. Баъзилар, зиёлилик деганда олий маълумотли кишига хос булган фазилатни тушунадилар. Вахоланки, зиёлилик тамойили табака ёки гурухга мансублик маъноларини англатмайди.

Оддий фермер – дехкон хам, хайдовчи хам, фаррош хам зиёлилик тамойили билан иш куриш, ижтимоий бахога лойик булиши мумкин. Бунда у одамнинг касбидан катъий назар, хам билим, хам фахм-фаросат, хам олий максадлар эгаси экани тушунилади.

Демак, зиёлилик асосида инсоннинг маънавий-маърифий юксаклиги, калбдаги ички нур, атрофни хам нурлантира оладиган зиё билан белгиланадиган хатти-харакатлар ётади.

Зиёлилик тамойилига хукмрон – маъмурий доиралар ва халк томонидан узига хос муносабатлар мавжуд. Чунончи, биринчи тоифадагилар куп холларда зиёлиликка умумий тарзда ижобий муносабатда буладилар, лекин масала муайян зиёли шахсларга бориб такалганда , манфаатлар тукнашуви руй беради; зиёлилар хукмронлар тоифасини зиёлилар тамоийли асосида, табиатни ёкмайди, буни хокимият ишларига аралашиш деб ижирганадилар, турли бахоналар топиб, зимдан зиёлиларга карши курашадилар. Бунга Лев Толстой буюк, покиза инсоннинг черков томонидан лаънатланиши ёки норасмий Туркистон Лигасининг рахбари, истиклол фидойиси, мард саркарда, хакикий зиёли, чор армияси генерал майори Журабек Каландар кори углига суикасд  уюштирилиши Куйликдаги уз ёзги богида сирли равишда улдирилиши ходисалари якаол мисол була олади.

Мустамлакачиликка ва тоталитар тузумларга асосланган мамлакатларда зиёлилик тамойилига содик кишлиар тугридан тугри, очик катагон килиндилар. Бунга мисол килиб, Фитрат, Кодирий, Чулпон каби жадидларни Сталин – Хитлер канцлагерларида халок булган минглаб зиёлиларни келтириш мумкин.

Зиёлилик кенг маънодаги фидойиликдир. Шу боис мустакилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бизда зиёлилик тамойилини хар бир фукаро онгига синглириш учун мунтазам кураш олиб бормокда. Уни сингдириш эса маънавиятни юксалтириш оркали руёбга чикади.

«Маъавият, - деб таъкидлайди Президнт И.А.Каримов, - инсоннинг, халкнинг, жамият ва давлатнинг куч-кудартидир. У йук жойда хеч качон бахт-саодат булмайди».

Президент И.Каримов Узбекистон уз мустакиллигини кулга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамият куришнинг назарий концепциясини ишлаб чикиб, иктисодий ва ижтимоий-сиёсий хаётни кайта куришни миллат – маънавий тикланиши билан уйгун холда булиши кераклигини хам асослаб берди:

«Бугунги кунда, - деб таъкидлади Президент И.А.Каримов, - олдимизга куйган буюк максадларимизга, эзгу ниятларимизга, эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, хаётимизнинг тараккиёти ва истикболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаоларимизнинг самараси такдири – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб беради». Юкори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас богликлигини барчамиз англаб етмокдамиз. Шу билан бирга, хаммамиз яна бир хакикатни англаб етмокдамиз. Факатгина чинакам маърифатли одам инсон кадрини, миллат кадриятларини, бир суз билан айтганда, узлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустакил давлатимизнинг жахон хамжамиятида узига муносиб, обрули урин эгаллаш учун фидойилик билан курашиш мумкин. (Баркамол авлод – Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Тошкент, «Шарк», 1997, 5- бет).

Хулоса. Зиёлиликни ижтимоий хаётда рол каттадир. Хар бир давлат зиёлиларга таянган холда юксакликка кутарили боради. Бу жараён эса мехнатсеварлик тамойили асосида ривожлана боради.

Мехнатсеварлик инсоннинг бебахо фазилати булиб, унинг инсон камолотининг асосий омиллари булиб, унинг бутун жараёндир. Инсон уз мехнати туфайли уз максадига каратилган жараёнларни акс эттириб уз талаб ва эхтиёжини кондиради.

Халол мехнат киши хаётининг мазмунини ташкил этади. Халол мехнат билан тирикчилик килиш ва яшаш инсон хаётининг энг олий безагидир. «Мехнатдан келса бойлик, турмуш булар чиройлик», - деган хикматли, донолар сузида жуда куп фалсафий – ахлокий маъно бор.

Мехнатсеварлик тамойили мехнат жараёнида шахснинг уз-узини намойиш этишга, узлигини руёбга чикаришга, узгалар билн муносабатлар урнатишга имкон яратувчи ахлокий фазилатдир. У инсондаги халолликни, интизомни, иштиёк ва интизомни талаб этади, мехнатга нисбатан субъектив тарздаги ижобий муносабатни таказо килади.

Мехнатсеварликнинг мазмунида, инсон уз мехнати билан нафакат уз талаб-эхтиёжини кондиришни максад килмасдан, халкни, Ватаннинг талаб эхтиёжини кондиришни хам максад ва вазифа килиб куйиши керак. мехнатсеварлик замирида уз манфаати билан биргаликда Ватанга, халкка, якинларига хурмат килишдек олийжаноб максадлар ётади. Бу эса инсонни юксаклик томон етаклайди. Инсон нима билан фахрланса ёки эъзозланса хаммаси мехтанинг натижасидир. Буюк аллома Бахоуддин Накшбанднинг «Дил ба ёру даст ба кор» («Дил Аллохда, кул мехнатда»), деган хикмати бугунги кунда хам уз ахамиятини йукотмаган. Мехнатсеварлик – киши камолотининг асосий омилларидан бири хисобланади. Мехнат мухтожликдан, юрак сикилишидан, ахлокий бузилишдан саклайди. Мехнат умр сайкали, хаёт безаги. Мехнатсеварлик туфайли обру-эътибор ортади, кишидан яхши ном колади, унинг хаёти сермазмун, сержило, баракали булади.

Кадимдан ота-боболаримиз бола тарбиясида мехнатга ургатишга, касб-хунарга кизикишга алохида эътибор берганлар ва келмокдалар. Укувчи

ёшларни кунт билан мехнат килишга ургатиш, унда мустакил ишга хавас уйготиш катталарга нисбатан хурмат хиссини тарбиялаш, мактаб, оиланинг мукаддас бурчидир.

Инсон хукуклари умумжахон декларациясининг 23-моддасида «Хар бир инсон мехнат килиш, мехнат турини ихтиёрий танлаш, адолатли, кулай мехнат шароитида ишлаш хукукига эга», - деб таъкидланган. Бугунги кунда Узбекистон мустакиллигини мустахкамлаш, халк фаровонлигини таъминлаш йулида фиокорона мехнат килаётган кишилар билан фахрланиш, улардан урнак олиш зарур.

«Буюк давлатни кузлаб, - деб таъкидлади юртбошимиз И.А.Каримов, - порлок келажак учун, фарзандларимиз икболи учун яшаш ва халол мехнат килиш Узбекистонда истикомат килаётган хар бир кимсанинг мукаддас бурчидир».

7.4. Тинчликпарварлик тамойили хам инсоният хаётида ухим ахамиятга эга. Тинчликпарварлик урушнинг, кон тукилишнинг хар кандай куринишларини рад этади. Оддий тинчликсевар шахснинг тинч-тотув яшашга булган ижобий муносабати билангина чегараланиб колмайди, балки душманлик ва тажовузкорликка карши курашни, зарба беришни таказо этади. Тарихдан маълумки, кейинги беш минг йил мобайнида одамзот ун беш мингдан зиёд катта – кичик урушларни бошдан кечирган. Бу урушлар инсоният ёстигини куритган, инсониятнинг тинчлигини бузган, очликка, касалчиликка мубтало этган, миллионлаб-миллионлаб кишиларнинг мажрух килиб ташлаган, очарчилик, турли хил касалликларни келтириб чикарган.

Шунинг учун инсоният башарияти тинчлик учун курашган ва курашиб келмокда. Тинчликпарварлар фидойи инсонлардир. Уларнинг ана шу фидойиларга хатти-харакатлари пировард натижада хар бир инсон хаётига такрорланмас ноёб кадрият сифатида карашга, хар бир фукаро кадрини, хар бир давлат суверинитетини, хар бир миллатнинг хаёт тарзига монанд яшаш, хукукини мукаддас деб тан олинишига олиб келади. Мамлакатлараро жамият тартибини саклашга, авлодлар равнакига, тарихий-маданий хамкорликка, миллатлар ва турли ижтимоий гурухлар орасида, узаро тушунишнинг карор топишига хизмат килади.

Тинчликпарварлик даврмизнингшоир. Юрт тинчлиги бебахо неъматдир ва баркарор тараккиёт гаровидир. Мустакилликнинг дастлабки кунлариданок асосий эътибор юрт тичнлигига каратилди.

Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойилларда куйидаги фикрлар таъкидланади:

«Узбек халки тинчликни юксак кадрлайди, уни уз орзу-интилишлари, максад муддаолари руёбга чикишининг кафолати деб билади. Шунинг учун доимо Яратгандан тинчлик ва омонлик тилайди».

Лекин афсуски, хаётда бу эзгу тилакларнинг ижобий булишига доимо каршилик киладиган кучлар хам бор. Улар узларини гаразли максадалри, нафс балоси йулида башариятни хамиша низо-адоват, уруш ва киргинлар домига тортиб келади. (Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар.тошкент, «Узбекистон», 2000 йил).

Бугунда ер юзидадаги барча миллату элатларни бирлаштириб турувчи куч, шубхасиз тинчликдир. Одамзот азал-азалдан осуда ва хотиржам хаётни таъминлашга интилиб яшайди. Бирок икки карама-карши куч – эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, окибат ва разолат кадам-бакадам юрар экан, тинчликка, осойишта турмушга рахна солувчилар хам мавжуддир.

Бугунда халкаро терроризм – тинчлик ва тараккиёт кушандаси, XXI аср вабоси айланмокда. Узбекистон халки бошка халклар сингари терроризмнинг кандай офат эканлигини яхши билади. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг бир неча йиллардан буён нуфузли минбарлардан туриб жахон хамжамиятининг терроризмга карши бахамжихат курашга чорлаётганлари, халкимизнинг хар дакика, хао соатда огох ва хушёр булишга, уз уйимизни, уз юртимизни узимиз асрашимизга даъват этаётганларни эсдан чикармаслик керак.

Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойилларда куйидаги фикрлар таъкидланади :

«Юксак маънавият, сиёсий маданият, миллатнинг гоявий ва мафкуравий етуклиги- юрт тинчлигини сакланишнинг мухим омилидир. Халкимиз учун азал-азалдан мукаддас булган бу гоя жамиятдаги турлича фикр ва карашга эга булган барча куч ва харакатларни бирлаштиришга ва шу оркали миллий хамжихатликни мустахкамлашга харакат килади». (Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т, «Узбекистон», 2000 й, 54-бет).

Жумардлик тамойили эса Шаркда кадимдан мавжуд. Овропада уни альтруизм номи билан Огюст Кант илмий муомилага киритган. Жумардлик кишидаги уз кавмдошига ачиниш хиссидан, унга бахт, фаровонлик тилаш туйгусидан келиб чикади, мохиятан беминнат хайрияга асосланади. Уз манфаатидан уз манфаатини устун куйиб, «уз огзидагини узга огзига тутиб» яшаш жумард инсонинг хаёт тарзига айланади. Бу оддий хаёрия эмас, балки мухтожликнинг хар кандай куринишига эркин ихтиёри билан боглик ахлокий тамойилдир.

Бизнинг миллий ахлокшунослигимизда узбекчилик, мехмондустлик каби тамойиллар мавжуд. Улар миллатимизнинг энг яхши анъаналарига садокат туйгусидан келиб чикади ва узбек кишисига хос багрикенглик, дустга, мехмонга борини багишлашдек хусусиятларини узида мужассамлаштиради.

Узбекчилик тамойилини уз хаёт тарзига сингдириб юборган кимсани номини эл-юрт орасида «барака топгур» ибораси билан кушиб айтилади. Кишлок ёки махаллаларда, хашарларда, маъракаларда, «камишдан бел боглаб» хизматда туриш, бемор махалладош ёстиги устида далда беришга доим вакт топа олиш, куни-кушниларга хакикий хамсоя булиб яшаш узбекчиликнинг энг асосий урсурларидир.

Узбекчилик билан сингиб кетган тамойиллардан бири мехмондустликдир. Масалан, гарб кишиси узи таклиф килмаган кишини эшикдан мулойим савол-жавоб билан кайтариб юборади. Ахлокий одоблардан узини озод деб хисоблайди, узининг эркинлик хукукини устувор

санайди. Узбек эса, эшикдан келган кишини «бир пиёла чой» га таклиф этади, кирса, жуда булмаганда олдига нон-чой куяди, нотаниш булса, танишади, хол-ахвол сурайди, миллатида катъий назар унга хамдард, кумакдош булишга интилади ва буни ахлокий мажбурият тарзида эмас, бир анъанавий одат деб хисоблайди.

Мехмондустлик узбек халкининг олий фазилати. Шунинг учун хам мехмоннинг катта-кичиги булмайди, дейди халкимиз. Халкимиз мехмондустликни яхшилик рамзи деб билишган.

Мехмон келганда узлари оч утирса хам, мехмон олдига чой дамлаб, уйда бор масалликдан бирор таом тайёрлаш узбек халкининг одати булган.

Мехмон келиши оилада доимо озодалик ва покизалик булишини талаб этади. Инсоннинг касб-кори, тутган мавкеидан катъий назар мехмон сифатида чегара белгилаб куйилмаган. Шунинг учун хам халкимиз «Мехмон отангдан улуг» деган наклни бежиз айтмаган. Хулоса. Маънавиятимизнинг шаклланиши учун бизда бой манба – миллиц кадриятлар мавжуд. Биз миллий кадриятларни тиклашдан хар бир инсонга мехр-мухаббатли булиб хамдардлик килсак, хар бир инсонни очик чехра билан кутиб олсак миллий гururимизни янада баланд кутарган буламиз.

7.5. Инсон хаётида ахлокий меъёрлар хам катта ахамиятга эгадир. Ахлокий меъёрлар ахлокий тамойилларга нисбатан соддарок хамда умумлашмаган, тор камровли хисобланади. Улар ахлокий талабаларнинг энг оддий сифатида руёбга чикади.

Халоллик ва ростгуйлик – виждон тушунчаси билан боглик булиб, инсоннинг узгага муносабатини узига муносабатида соф булишини талаб этувчи меъёрлардир. Мустамлакачилик даврида, айникса, шуролар даврида ёлгон, алдов, нопоклик, харомхурлик, мунофиклик сингари иллатлар халкимиз онгига шу кадар сингдирилган эдики, унинг асорати хозиргача давом этиб келди. Суз билан иш бирлиги йуколди, когоздаги чиройли гаплар хаётга тугри келмай колди. Буларнинг хаммаси одатий хол деб кабул килинди. Мустакилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу иллатларга карши кураш бошланди. Халоллик ва ростгуйлик инсон ахлокий поклигининг кузгуси булиб, уз мазмунида инсон ахлокий софлигининг, ахлокий эътикодининг, максади хамда хатти-харакатини акс эттиради.

Халоллик инсонннинг атрофдаги кишилар билан буладиган муносабатларидан самимийлигини, сидкидиллигини, соф ва очик кунгиллилигини ифодалайдиган хамда суз билан амалий фаолиятнинг уйгунлигини номоён киладиган ахлокий меъёрдир. Халоллик-ростгуйлик ва софдиллик каби инсоний фазилатларнинг ифодасидир. Халоллик шахснинг одамлар билан булган муносабатларида уз ифодасини топса, ростгуйлик хар кимнинг сузида ифодаланади. Хозирги кунда Мустакил Узбекистонда миллий-маънавий кадриятларни тикланиши, одамларнинг халол, инсофли, адолатли булишга чакиришни уз ички сиёсатининг мухим кисми деб аталган холда иш тутмокда.

Бугунда комил инсонни тарбиялаш асосий вазифа килиб куйилган экан, энг аввало уларда халоллик ва ростгуйлик фазилатларининг шакллантириш

вазифа килиб куйилган. Хозирда халол, ростгуй, инсофли, фидойи инсонлардан ибрат фукаролик жамиятини куриш вазифаси килиб куйилган.

«Инсон ахлоки, - деб таъкидлади Президент И.А.Каримов, - шунчаки салом-алик, хушмуомиладангина иборат эмас. Ахлок – бу аввало инсоф ва адолат туйгуси, имон халоллик дегани». (Каранг: И.А.Каримов. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Узбекистон», 1995, 53-бет).

Бугунда Узбекистон Республикасининг фукаролари, шу жумладан, ёшлари уз фаолиятларида халоллик ва ростгуйлик фазилатларини карор топтириш катта ахамият касб этади.

Инсофлилик фукаролар ва жамият аъзолари орасидаги узаро муносабатлар меёъридир. Инсофлилик хам халоллик каби виждон тушунчаси билан боглик ва хаётнинг асл маъносини тушунишга ёрдам беради. Диёнатсиз одамларда инсоф булмайди. Инсофли булиш – бу бошкалар билан узининг бир каторда тутиш, улар тугрисида гамхурлик килиш, шу билан бирга узига гамхурлик килиш демакдир. Ислом динида инсофли булиш хакида алохида ахамитя берлган. Аллох Таоло «Яратилган каби тугри бул», - деб буюради.

Хазрат пайгамбаримиз эса : «Мусулмон кулидан ва тилидан бошка мусулмонларга озор етказмайдиган инсондир». «Аллохга сигинаман де, сунгра инсофли бул», - деб амир киладилар.

Инсофли булмаганлар виждони нопок, эътиборли, бахтли ва музаффар кишилардир. Инсофли кишилар эзгулик, яхшилик савоб ишга ташна булиб яшайди. Бировга яхшилик килиш, мурувват ва саховат курсатиш, уз харакатидан маънавий бахра олиш инсофли кишининг хаёт мезони, уз навбатида мурувват курган кишининг кунгли тог баробар кутарилади, боши осмонга етади. Инсонлар уртасидаги мехр-окибат ортади. Инсоф юзасидан килинган мурувват эса халолликни яна бир погона юксакликка кутаради. Инсофли киши олижанобдир. Миллий истиктлол мафкураси: асосий тушунча ва тамойилларда асосий эътибор кишиларни инсофли булишга каратилган. Келажаги буюк давлат булган Узбекистон халклари хаётида, якдиллик, имон, инсоф, суз ва иш бирлигини инсонпарварлик чукур илдиз олади ва куёш каби нур таратади. Президент И.А.Каримов: «Миллий истиклол мафкураси уз мохият эътиборига кура, жамият хаётининг маънавий мезони булиб, тафаккур узгариши, одамлар онгида янгича дунёкарашнинг шаклланиши ва ижтимоий фикр ривожи учун дастуриламал булиб хизмат килади», - деб таъкидлади. (Каранг: Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент «Узбекистон», 2000 й, 71-бет).

Хушфеъллик, ширинсуханлик, камтарлик, босиклик сингари ахлокий хатти-харакатлар меъёрлилик нуктаи-назарида мухим ахамият касб этади. Хар бир жамият даражаси маълум маънода ундаги фукаролар муомала маданиятининг юксаклиги билан хам белгиланади.

Ахлокий меъёрлар тамойиллар инсонни юксакликка кутаради. Хушфеълилик, ширинсуханлик кай даражада купрок ихтиёр билан кишининг маълум бир табиатга интилиши билан боглик булса, босиклик, камтарлилик

аксинча, купрок ирода кучи натижасида юзага келади. Одобли кишининг мухим хислатларидан бири ширинсуханликдир. У хушфеъллик, хушмуомилалик билан узаро алокадорликдадир.

Хушфеъллик, хушмуомилаликнинг жуда куп шакллари кундалик одат тусига кириб, кенг жамоатчилик томонидан кабул килинган норма ва коидаларга айланиб колган. Масалан, саломлашганда бошини эгиб, кулини куксига куйиб таъзим килиш, бир-бирларига унг кулларини узатиш ва хокозолар. Хушфеъллик, ширинсуханлик, камтарлик ва босиклик каби ахлокий меъёрий тушунча ва тамойиллар билан богликликни акс эттиради.

Узбек маколларида камтарлик, босиклик хакида жуда куп фикрлар айтилган:

Манманлик – касалликдир, унинг дориси – камтарлик.

Камтарлик пок калб ва тоза виждоннинг ишидир.

Хакикий камтарлик инсопарварлик, одамийлик каби хислатлар билан узвий богликдир. Камтар одам узини хеч качон мехнаткаш халкдан устун куймайди. Халк билан доимо бир тан, бир жон булиб яшайди. Оилада, турмушда, юриш-туришда, кийинишда оддий одамларга нисбатан самимий муносабатда буладилар. Инсон доимо камсукум (босинки) кишилардан хар кандай буюкликни, харкандай фидойиликни куриш мумкин. Узини тута билишда, кийинишда, юриш-туришда, одамлар билан муомилада камтар, содда, оддий булиши – одоблиликнинг мухим белгиларидан биридир. Академик А.П.Павлов камтар-иснон характерининг мухим хусусиятларидан яна бири деб хисоблаб, ёшлар мактубида куйидагиларни ёзди: «Хеч качон, энди мен хамма нарсани биламан, деб уйламанг. Сини канча кукка кутармасинлар хамма вакт мардона туриб узингизга «мен нодонман» деб айтинг». Камтарлик, босиклик, камсукумлик инсоннинг ирода кучи билан юзага келади. Муомилада босик, камтарин, «етти улчаб бир кесиш» тамойили асосида иш курган шахслар окил одамлар саналади ва улар жамиятда хам намунавийлик макомини ноил буладилар.

Камтарлик, босиклик, узини тута билиш, уз кадр-кимматини саклайдиган – узини устун деб хисобламаслик кишини олий фазилатларга етаклайди.

Бу хусусда Эркин Вохидовнинг куйидаги чиройли шеъри ибратлидир.

Гарчи шунча магрур турса хам
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру хаво нимага керак?
Камтарин бул, хатто бир кадам
Утма гурур остонасидан,
Пиёланинг инсон шунинг-чун
Упар доим пешонасидан.

Демак, камтарлик, босинкилик инсон ички маънавий дунёсининг ташки ифодасидир.

Хулоса. Ахлокий тамойиллар ва меъёрлар нима эканини, уларнинг шахс хамда жамият ахлокий хаётида накадар урни тутиши хакида фикр юритдик.

Ахлокий тамойиллар ва меъёрлар ахлок-одоб талабларини тартибга келтириша хамда хаётга татбик этишда мухим ахамият касб этади.

**7-мавзу буйича бериладиган назорат саволлари:**

1. Ахлокий тамойиллар хакида тушунча беринг.
2. Инсонпарварлик ва эркпарварлик нима?
3. Ватанпарварлик ва миллатпарварликни тушунтиринг.
4. Фидойилик ва зиёлилик, мехнатсеварлик тамоийлларини тушунтиринг.
5. Тинчликпарварлик, жумардлик нима?
6. Узбекчилик, мехмондустлик тамойилларини тушунтиринг.
7. Халоллик ва ростгуйлик ахлокий меъёрлардир.
8. Инсофлилик хакида тушунча беринг?
9. Хушфеъллилик, ширинсуханлик нима?
10. Камтаринлик ва босиклик хакида фикр юритинг.

## 8-мавзу: Оила, фукаролик жамияти ва давлатнинг ахлокий асослари хамда ахлокий тарбияси. (2 соат)

**Режа:**

1. **Оила ва никохнинг мазмуни ва мохияти.**
2. **Фукаролик жамияти отла билан давлат уртасидаги узига хос боскич эканлиги.**
3. **Давлат ахлокшуносликнинг ривожлантирувчи, оила ва фукаролик жамиятини уз ичига олувчи институт сифатида.**
4. **Ахлокий маданият ва касбий одоб муаммоси.**
5. **Ахлокий тарбия хамда унинг йуллари ва воситалари.**

**Хулоса.**

**Адабиётлар:**

2, 12, 14, 19, 22, 23,

**Таянч иборалар:**

**Оила, никох, тарбия, фукаролик жамияти, давлат, ахлокий маданият, муомила одоби, этикет, касбий одоб, ахлокий тарбия.**

**8.1**. Оила ва никох муаммоси хамма даврларда хам долзарб муаммо булиб келган. Чунки, инсоннинг хаёт ва турмушиди, бола тарбиясида оиланинг урни каттадир. Оилада  энг асосий нарса – бир-бирини тушуниш, кадрлаш ва эъзозлашдир. Оилада икки ёки бир бутун булади, мухаббат, никох ипларини янада мустахкамалайдиган, ахлокий масъулиятни оширадиган хиссиёт шаклланади ва ривожланади. Оиалад мухаббат ва дустлик ришталари мустахкамланиб борди, бола ва унинг тарбиясига булган эхтиёж кун сайин орта боради.

«Бола тугилган кундан бошлаб, - деб таъкидлади юртбошимиз И.А.Каримов, - оила мухитида яшайди. Оилага хос анъаналар, кадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шаклантиради. Энг мухими фарзандлар оилавий хаёт мактаби оркали жамият талабларини англайди ва хис этади» .

Шундай экан асосий эътиборни оила ва никох тушунчасига каратиш керак.

Оила жамиятимиз асосий бугини булиб, жамият ва давлатнинг мухофазасида булади. Хар бир жамият аъзоси, булажак фукаронинг тарбияси оиладан бошланади. Оила узида уч жихатни камраб олади: узини бевосита куриниши булмиш никохни, оилавий мулк ва анжомлар хамда улар хакидаги гамхурликни, болалар тарбиясидир.

Никох ва мухаббат нима? Никох эр-хотинликнинг юридик (хукукий) равишда расмийлаштирилган оилавий иттифокидир. Никох фукаролик холати  далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) булимида тукилади ва расмийлаштирилади. Никох оиланинг хукукий асосидир. Узбекистон Республикастининг «Оила» кодекси 14-моддасида: «Никох тузиш ихтиёрийдир. Никох тузиш учун булажак эр-хотин уз розилигини эркин

ифода этиш кобилиятига эга булиши керак. никох тузишга мажбур килиш такикланади», - деб курсатилган.

Демак, никох тузишнинг шартларидан энг мухими никохга кирувчиларнинг узаро розилиги ва уларнинг никох ёшига етганликларидир.

Никох ёшига етганликларидир.

Никох ёш эркаклар учун ун саккиз ёш, аёллар учун ун етти ёш килиб белгиланган. Бу никох тузилишнинг хукукий булса, никох мухаббат билан боглик булиб, у ахлокий томонини ифодалайди. Никох тузишдан аввал икки ёш орасида гох очик севги – мунтазам учрашувлар, ахду паймонлар килиш ёки оркаворотдан бир-бирин ёктириш холлари булиши мумкин. Хар иккала холда хам розилик узгармас шарт хисобланади. Никох оиланинг хукукий асосидир. Севги ва мухаббат мукаддас туйгу. Севги-мухаббат кишики ёмон йулга бошламайди. Аксинча, унга сабр-каноат, мустахкам ирода, баланд рух хадя этади. Мухаббатнинг маълум маънода салобатли, купрок яширин тарзда номоён булади.  Мухаббат хам парваришга мухтож. Никох уз мохиятига кура ахлокий ходиса булиб, унда эхтирослар ахлокка буйсундирилади. Хакикий оила булиш учун севги-мухаббатдан ташкари, кизикиш ва манфаатлар бирлиги, характерининг тугри келишиаклий камолот, оила олдидаги масъулиятини тушуниш, келак авлод олдидаги масъулиятни тушуниш, келажак авлод олдидаги бурчни хис этиш каби томонлар эътибори олиниши керак. Агар оила аъзолари бир-бирига мехр куйиб, узаро мехрибон ва яхши муомилали булсалар, бир-бирларини яхши тушунсалар ва узларини тута билсалар оила тобора мустахкамланиб боради. Мухаббатда икки томон иштирок килади. шундай килиб учинчи янги хаёт – янги авлод бунёдга келади. Бунинг заминида ижтимоий манфаат ётади. Оиланинг асоси булмиш никох – эзгу максадга йуналтирилган, зиммасига зурриёт колдиришдек юксак масъулият юкланган  севги, севишнинг ижтимоий куринишидир. Севги – мухаббат факат эркинликда номоён булади. Демак, никох маълум маънода, анъаналар, урф-одатлар ва эътикодларга мослаштирилган севгининг яшаш шарти хисобланади. Никох заруриятга айлантирилган эркинликдир.

Узбекистон Республикасининг 1998 йили 30 апрелда кабул килинган «Оила» Кодексида оила ва никохнинг мазмуни ва мохияти атрофлича тушунтирилган. «Оила» Кодекси 8 булим, 238 моддадан иборат.

Кейинги пайтларда никох билан мухаббатнинг узаро чикишмаслиги хакида Гарб мутафаккирлари тез-тез ёзадиган булиб колишди. Масалан, Эрик Фромм индустриал жамиятда  камдан-кам учрайдиган ходиса эканлиги, никохнинг асосида бошка молиявий, сиёсий, иктисодий сабаблар ётишини таъкидлайди. Умуман олганда мухаббат хам парваришга мухтож булади.

Узбекистон Республикасинг «Оила» Кодексининг II-булим, V-боб, 23-36 моддаларида эр-хотиннинг мулкий хукук ва мажбуриятлари  курсатилган. Хакикатдан хам оиланинг мухим жихатларидан бир хисобланади. Никох оиланинг ботиний куриниши булса, оилавий мулк унинг ташки куринишидир. Оиланинг мавжуд булиши учун ишлаб топилган маблаг хам зарур. Бусиз оила аъзоларини бокиб булмайди. Ишлаб топилган маблаг

ахлокий табиатга эга булади, оила бошлиги оила аъзоларини халол едириб ичириш, кийдириш лозим. Оилани одатда эркак киши бошкаради.

Оилада боланинг ахамияти нихоятда катта. Ота болада уз жуфти халолини, она эса севимли эрини куради. Бола – оилани тутиб турувчи жонли мухаббат. Болалар оилада умумий оилавий мулк хисоб еб ичадиганлар жонли мухаббат. Айрим сабабларга кура оила бузилиши, никох бекор килиниши мумкин.

**ХУЛОСА**. Оила ва никох диалектик алокада булиб, ижтимоий хаётда мухим роль уйнайди. Оила жамиятнинг негизи булиб, оиладаги соглом мухит-соглом мафкурани шакллантириш манбаидир.

8.2. Оила дасблабки ахлок масканидир, оила йигиндиси фукаролик жамиятини, миллатни ташкил этади. Фукаролик жамияти мохиятан жамият билан давлат уртасидаги даражадир. Унинг тараккиёти давлат тараккиётидан кейинрок руй беради. бирок, у давлатни таказо этади. Фукаролик жамияти тизимли бошкарув оркали фаолият юритади. Фукаролик жамияти учун фукаролар хукуки инобатга олинади.

Фукаролар жамиятида хар бир одам бошкалар билан узаро муносабатда булмасдан туриб, уз максадига тулик эриша олмайди, бошкалар унинг максадига етишиш йулидаги воситадир.

Мехнат воситаси туфайли юкори фукаролик жамияти кишилари уз талаб ва эхтиёжларини кондиради. Фукаролик жамияти турли табакалардан ташкил топади. Улар уртасида табакавий ёки синфий зиддиятлар булиши мумкин эмас. Фукаролик жамиятида инсон манфаати биринчи уринда туради.

Фукаролик жамиятининг яшаш шарти эркинлик булиб, бу жараён Конституция оркали расмийлаштирилади. Узбекистон Республикасининг Конституцияси 29-моддасида «Хар ким фикрлаш, уз, эътикод эркинлиги хукукига эга», - деб ёзилган.

Мамлакатимизда хозир эркин, демократик, фукаролик жамиятини тузишга киришилди. Бу жамият маълум маънода гарбликлар тасаввуридаги фукаролик жамиятидан фарк килади. гарбда асосий эътибор хукукий йуналишнинг устуворлигига каратилса, Узбекистон Республикасида ахлокий-маънавий йуналишнинг устуворлигига каратилади. Бизда фукаролик жамияти куришни маълум маънода тезлаштирадиган, Гарб минталетитига хос булмаган махаллалар бор. Узбек махаллари том маънода ахлокий тарбиянинг масканидир.

Махалла уз-узини бошкариш тузилмаси сифатида оилада фукаролик жамиятига утиш учун ахлокий куприк булиб хизмат килади.

Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримов: «Шу маънода махалла уз-узини бошкариш мактаби, таъбир жоиз булса, демократия дарсхонаси деб аташ мумкин».

**ХУЛОСА**. Фукаролик жамиятида оиланинг уз уни бор. Фукаролик жамияти оила билан давлат уртасидаги узига хос булган боскичдир. Фукаролик жамиятини шакллантиришда уз-узини бошкариш органи булмиш махалланинг мавкеи бекиёсдир.

8.3. Оила ва фукаролик жамиятидан давлат шаклланади. Давлат ижтимоий тараккиётниг муайян даврида заруриятидан тасодият асосида вужудга келган ижтимоий ходисадир. Давлатнинг асосини сиёсий тизим ташкил этади. Давлат турли – туман бошкарув ва ташкилий институтлардан шаклланади.

Политика (сиёсат) юнонча суз булиб, давлат деган маънони англатади. Сиёсат тушунчаси миллатлар, халклар ва элатлар, ижтимоий гурухлар, синфларнинг давлатга булган муносабати оркали ифодаланган. Давлат бу ижтимоий гурухлар орасидаги узаро муносабатларни тартибга солиб турувчи куч сифатида фаолият курсатади. Хар бир давлатнинг ички ва ташки сиёсати булади.

Давлатнинг мухим ахлокий вазифаларидан бири тарбиядир. Давлат томонидан мактабгача булган ташкилотларда, мактабларда ва олий укув юртларида таълим билан кушиб олиб бориладиган тарби алохида ахамиятга эга.

Давлатнинг мавжуд булиш шарти, энг аввало, унинг суверенитетида. Бунда халк ташки оламга нисбатан мустакил булади ва уз давлатини шу мустакил асосда тузади. Узбекистон мустакилликга эришгандан сунг уз давлатини кадимий давлатчиликнинг энг яхши анъаналари билан бирга замонавий демократик асосда куришга киришди.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи булим, I бобида давлат суверенитети хакида юритилган:

1-модда. Узбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг «Узекистон Республикаси» ва «Узбекистон» деган номлари бир маънони англатади.

2-модда. Давлат халк иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат килади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фукаролар олдида масъулдирлар.

5-модда. Узбекистон Республикаси конун билан тасдикланадиган уз давлат рамзлари – байроги, герби ва мадхиясига эга.

Давлатимиз маънавий-ахлокий, жисмоний, эстетик каби тарбияга катта ахамият бериб келмокда. Масалан, 2000 йил «Соглом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили», 2002 йил «Карияларни кадрлаш йили», 2003 йил «Обод махалла йили», 2004 йил «Мехр ва мурувват йили» деб эълон килинди. Хамма тарбия, шу жумладан ёш авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кутарилган. 2004 йил 21 майда Узбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тугрисида» деган фармони катта ахамиятга эгадир.

Демак, давлатимиз бош ислохотчи тамойилига асосланиб фаолият курсатиб келмокда.

Фукаролик жамияти ва давлатимизнинг ахлокий мохиятида инсон деган тушунча ётади.

8.4. Давлат ва фукаролик жамиятидаги ахлокий юксаклик даражасини фукароларнинг ахлокий маданияти белгилайди. Ахлокий маданият шахс

ахлокий тараккиётининг белгисидир. У ахлокий тафаккур маданиятининг катор унсурларини уз ичига олган тизимдир. Ахлокий маданият шахснинг узгалар билан узаро муносабатларида номоён булади.

Ахлокий маданиятнинг энг мухим унсурларидан бири муаммо одобидир, у мохиятан узаро хамкорликнинг шаклларидар биридир. Инсоннинг энг улуг, лекин мураккаб ва машаккатли фаолиятларидан бири одамлар, яъни жамиятда уз урнини топиб яшашдир. Бу фаолиятнинг мураккаб тамойил булиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат булиш керак. Муомаласи ва муносабати купчиликнинг дилига тугри келмайдиган купол ва дилозор одамни купчилик ёктирмайди. Инсонлар хушфеъл, ширинсухан, мард, муаммоси ширин кишиларни дилдан ёктирадилар ва хурмат эътибор киладилар. Шунинг учун, муомила одам учун эхтиёж, заруriят булиб, соглом киши усиз рухан кийналади, кайфияти тушиб боради.

Муомила маданияти бошка кишилар кадр-кимматини, иззатини жойга куйишни, анъанавий ахлокий-меъёрий талабларни бажаришни таказо этади. Муомила одоби инсондаги яхши жихатларни номоён этиши билан ажаралиб туради ва суз, нутк воситасида руй беради. Сузлаш ва тинглай билиш, сухатлашиш маданияти муомиланинг мухим жихатларини ташкил этади. Муомила одоби уз мазмунини ширинсуханлик, камсукумлик, босиклик, хушфеъллик сингари ахлокий меъёрларда номоён булади.

Муомила одобининг яна бир куришини – инсоний караш, нигох, сузсиз- новербал харакатдир. Одамнинг карашида, юз ифодасида, кул харакатларида унинг кай сабабдандир тилга чикмаган, сузга айланмаган хиссиёт, талаблари уз аксини топади. Сухбатдошнинг гапини охиригача эшитмай, кул силтаб кетиш – муомиладаги маданиятсизликни билдиради. Баъзан караб куйишнинг узи суздан кучлирок таъсир курсатади. Муомила одоби кишиларнинг насихат ва одоб ургатишсиз бир-бирига таъсири, тарбия ва уз-узини тарбия воситаси сифатида диккатга сазовордир. Ёшларда муомила одобини шакллантириш талаб этилади.

Этикет нима? Ахлокий маданиятда этикет мухим роль уйнайди. У купрок инсоннинг ташки маданиятини, узаро муносабатлаардаги узини тутиш конун-коидаларини бажарилишини бошкаради. Агар муомила маданиятида бир холатнинг узида бир неча хил муомила килиш, имкониятига эга булса, этикет муайян холат учун факат бир хил коидалаштириб куйилган хатти-харакатларни таказо килади. Этикет кенг камровли булиб, маълум маънода, халкаро микёсда кабул килинган муомила конун-коидаларини уз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, мехмондорчилик этикети ва хокозолар. Давлат бошликларнинг хорижий мамлакат давлат бошликлари, элчилари билан олиб борадиган музокаралари, уларнинг кабул килиш маросимлари бир хил холат, халкаро микёсда урнатилган коидага риоя килинади.

**ХУЛОСА**. Этикет шахсни муайян тартиб-коидага, кандай ички рухий шароитда булмасин, босиклик, мулойимликка ва сабр-токатга ургатиш билан ахамиятдир.

Касбий одоб нима? Ахлокий маданият касбий одатда хам яккол кузга ташланади. Хар бир инсон маълум касбий – хунарини эгаллаш керак. касб (профессия) лотинча сузидан олинган булиб - машгулот, ихтисос, мехнат фаолиятининг тури деган маъноларини англатади. Инсон касб-хунарини эгалламасдан туриб уз талаб – эхтиёжларини кондира олмайди. Бу жараён инсондаги катта куч, махорат ва мехнат килишни талаб этади. Касб хунарни эгалламасдан туриб уз талаб – эхтиёжларини кондира олмайди. Бу жараён инсондан катта куч, махорат ва мехнат килишни талаб этади. Касб хунарни инсон бирдан вужудга келтира олмайди. Бунда кишилар касбий одобга хам эътибор каратишлари керак. Чунки, касбий одоб ахлокий маданиятнинг энг юксак шаклларидан бири булиб, унинг жамият ахлокий хаётдаги урни юксак хисобланади. Маълумотларга караганда, бугунги кунда 50000 дан ортик касб булиб, улар турли хунар ихтисосликлар мутахассислик билан номланади. Масалан, касби мусикачи, мутахассислиги акардиончи, касби – тиббиёт (шифокор) ходими, мутахассислиги терапевт, уролог, жаррох, касби мухандис мутахассислиги – энергетика, технология мухандиси булиши мумкин. Касб (профессия) ичида ихтисослик ёки мутахассислик вужудга келади. Касбни инсон томонидан яратилишида инсон мехнати ва мехнат таксимоти хал килувчи роль уйнайди. Тарихий даврларнинг утиши билан касб ва хунарнинг турлари хам купая боради хамда ахлокий маданияти хам ривожланиб, такомиллашади. Бу жараён инсон тарбияси билан бевосита боглик булади. Ёшликдан ёшларни касб-хунарга ургатилади. Касб-хунар кишиларнинг таълим – тарбияси билан богликдир. «Хар бир киши, - деб таъкидлаган Абу Наср Форобий, - касб – хунарни мукаммал билмоги, яхши тарбия олмоги керак».

Саодатномада: «Таълим тарбия ажралмас эгизаклар булиб, масъулият уларнинг тотли мевасидир», - деб таъкидланади. Инсон ижтимоий хаётдан олган таълими ва тарбиясини, касб хунарини халоллик ва виждон асосида халкка бериши ва кишиларнинг талаб-эхтиёжини кониришга сарфлаши керак. Бу борада узбошимчалик, манфаатпарастлик, худбинлик ва касбини суиътеъмол килиш каби иллатларга йул куймаслик, уларнинг ахлокий даражасини юксак боскичга кутариш талаб этилади. Масалан, шифокор юнон хакими Хиппократ (милодгача V-VI асрлар) томонидан ишлаб чикилган, табобт ходимлари касбий-одобий конун-коидалари жамланган машхур «Хиппократ касали» га рияо килишлари керак». Демак, касбий-ахлокий маданиятда хам маълум конун-коидалар, одат, касамёд, меъёрларга риоя килиш талаб этилади.

Илм чуккиларини эгаллаган, уз умрини касб-хунарга бахшида килган инсонлар доимо эъзозланади. Баъзида шу меъёр бузилади, уларнинг яратган ихтироси, кашфиёти, фан оламида килган янгиликлари эътиборга олинмайди.

Машхур рус олими академик Андрей Сахаровнинг такдирини олиб курайлик. Буюк назариётчи, физик, термоядро сохасида тенги йук мутахассис, водород бомбасининг асосий кашфиётчиси, Ватан мудофасининг мустахкамлашдаги хизматлари учун унлаб орден ва медаллар сохиби, икки марта социалистик Мехнат Кахрамони, обрули, бадавлат бу инсонга нима

етишмасди? Нега у хаммасидан кечишга – оммавий киргин куроллари, жумладан, узи яратган водород бомбаси синовларига очик баёнотлар билан ахд килди? Натижада катагонларга асосланган шуролар тузуми уни илмий жамоатчиликдан ажратиб, пойтахтдан олисдаги Россия шахарларида бирига бадарга килди, унинг номини матбуотда ёки китобларда кайд этилишини такиклади...

Андрей Сахаров юксак ахлок йулини танлади – олимлик бурчи, одоби талабларини бажаришни хар кандай бой лик, иззат-икромдан баланд куйди. Демак, хар кандай олим, зиёкор, касб-хунар билан шугулланувчи инсон уз бурчига содик булиши керак. Саодатномада: «Илм доимо ривожланади, илму фаннинг равнаки учун хаётини фидо килган одамлар доим бархаёт колади», - деб таъкидланган. Мустакилликнинг дастлабки куниданок илм-фанга, касб-хунарга булган эътибор кучайтирилди.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида: «Хар бир шахс мехнат килиш, эркин касб танлаш, адолатли мехнат шароитида ишлаш ва конунда курсатилган тартибда ишсизликдан химоялаш хукукига эга», - деб айтилган.

Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида» ги конуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таълимни кайтадан ислох килиш масаласи вазифа килиб куйилди. Президент Ислом Каримов «Бугунги кунда олдимизга куйган буюк максадимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиш, хаётимизнинг тараккиёти ва истикболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси такдири – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юкори малакаси, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас богликлигини барчамиз ангал етмокдамиз», - деб таъкидлади. (Баркамол авлод – Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Тошкент, «Шарк», 1997, 5-бет).

Бугунги кунда мамлакатимизда касб-хунарга булган талаб ва эхтиёж ортиб бормокда. Мамлакатимиз вилоятларида очилган касб-хунар коллежларида таълим олаётган укувчи-ёшларга илм, касб-хунарни эгаллаш учун имкониятлар яратилган. Касб-хунарни эгаллаган юкори – малакали мамлакатимизнинг буюк давлат булишига уз хиссаларини кушишлари талаб этилади.

8.5. Инсоннинг ахлокий хаёти унинг ахлокий тарбияси билан чамбарчас боглик. Инсоннинг шахс булиб етишувини таъминлайдиган воситаларидан бири ахлокий тарбтя хисобланади. Ахлокий тарбия кишиларнинг ахлокий фазилатларини шакллантиришда мухим омилдир.

Тарбия оиладан бошланади. Ота-онанинг узи энг аввало ахлокий тарбия курган булиши керак. Ота – она оилада юксак ахлок намунасини курсатиш керак. Ахлокий тарбия инсон фарзандини такомилга, комилликка етказиш йулларидан бири булиб, унинг воситаси купдир. Уларнинг бир кисми анъанавий тарбия воситаси булса, яна бир кисми замонавий воситалар хисобланади. Ахлокий тарбияда икки воситадан хам фойдаланилади. Масалан, мактабгача булган ахлокий тарбияда эртак ва

ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билан уйинчоклар ва уйинлар воситасидаги замонавий тарбия муваффакиятли кулланилади; бунда бола кизганчилик, гирромликка халол булишга уйинлар ёрдамида даъват этилади. Болалар ахлокий тарбиясида телевидение, радио, кугирчок театри, кино санъати катта рол уйнайди.

Ахлокий тарбиянинг энг кучли воситаси санъат булиб, ахолининг барча табакасини, турли ёшдаги шахсларни камраб олади. Санъат хаётини бутун тулалигича акс эттирса, ахлок инсоний муносабатларнинг факат бир томони ахлокий муносабатларнигина ифодалайди. Ахлокий муносабатлар ахлокий тарбия оркали уз мазмуни ёритиб хамда кенгайтириб боради. Масалан, санъатнинг бадиий адабиёт тури кенг камровли булиб эртакдан тортиб романгача булган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг ахлокий шаклланишида улкан хизмат курсатади. Улар оркали китобхон тарбияланувчи сифатида эзгулик ва ёвузлик нималигини бадиий идрок этади: идеал танлашда хам уларнинг ахамияти каттадир.

Бадиий адабиётнинг ахлокий тарбияга мулжалланган хикоятлар, ривоятлар ва насихатлари борки, уларнинг хам ахлокий тарбияга ахамияти каттадир.

Масалан, «Калила ва Димна», «Кобусномa», «Гулистон», «Зарбулмасал» сингари мумтоз асарлар ва пандномалар, мумтоз бадиий асарлар анъанавий ахлокий тарбия воситалари сифатида кеча асарлардан буён авлодларга хизматт килиб келмокда. Ахлокий тарбияда намунавийлик тамойили мухим ахамият касб этиб, оиладан ота-оналардан фарзандларга утиб келмокда. Мактабда, олий ва урта махсус юртларида ишлайдиган укитувчилар, фан ва санъат ходимлари, касб-хунар билан шугулланувчилар, устоз – шогирдлик муносабатларида муомила одоби, халоллик, ростгуйлик, намуна асосида фаоллик курсатишлари керак.

Ахлокий тарбиянинг энг кучли, замонавий воситаси сифатида радио, телевидение, матбуотининг роли бекиёсдир. Бериладиган эшиттиришлар, курсатувлар маълум ахлокий тарбия йуналишида булиб кишилар, шу жумладан ёшлар ахлокий тарбиясининг шакллантиришни таъминловчи омиллар хисобланади. Ахлокий тарбия аклий-маънавий ва жисмоний тарбия билан кушиб олиб борилади.

Хулоса. Ахлокий тарбия ва унинг йуллари, воситалари кенг камровли булиб барча тарбия шаклларини уз мазмунида ифодалайди. Бу эса комил инсон шахсини шакллантиришда мухим омил вазифасини бажаради.

Умумий хулоса. Ижтимоий хаётда оила ва никохнинг роли каттадир. Оила жамиятимиз бошлангич бугини булиб уз мазмунида масъулиятли вазифа, бурчни ифодалайди. Бу эса комил инсон шахсини шакллантиришда мухим омил вазифасини бажаради.

Умумий хулоса. Ижтимоий хаётда оила ва никохнинг роли каттадир. Оила жамиятимизнинг бошлангич бугини булиб, уз мазмунида масъулияли вазифа, бурчни ифодалайди. У давлат назратида булади. Уларнинг вазифалари ва бурчлари, масъулиятли томонлари «Оила» кодексида акс эттирилган. Оила, фукаролик жамияти ва давлатнинг ахлокий асосларида

ахлокий маданият, касбий одоб, шунингдек ахлокий тарбия мухим роль уйнайди.

**8-мавзу буйича назорат саволлари:**

1. **Оила ва унинг асосий уч жихати нималардан иборат?**
2. **Никохнинг ахлокий мохияти нимада?**
3. **Мухаббат ва никохнинг узаро мос келиш-келмаслиги нималарга боглик?**
4. **Фукаролик жамияти кандай тузилма?**
5. **Давлатнинг ахлокий асослари кай тарзда кузга ташланади?**
6. **Муомила одобининг инсон хаётидаги урни кандай номоён булади?**
7. **Этикет нима?**
8. **Касбий одоб шахс ва жамият ижтимой хаётида кандай мавке эгаллайди?**
9. **Ахлокий тарбия нима хамда унинг асосий воситалари, йуллари нималарни уз ичига олади?**

**8-мавзуда учрайдиган айрим сузларнинг изохли лугати:**

1. **Менталитет – (лотинча «mens»-акл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алохида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салохияти, уларнинг хат конунларини тахлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган аклий кобилияти, рухий куввати.**
2. **Суверенитет (французча «souverainite» - олий хокимият мазмунида ишлатилиб, давлатнинг ички ва ташки сиёсатидаги тула мустакиллиги сифатида талкин килиниши, халкнинг тула хукмронлиги, халк хокимияти, халк бошкаруви маъноларини англатади).**
3. **Новербал харакатлар – сузсиз харакатлар маъносини англатади.**

## Таянч ибораларнинг изохли лугати

1. Ахлокшунослик – ахлокнинг келиб чикиши ва мохиятини, кишилик жамиятдаги ахлокий муносабатларини урганадиган фан.
2. Этика – юнонча teitica суз булиб – одат, одоб маъносини билдиради.
4. Одоб – арабча «адаб» сузининг куплиги булиб – хулк, атвор, юриш-туриш маданиятининг ташки ва ички жихатларини ифодайлайдиган тушунча.
5. Хулк-инсоний хатти-харакатларнинг мажмуи.
6. Ахлок – арабча хулк сузининг купчилик, лотинча «mores» сузидан олинган булиб, одоб, атвор, феъл деган маъноларни англатади. Мораль русча суз булиб, ахлок деган маънони билдиради.
7. Неосфера – юнонча суз булиб, акл кобиги маъносини англатади. Биосфера юнонча суз булиб, узбекча «хаёт шари» деган маънони англатади.
8. Этосфера – юнонча суз булиб, ахлокий мухит маъносини англатади.
9. Хедонизм – лаззатнинг устуворлиги.
10. Эвдеймонизм - бахтнинг устуворлиги.
11. Патристика – «ота» («падре») сузидан келиб чиккан булиб, Гарбда епископларни хурмат билан атаганлар.
12. Схоластика – юнонча «школа» дан олинган булиб, «укиш жойи», «мактаб» маъноларини анлатади.
13. Сексуализм – (лат. sensus – сезги, хис) билиш назариясида бир йуналиш булиб, у сезиларли билимларнинг бирдан-бир манбаи карайди.
14. Рационализм (лат. ratio – акл, фаросат) – аклга, фаросатга асосланган фикрлаш маъносини англатади.
15. Детерминизм – (лат.determinare-белгимок) – барча ходисаларнинг умумий, конуниятли алокадорлиги, сабабли узаро богликлиги хакидаги таълимот.
16. Индетерминизм – (лат - инкор) – ходисалар уртасида бирок бир алока борлигини инкор этади. Уларга оламда хеч кандай тартиб йук ва унда (бошбошдоклик) хукм суради. Бунда инсон уз хохишига харакат килади, унинг харакатлари асло хеч бир сабабга боглик эмас, деган мантикий хулоса чикаради.
17. Монизм – (юнонча monos – бир, ягона) фалсафий принцип булиб, бу принципга кура бутун мавжудот уз негизи билан ягондир, бир манбага эгадир.
18. Феномен – (юнонча булиб – юз берувчи) - тажрибамизда хосил килинган, хис-туйгу ёрдами билан пайкаладиган ходисани билдирувчи тушунча.
19. Экзистенциализм – (лат – яшаш, мавжуд булиш) – диний ва дахрий йуналишда фаолият курсатади. Хаёт – фалсафаси хакида гап юритилади.

20. Мафкура – арабча – нуктаи назар ва эътикодлар тизими, мажмуи.
21. Маънавият – арабча – маънолар мажмуи.
22. Маърифат – арабча – «арафа», «билмок» сузи.
23. Эркинлик – билиб олинган зарурият.
24. Эътикод – арабча- ишонмок, имон.
25. Сиёсат - давлат ишларига аралашмок.
26. Биосфера – юнонча, bios - хаёт, sphaera - юмалок, тугарак. Ернинг хаёт кобиги.
27. Неосфера – юнонча – ернинг «аклли кобиги» .
28. Категориялар (юнонча – таъриф бериш, фикр айтиш) – обьектив реалликдан ходисаларнинг асосий хусусиятлари ва конуниятлари акс эттирадилар ва даврнинг илмий-назарий тафаккурини характерини белгилаб берадиган умумий тушунчалардир.
29. Имон (араб- ишонч, эъьтикод) – ислом динида унинг акидаларига – Оллохга, Мухаммадга ва илохий хисобланган китобларга, такдирга, охиратга ишониш.
30. Идеал (юнонча «idea» тарз, образ, тушунчалар, бирма-бир нарсада намуна, камолот, айрим кишиларнинг, гурухларнинг интилиши ва хатти-харакатини белгилайдиган олий максад).
31. Эвдемончилик – юнонча – бахт маъносини англатадиган суз.
32. Менталитет – (лотинча «mens»-акл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алохида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салохияти, уларнинг хат конунларини тахлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган аклий кобилияти, рухий куввати.
33. Суверенитет (французча «souverainite» - олий хокимият мазмунида ишлатилиб, давлатнинг ички ва ташки сиёсатидаги тула мустакиллиги сифатида талкин килиниши, халкнинг тула хукмронлиги, халк хокимияти, халк бошкаруви маъноларини англатади).
34. Новербал харакатлар – сузсиз харакатлар маъносини англатади

**Адабиётлар:**


1. Узбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, «Узбекистон», 1998 й.
2. Каримов. И. А. Истиклол ва маънавият. Тошкент, «Укитувчи», 1994.
3. Каримов. И. А. Бунёдкорлик йулидан. Тошкент, «Узбекистон», 1998.
4. Каримов. И. А. Маънавият юксалиш йулида. Тошкент, Узбекистон», 1998.
5. Каримов И.А. Донишманд халкимнинг мустахкам иродасиги ишонаман. «Фидокор» газетаси. 2000 й, 8-июн.
6. Каримов И. А. Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули. Тошкент, «Узбекистон», 1992.
7. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Тошкент, «Узбекистон», 1997.
8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард максадимиз. 8-жилд. Тошкент, «Узбекитон», 2000 й.
9. Баркамол авлод – Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Тошкент «Шарк», 1997.
10. Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Узбекистон», 2000.
11. Ахлок одобга оид хадислар намунаси. Тошкент, «Фан», 1990 й.
12. Абдулло Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахок. Тошкент, «Укитувчи», 1996 й.
13. Абдулла Шер. Ахлокшунослик. Маърузалар матни. Тошкент, 2000 й.
14. Ортиков А. Этика асослари курсидан лекциялар текстлари. Тошкент, 1999 й.
15. Абдулла Шер. Ахлокшунослик. Укув кулланма. Тошкент, «УАЖБНТ» маркази, 2003 й.
16. Словарь по этике. Москва, Полииздат, 1998 й.
17. Жумабоев Й. Урта Осиё этикаси тарихи очерклари. Тошкент, «Узбекистон», 1980 й.
18. Хужамуродов И. «Авесто» да маънавият маросимлари. «Мулокот», 1996 й, 1-сон.
19. Ортиков А. Этика асослари курсидан лекция текстлари. Укув кулланма. Тошкент, 1999 й.
20. Юлдашев С.А. Антик фалсафа. Кулланма. Тошкент, 1999 й.
21. Фалсафа. Укув кулланма. Э. Ю, Юсуповнинг умумий тахрири остида. Тошкент, «Шарк», 1999.
22. Основы философии. Учебное пособие для студентов высших учуебных заведений. Тошкент, «Узбекистон», 1998.
23. Ортиков А. Этика асослари курсидан маъруза мавзулар. Укув кулланма. Тошкент, 1998.
24. Гуккар Скирбекк, Нильс гилье. Фалсафа тарихи. Укув кулланма. Тошкет, «Шарк», 2002 йил.

25. Йулдошев С. Усмонов М, Каримов Р, Кобулниёзова Г, Рузматова Г. Янги ва энг янги давр. Гарбий Европа фалсафаси. (XVII-XX асрлар) Укув кулланма. Тошкент, «Шарк», 2002 йил.
26. Узбекистон Республикасининг «Оила» кодекси. «Халк сузи», 1998, май.
27. Мустакиллик изохли илмий оммабоп лугат. Тошкент, «Шарк», 1998.
28. Сафаров О, Махмудов М. Оила маънавияти. Тошкент, «Маънавият», 1998.
29. Ортиков А. Этика асослари курсидан маъруза матни. Укув кулланма. Тошкент, 1999 й.
30. Мустакиллик изохли илмий оммабоп лугат. Тошкент, «Шарк», 1998.

# М У Н Д А Р И Ж А

**Суз боши ………………………………………………………….. ……3**
**1-мавзу: Ахлокшуносликнинг тадкикот доираси, максад ва вазифалари……………………………………………………………. …….6**
Ахлокшунослик фани хакида тушунча, унинг мазмуни ва мохияти…………………………………………………………...6
Ахлокшуносликнинг тадкикот доираси (бахс мавзуи), унинг асосий вазифалари……………………………………………………….. 7
Ахлокшунослик – ижтимоий онгнинг узига хос шакли сифатида урни ва ахамияти…………………………………………………9
Ахлокшунослик фанининг бошка фанлар билан алокаси……..…...11
Миллий мустакилликни мустахкамлаш жараёнида ахлокшуносликнинг жамият ижтимоий-маънавий хаётидаги урни ва ахамияти……………………………………………..…………14
**2-мавзу: Кадимги дунё ахлокшунослиги. Урта аср мутафаккирларининг ахлокий карашлари……………………………………………………18**
2.1. Кириш. Кадимги Шаркда дастлабки ахлокий таълимот. «Авесто» - кадимги дунёнинг ахлокий таълимоти………..…………………20
2.2. Кадимги Хиндистон ва Хитойда, Юнонистон ва Румда ахлокий таълимотлар…………………………………………………...20
2.3. Урта асрлар мусулмон Шарки ахлокшунослигидаги асосий йуналишлар ва таълимотлар…………………………………………23
2.4. Темур ва темурийлар даври ахлокшунослиги ……………………23
2.5. Урта асрлар ва уйгониш Оврупа мамлакатларида вужудга келган ахлокий таълимотлар………………………………………………25
**3-мавзу: Янги давр ахлокшунослигидаги асосий таълимотлар ва йуналишлар………………………………………………………………. 31**
3.1. Кириш. Янги давр ахлокшунослигининг тарихий хусусиятлари ва ундаги рационал ва сенеуал йуналишлар…………………………32
3.2. Олмон мумтоз ахлокшунослиги…………………………………...33
3.3. Норационал ахлокий таълимотлар………………………………...35
3.4. Рус мумтоз ахлокшунослиги……………………………………….37
3.5. XX аср ахлокшунослигидаги асосий йуналишлар…………………..37
**4-мавзу: Туркистон маърифатчи жадидларининг ахлокий карашлари..43**
4.1. Туркистон жадидчилик харакатининг вужудга келиши ва унинг миллий – озодлик мафкурасиги айланиши…………………………..43
4.2. Ахмад Дониш, Фуркат, Мукумий ва бошка дастлабки маърифатчиларнинг асарларида кутарилган муаммолар…………...44
4.3. Махмудхужа Бехбудий ва Мунавваркори Абдурашидхонов ва бошкалар Туркистон жадидчиларининг асосчиларидир…………...47
4.4. Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлок» асарида ва Фитратнинг «Оила» асарларида илгари сурилган фалсафий-ахлокий гояларнинг миллий гоя ва мустакиллик мафкураси билан уйгунлашиб кетганлиги……………………………………….... 49

4.5. Жадид матбуотининг миллий – ахлокий тарбия борасидаги хизматлари……………………………………………………………..50
**5-мавзу: Ахлок ва унинг келиб чикишида ихтиёр эркинлигининг ахамияти. Ахлок тузилмаси. Ахлокнинг маънавият тизимидаги урни...54**
Ахлокнинг келиб чикиши ва мохияти……………………………….…54
Ихтиёр эркинлиги ва ахлокий танлов тушунчалари………………54
Ахлок тузилмаси…………………………………………………......56
5.4. Маънавият тушунчаси ва унинг турлича талкини…………………..58
Ахлокнинг бошка маънавий тузилмалар билан узаро алокалари ва бирлаштирувчилик хусусияти…………………………………..60
**6-мавзу: Ахлокшуносликнинг асосий мезон тушунчалари………………64**
6.1. Ахлокшуносликнинг мезоний тушунчалари хакида маълумот…...…64
Мухаббат ва нафрат…………………………………………………...66
Эзгулик ва ёвузлик…………………………………………………..…67
Яхшилик ва ёмонлик…………………………………………………68
Бурч……………………………………………………………………69
Виждон………………………………………………………………71
Номус………………………………………………………………..72
Идеал, хаётнинг маъноси. Бахт тушунчаси…………………………74
**7-мавзу: Ахлокий тамойилар ва меъёрлар хакида тушунчалар………....80**
7.1. Ахлокий тамойиллар ва меъёрлар хакида тушунча………………...80
7.2. Инсонпарварлик, эркпарварлик ва ватанпарварлик ахлокий тамойиллардир…………………………………………………….. 80
7.3. Миллатпарварлик, фидойилик, зиёлилик в мехнатсеварлик тамойиллари………………………………………………………...83
7.4. Тинчликпарварлик, жумардлик, узбекчилик, мехмондустлик тамойилларини характерли хусусиятлари………………………...88
7.5. Халоллик ва ростгуйлик, ширинсуханлик, камтарлик ва босиклик ахлокий меъёрлардир…………………………………………….90
**8-мавзу: Оила, фукаролик жамияти ва давлатнинг ахлокий асослари хамда ахлокий тарбияси...………………………………………………..94**
8.1. Оила ва никохнинг мазмуни ва мохияти……………………………94
8.2. Фукаролик жамияти отла билан давлат уртасидаги узига хос боскич эканлиги……………………………………………………...….96
8.3. Давлат ахлокшуносликнинг ривожлантирувчи, оила ва фукаролик жамиятини уз ичига олувчи институт сифатида……………………97
Ахлокий маданият ва касбий одоб муаммоси…………………… 97
Ахлокий тарбия хамда унинг йуллари ва воситалари…………………………………………...………100
Таянч ибораларнинг изохли лугати ……………………………………103
Адабиётлар руйхати …………………………………………………..105
Мундарижа ……………………………………………………………107